

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗАЙНУТДИНОВ Ш.Н., КАРМИШЕВА Ш.К.

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими
ўқув методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш
томонидан “Менежмент (тармоқлар бўйича)” таълим йўналиши
талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

ТОШКЕНТ – 2007

Тақризчилар:

Проф. Махмудов Э.Х.

И.ф.н. Саифназаров С.И.

Тузувчилар:

@ и.ф.д., проф. Зайнутдинов Ш.Н., Кармишева Ш.К. Инвестицияларни бошқариш. Ўқув қўлланма- Т.; ТДИУ, 2007 й., 243 бет.

«Инвестицияларни бошқариш» ўқув қўлланмасида инвестицияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари кўриб чиқилган, инвестиция стратегиясининг назарий жихатлари келтирилган, инвестиция лойихасининг самарадорлигини баҳолашга, инвестиция бозорини прогнозлаш ва баҳолашга услубий ёндошувлар асослаб берилган, ундан ташқари инвестиция лойиҳалари рискларининг асосий турлари, уларни баҳолаш ва бошқариш масалалари узечимини топган.

Олий ўқув юртлари иқтисодий мутахассисликлари бакалаврлари, магистрлари ва аспирантлари, хамда инвестицияларни бошқариш масалалари билан қизиқувчилар учун тавсия этилади.

Рецензенты:

проф. Махмудов Э.Х.

к.э.н. Саифназаров С. И.

**Составили: @ д.э.н., проф. Зайнутдинов Ш.Н., Кармишева Ш.К.
Управление инвестициями. Учебное пособие- Т.; ТГЭУ, 2007, 243 с.**

В учебнике «Управление инвестициями» рассмотрены научно-методологические основы управления инвестициями, изложены теоретические аспекты инвестиционной стратегии, обосновываются методические подходы к оценке эффективности инвестиционных проектов, оценке и прогнозированию инвестиционного рынка, а также рассматриваются основные виды рисков инвестиционных проектов, методы оценки и управления ими.

Предназначено для бакалавров, магистров и аспирантов высших учебных заведений по экономическим специальностям, а также всем интересующимся вопросами управления инвестициями.

Reviewers:

professor Makhmudov E.H.
Saifnazarov S.I.

Zaynutdinov Sh.N., Karmisheva Sh.K. Investment management. Textbook- T.; TSUE., 2007, 243 p.

The book “Investment management” analizes scientific-methodological basis of investment management,shows fundamental aspects of investment strategy ,proves technical approach in perfomance evaluation of investment projects,evaluation and investment market forecasting. This book analyzes the main ways of risk in investment projects , methods of investment evaluation and management.

Meant for bachelor students, master students, postgraduate students of economic universities, and everyone, who is interested in investment management.
Approved by Coordinating Council of Ministry of higher education of the republic of Uzbekistan as a textbook for students of Institutions of Higher Education.

МУНДАРИЖА

№	Боблар номи	бетлар
1	КИРИШ 1. Боб: «Инвестицияларни бошқариш» курсининг предмети, вазифалари ва мазмуни 1.1. Курснинг предмети ва мазмуни 1.2.«Инвестицияларни бошқариш» курсининг мақсад ва вазифалари 1.3. Инвестицияларни бошқаришнинг асосий функциялари	11 14 14 16 17
2	2. Боб: Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни бошқаришнинг методологик асослари 2.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти 2.2. Инвестицияларнинг шакл ва турлари таснифи 2.3. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш 2.4. Инвестиция фаолиятини хуқуқий тартибга солиш муаммолари	21 21 29 33 34
3	3. Боб: Инвестицион стратегия ва уни ташкил этиш босқичлари 3.1. Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиши тамойиллари 3.2. Инвестицион стратегияни ташкил этиш босқичлари 3.3. Инвестиция фаолиятининг стратегик йуналишларини ишлаб чиқиши	48 48 52 54
4	4. Боб. Корхонанинг инвестицион лойиҳасини ташкил этиш ва баҳолаш 4.1. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари 4.2. Инвестиция имкониятларини танлаб олишни ташкил этиш 4.3. Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиши ва баҳолаш	58 58 60 61
5	5. Боб. Фонд бозори воситаларининг сифат ва самарадорлигини баҳолаш 5.1. Фонд бозори воситалари инвестицион сифатларининг асосий хусусиятлари 5.2. Фонд бозори воситалари самарадорлигини баҳолаш моделлари	68 68 71
6	6. Боб. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш 6.1. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва инвестиция ресурслари қийматини аниқлаш 6.2. Капитал қиймати тушунчаси 6.3. Капиталнинг айрим элементлари қиймати	75 78 89
7	7. Боб . Инвестиция лойиҳаларининг рисқ ва ишончлилигини баҳолаш 7.1. Инвестицион рисклар ва уларнинг таснифи 7.2. Инвестицион рискларни баҳолаш усуллари	93 93 97

	7.3. Инвестиция фаолиятида иқтисодий хавфсизлик масалалари	98
8	8.Боб. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш усуллари 8.1. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш тамойиллари 8.2. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари	101 104 105
9	9. Боб. Инвестиция лойиҳасини жорий бошқариш 9.1. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш календар режасини ишлаб чиқиш 9.2. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш 9.3. Инвестиция дастурларини амалга ошириш мониторинг тизимини яратиш	108 108 110 111
10	10. Боб. Инвестицион лойиҳалардан «чиқиши» тамойиллари 10.1. Инвестиция портфелини корректировка қилиш зарурати 10.2. Инвестиция лойиҳаси ёки дастурларидан «чиқиши» тўғрисида қарор қабул қилиш 10.3. Айрим фонд воситаларини сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш	115 115 115 117
11	11. Боб. Инвестиция бозорини баҳолаш ва прогнозлаш 11.1. Инвестиция бозори характеристикаси ва уни ўрганиш тамойиллари 11.2. Инвестиция бозори ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш ва прогнозлаш 11.3. Иқтисодиёт тармоқларининг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш 11.4. Регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш 11.5. Корхонанинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш	119 120 122 122 123
12	12. Боб. Лизинг инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил усули сифатида 12.1. Лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳияти 12.2. Лизингнинг мазмуни, асосий белгилари ва афзаликлари	127 127 133
13	Тестлар	137
14	Иқтисодий атамалар луғати	151
15	Фойдаланилган адабиётлар	154

СОДЕРЖАНИЕ

№	Название глав	стр
---	---------------	-----

1	Введение 1-глава. Предмет, задачи и содержание курса «Управление инвестициями» 1.1. Предмет и содержание курса 1.2. Цели и задачи курса «Управление инвестициями» 1.3.Основные функции управления инвестициями	11 14 14 16 17
2	2- глава. Методологические основы управления инвестициями в условиях рынка 2.1. Экономическая сущность инвестиций 2.2. Классификация форм и видов инвестиций 2.3. Регулирование инвестиционной деятельности 2.4. Проблемы правового регулирования инвестиционной деятельности	21 21 29 33 34
3	3- глава. Инвестиционная стратегия и этапы ее формирования 3.1.Принципы разработки инвестиционной стратегии 3.2.Этапы формирования инвестиционной стратегии 3.3. Разработка стратегических направлений инвестиционной деятельности	48 48 52 54
4	4- глава. Формирование и оценка инвестиционного задела предприятий 4.1. Этапы подготовки инвестиционного проекта 4.2.Организация поиска инвестиционных возможностей 4.3. Разработка и оценка инвестиционного проекта	58 58 60 61
5	5- глава. Оценка качеств и эффективности инструментов фондового рынка 5.1. Характеристика инвестиционных качеств инструментов фондового рынка 5.2. Модели оценки эффективности инструментов фондового рынка	68 68 71
6	6- глава. Финансирование инвестиционных проектов 6.1. Финансирование инвестиционных проектов и определение стоимости инвестиционных ресурсов 6.2. Понятие стоимости капитала 6.3. Стоимость отдельных элементов капитала	75 78 89
7	7- глава. Оценка рисковости и достоверности инвестиционных проектов 7.1. Инвестиционные риски и их классификация 7.2. Методы оценки инвестиционного риска 7.3. Вопросы экономической безопасности инвестиционной деятельности	93 93 97 98
8	8- глава. Методы оценки эффективности инвестиционных проектов	101

	8.1. Принципы оценки эффективности инвестиционных проектов 8.2. Показатели оценки эффективности инвестиций	104 105
9	9- глава. Оперативное управление инвестиционным проектом 9.1.Разработка календарного плана реализации инвестиционного проекта 9.2. Разработка бюджета реализации инвестиционного проекта 9.3. Построение системы мониторинга реализации инвестиционных программ	108 108 110 111
10	10- глава. Критерии «выхода» из инвестиционных проектов 10.1. Необходимость корректировки инвестиционного портфеля 10.2. Принятие решений о "выходе" из инвестиционных проектов или программ 10.3. Принятие решений о продаже отдельных фондовых инструментов	115 115 115 117
11	11- глава. Оценка и прогнозирование инвестиционного рынка 11.1. Характеристика инвестиционного рынка и принципы его изучения 11.2. Оценка и прогнозирование экономических показателей развития инвестиционного рынка 11.3.Оценка и прогнозирование инвестиционной привлекательности отраслей экономики 11.4.Оценка и прогнозирование инвестиционной привлекательности регионов 11.5. Оценка инвестиционной привлекательности предприятий	119 120 122 122 123
12	12-глава. Лизинг- как альтернативный метод финансирования инвестиций 12.1. Экономическая сущность лизинга 12.2. Содержание лизинга, его основные свойства и преимущества	127 127 133
13	Тесты	137
14	Глоссарий	151
15	Использованная литература	154

CONTENTS

	The name of chapters	ctp
1	Introduction The 1-chapter. A subject, problems and the maintenance of a rate « Management of investments » 1.1. A subject and the maintenance of a rate 1.2. The purposes and problems of a rate « Management of investments » 1.3. The basic functions of management by investments	11 14 14 16 17
2	2 chapter. Methodological bases of management of investments into conditions of the market 2.1. Economic essence of investments 2.2. Classification of forms and kinds of investments 2.3. Regulation of investment activity 2.4. Problems of legal regulation of investment activity	21 21 29 33 34
3	3 chapter. Investment strategy and stages of its formation 3.1. Principles of development of investment strategy 3.2. Stages of formation of investment strategy 3.3. Development of strategic directions of investment activity	48 48 52 54
4	4 chapter. Formation and an estimation of an investment reserve of the enterprises 4.1. Stages of preparation of the investment project 4.2. The organization of search of investment opportunities 4.3. Development and an estimation of the investment project	58 58 60 61
5	5 chapter. An estimation of qualities and efficiency of tools of the share market 5.1. The characteristic of investment qualities of tools of the share market 5.2. Models of an estimation of efficiency of tools of the share market	68 68 71
6	6 chapter. Financing of investment projects 6.1. Financing of investment projects and definition of cost of investment resources 6.2. Concept of cost of the capital 6.3. Cost of separate elements of the capital	75 78 89
7	7 chapter. An estimation of risks and reliability of investment projects 7.1. Investment risks and their classification 7.2. Methods of an estimation of investment risk 7.3. Questions of economic safety of investment activity	93 93 97 98
8	8 chapter. Methods of an estimation of efficiency of investment projects 8.1. Principles of an estimation of efficiency of investment projects	101 104

	8.2. Parameters of an estimation of efficiency of investments	105
9	9 chapter. Operative management of the investment project	108
	9.1. Development of the planned schedule of realization of the investment project	108
	9.2. Development of the budget of realization of the investment project	110
	9.3. Построенне systems of monitoring of realization of investment programs	111
10	10 chapter. Criteria of "output" from investment projects	115
	10.1. Necessity of updating of an investment portfolio	115
	10.2. Decision-making on "output" from investment projects or programs	115
	10.3. Decision-making on sale of separate share tools	117
11	11 chapter. An estimation and forecasting of the investment market	
	11.1. The characteristic of the investment market and principles of its studying	119
	11.2. An estimation and forecasting of economic parameters of development of the investment market	120
	11.3. An estimation and forecasting of investment appeal of branches of economy	122
	11.4. An estimation and forecasting of investment appeal of regions	122
	11.5. An estimation of investment appeal of the enterprises	123
12	12-chapter. Лизинг-as an alternative method of financing of investments	127
	12.1. Economic essence of leasing	127
	12.2. The maintenance of leasing, its basic properties and advantages	133
13	Tests	137
14	Glossary	151
15	The used literature	154

КИРИШ

Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш, инвестицияларни олиб кириш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини қўтариш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни қўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.

Инвестиция фаолиятини бошқариш, инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиялаш манбаларни, барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллӣ иқтисодиётнинг келажагани белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий манбаларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Ижтимоий йўналтирилтган бозор иқтисодиётига ўтишда, ўз моделини амалга ошираётган Ўзбекистон инвестицияларни молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизмлари ва воситаларини излашда давом этмоқда. Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловини ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий манбаларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш усулларини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруратини кўлдаланг қилиб қўяди. Мамлакат инвестиция фаолиятида айниқса хорижий инвестициялар иштироки кучайиши билан бу масалалар аҳамияти ошиб боради.

Ўзбекистон Ресpubликаси Президенти И.А. Каримов мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ғоят муҳим аҳамияти ва зарурати ҳақида таъкидлаб хорижий инвестицияларини жалб этиш масаласини "... доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатимизни талаб қилувчи масалалардан..." бири бўлишини эслатиб ўтади. Иқтисодиёт-тимизга хорижий инвестициялар киритилишини "... бизнинг доимий дикқат марказимизда..." бўлишини, "... ўзимизнинг асосий вазифамиз..." сифатида қарашимизни унутмаслигимиз зарур.

И.А. Каримов таъкидлашича, "Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жихозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас". Инвестиция фаолиятидаги бурилишларни таъкидланган вазифаларни ечиш; инвестициялашнинг давлат механизмини эркинлаштириб бориш ва бозор механизмлари қулланиладиган соҳаларни кенгайтириш; инвестициялашни ўз жамғармалари ҳисобидан таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, синдициялаштирилган кредитлаш, лизинг каби янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш талаб қилинади.

Инвестицион қарорларни қабул қилиш ва самарадорликни баҳолашда, айниқса молиялашда хорижий манбаларнинг кенгайиб бориши муносабати билан, ташқаридан жалб этиладиган манбаларнинг нарх ва қийматларини ҳисобга олиш зарурати пайдо бўлади.

Мазкур ўкув кўлланмада инвестицияларнинг мазмуни, моҳияти, баҳолаш усуллари, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, инвестиция қарорларини қабул қилиш ва уларни молиялаштиришнинг муқобил усуллари, инвестицияларни бошқариш таҳлил этган.

Инвестицияларнинг самараси, уларнинг мазмун-моҳияти, сифат-тавсифларига боғликлиги инобатга олиниб, молиялаш манбаларининг ишончлилигига интилаётган мақсадлари ва уларга эришиш усулларига асосланиб, «инвестициялар»нинг янгича назарий талқини берилган ва уларнинг кенг маъноли таърифи асосланган. Инвестициялаш капиталининг манбалари ишончлилиги, уларни боғлаш обьектлари, инвестициялаш мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ҳамда капитал қийматини сақлаш, уни кўпайтириш рисклари ўртасидаги ички мавжуд алоқалар аникланган ва ўзаро боғланиш чизмалари ишлаб чиқилган. Инвестицияларни молиялаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мазмуни очиб берилган. Хорижий инвестицияларнинг мамлакатлараро кўчиш, рисклар доираси кенглиги, фаолият юритиш хуқуқий шароитларининг алмашиши, мақсадлари ва уларга эришиш усуллари каби муҳим хусусиятлари, ички инвестицияларга нисбатан сифатли фарқлари асосланган. Инвестиция қарорларини дисконтланган пул оқимлари, самарадорлик кўрсаткичлари ва капитални жалб қилиш қийматини қамраб оладиган лойиҳавий молиялаштириш услубиёти асосида баҳолаш, танлаш ва қабул қилиш зарурияти белгиланган. Хилма-хил мулкчилик шароитларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, инвестицияларни молиялаштириш ман-баларидаги силжишлар ва уларни юзага чиқарувчи омиллар аникланган. Инвестицияларни молиялаштиришни эркинлаштириш, шу жумладан корхоналар даражасида ўзини ўзи молиялаштириш ва бошқа молиявий воситалар орқали инвестициялашда бевосита хорижий инвестициялар, кредит ва лизингнинг ролини кучайтириш таклифлари ишлаб чиқилган. Инвестицияларни бошқариш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида инвестиция муносабатлари аниқ мулк эгаларининг бир бирига нисбатан давлат томонидан белгиланган меъёрлар ва қоидалар доирасида тенг ва кафолатланган шароитларда хусусий манфаатларини амалга оширишни ифода этади. Халқаро инвестиция муносабатлари, ички инвес-тиция муносабатларидан фарқ қилган ҳолда, айrim мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, молия ва кредит муассасалари, алоҳида инвесторларнинг ва бошқаларнинг манфаатларини акс эттиради. Шу сабабли Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишдаги асосий вазифа ижтимоий ва хусусий манфаатлар, айrim мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар манфаатларининг оқилона мутаносиблигини таъминлаш,

шунингдек, уларни ҳаётда амалга оширишда тенг хуқуқий шароитлар ва кафолатларни яратиб беришдан иборат.

1. БОБ: «ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ» КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

- 1.1. Курсинг предмети ва мазмуни**
- 1.2.«Инвестицияларни бошқариш» курсининг мақсад ва вазифалари**
- 1.3. Инвестицияларни бошқаришнинг асосий функциялари**

1.1. Курсинг предмети ва мазмуни

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхоналарни узоқ муддатда самарали фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ривожланишининг юқори темпларини таъминлаш ва рақобатбардошлигини ошириш кўп жихатдан уларнинг инвестицион фаоллик даражаси ва инвестиция фаолияти диапазони билан белгиланади. Корхонани инвестиция фаолиятини амалга ошириш - муайян мақсадга йуналтирилган инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш, инвестициялар йуналтириладиган алоҳида обьектларни хар тарафлама текшириш ва баҳолаш билан боғлик бўлган масалалар мажмуаси, инвестиция фаолиятини самарали йуналишларини ишлаб чиқишида бошқарув қарорларини қабул қилишга оид назарий ва амалий билимларни талаб этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар мажмуаси «Инвестицияларни бошқариш» курси **предмети** ҳисобланади.

Чет элда инвестицияларни бошқариш асосан қимматли қофозлар портфелини бошқариш масалалари билан боғлиқ, чунки ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялар асосан фонд бозорининг восита ва механизмлари ёрдамида амалга ошади. Бизнинг шароитда чет эл тажрибасидан тўла ва самарали фойдаланиш фонд бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги, унинг воситалари қисқалиги ва бир канча шунга ўхшаш омиллар туфайли қийинлашади. Шунинг учун ушбу курсни ўрганишда асосий урғу реал инвестицияларни бошқариш масалаларига қаратилади.

Охирги йиллар давомида бозор ислоҳотларининг зафарли юриши натижасида «инвестициялар» атамаси кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди.

Инвестицияларни бошқаришда хар тарафлама асосланган, пухта ўйланган инвестиция қарорларини инвестицияларни молиялаштиришнинг ишончли манбалари билан чамбарчас боғлиқликда қабул қилиш зарурлигини ва чет эл капиталини жалб қилишнинг кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги замон иқтисодий назарияси нуқтаи назаридан инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш, уларнинг энг муҳим сифат тавсифларини аниқлаш ғоят долзарб масала ҳисобланади. Инвестицияларга аниқ ва равshan таъриф бериш ҳамда уларнинг мулкий шакллари, капитал қўйилмалар, капитал, кредит тушунчаларининг фарқларини очиб бериш зарурияти пайдо бўлади. Замонавий иқтисодий ва молия назарияси масалалари Ж. Фон. Нейман, О. Моргенштерн, Г. Марковиц, Ж. Тобин, В. Шарп, Ф. Модильяни, М. Миллер ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган. Молия бозорларининг фаолияти қонуниятлари ва

қимматли қоғозларни баҳолаш түғрисидаги фан сифатида шаклланган бу назария соғ келтирилган қийматнинг фундаментал концепциялари, узоқ муддатли активларни баҳолаш моделлари, капиталларнинг самарали бозорлари, бойликларнинг жамланиб бориши ва қийматнинг сақланиш қонуни, опционлар назарияси ва бошқа масалаларни ўрганади. Инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ очиб бериш учун пул оқимларининг замонавий ва бўлажак қийматларидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Хозирги даврда «инвестициялар» тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисодий фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш обьектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи назаридан уларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Фақат капитални йўқотиш риски мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларни вужудга келтиради. Инвестицияларнинг мулкий шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳукуқларни иқтисодий ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эвазига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради. Инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин.

«Инвестицияларни бошқариш» курси талабаларни инвестицион бозор ва унинг алоҳида сегментларини замонавий баҳолаш ва прогнозлаш усуллари билан, тармоқ ва регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг янги, амалий ёндошувлари билан яқиндан таништиришга қаратилган. Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш ва инвестицион лойиҳани ташкил этиш, айрим лойиҳаларнинг инвестицион сифатларини ва бизнинг шароитда ривожланган фонд бозори воситаларини даромадлилик, таваккалчилик ва ликвидлик сифатларини баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор берилади, шунингдек реал ва молиявий инвестицияларни баҳолаш замонавий усул ва моделлари классификация қилинади.

Хозирги пайтда инвестицияларни бошқариш корхона фаолиятини иқтисодий бошқаришнинг ташкилий қисми ҳисобланади. «*Инвестицияларни бошқариш*» курси корхона инвестиция фаолиятиини ҳамма жихатларини бошқариш жараёнини ўзида акс эттиради. Курснинг *асосий мақсади* корхонанинг хар бир ривожланиш босқичида инвестицион стратегияни амалга оширишнинг самарали йўлларини таъминлашга қаратилган.

1.2. «Инвестицияларни бошқариш» курсининг мақсад ва вазифалари

«Инвестицияларни бошқариш» курси олдига қуйилган мақсадларга эришиш йўлида қўйидаги **вазифаларни** олдига қўйган:

1. *Самарали инвестиция фаолияти натижасида корхона иқтисодий ривожланишининг юқори темпларини таъминлаш.* Хар бир корхонанинг стратегияси ташкил этилишидан бошлаб доимий иқтисодий ўсиш, фаолият хажмининг кенгайишига қаратилган бўлади. Бундай иқтисодий ўсиш инвестиция фаолияти орқали таъминланади, бу жараёнда корхонанинг узок муддатли стратегик мақсадларига эришилади.
2. *Инвестиция фаолиятидан келадиган даромадни (фойдани) оширишини таъминлаш.* Фойда корхонани нафақат инвестицион, балки бутун хўжалик фаолияти натижаларининг асосий кўрсатгичидир. Корхонанинг иқтисодий ривожланиш мақсадлари учун баланс фойдаси эмас, балки соғ фойда, яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан кейин қоладиган фойда зарур, шунинг учун келгусидаги инвестицион йуналишларни альтернатив қарорларини кўриб чиққанда улар орасида энг кўп соғ фойда келтирадиганини ажратиб олиш муҳимdir.
3. *Инвестицион рискларни камайтишини таъминлаш.* Инвестицион риск турлари кўп бўлиб, инвестиция фаолиятининг ҳамма йуналишларига ҳамроҳлик қиласи. Айрим холларда бу рисклар нафақат даромад ва фойдага, балки инвестиция қилинган капиталга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқарув қарорларни қабул қилишда инвестицион риск ва унинг билан боғлиқ бўлган молиявий йуқотишларни камайтириш лозим.
4. *Инвестиция фаолиятини амалга ошириши жараёнида корхонанинг молиявий устунлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш.* Инвестиция фаолияти катта микдордаги молиявий маблағларни узок муддатга йуналтириш билан боғлиқ, бу эса корхонани жорий операциялар бўйича тўлов қобилиятини пасайишига олиб келиши мумкин, ундан ташқари ўз вақтида тўлов мажбуриятларини амалга оширишни қийинлаштириши мумкин.
5. *Инвестицион программаларни амалга оширишини тезлаштириш йўлларини топиш.* Инвестицион программаларни амалга оширишни тезлаштириш қўйидаги фикрлардан келиб чикади: инвестицион программаларни амалга оширишни тезлаштириш корхонани иқтисодий ривожланишини таъминлайди; ундан ташқари бундай холат амортизация ажратмаси ва инвестициядан келадиган фойдани қушимча пул оқими сифатида ташкил этишга олиб келади; инвестицион программаларнинг амалга ошишини тезлашиши кредит воситаларини ишлатиш муддатини қисқартиради ва ниҳоят инвестицион рискларнинг пасайишига олиб келади.

Юқорида кайд этилган курс *вазифалари* бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай килиб, корхона ривожланишининг юқори темпларини таъминлаш бир

тарафдан юқори даромад келтирадиган инвестицион лойиҳани танлашга боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан корхонани у ёки бу ривожланиш босқичида белгиланган инвестицион программани амалга оширишни тезлаштириш орқали эришилади. Шу билан бирга инвестициялардан келадиган фойдани максималлаштириш ўз навбатида инвестицион рисклар даражасини ошишига олиб келиши мумкин, шунинг учун бу кўрсатгичлар ўзаро оптималлашган бўлиши керак. Инвестицион рискларни минималлаштириш корхонани молиявий устунлиги ва тўлов қобилиятини сақлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқорида кўриб утилган «Инвестицияларни бошқариш» курси *вазифалари ичida энг асосийси* инвестиция фаолиятидан келадиган даромад (фойда)ни максималлаштириш эмас, балки ушбу жараёнда корхонанинг молиявий устунлигини таъминлаш орқали унинг иқтисодий ривожланиш юқори темпларини таъминлашдир.

1.3. Инвестицияларни бошқаришнинг асосий функциялари

Инвестицияларни бошқаришнинг *асосий функциялари* кўйидагилар:

1. *Ташки инвестицион муҳитни ўрганиши ва инвестицион бозор конъюнктурасини прогнозлаши.* Ушбу функцияни амалга оширишда инвестиция фаолиятини ҳуқуқий шартлари, инвестицион бозорнинг жорий конъюнктураси ва уни белгиловчи омиллар ўрганилади; корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган инвестицион бозорнинг хар бир сегменти конъюнктураси бўйича прогнозлар тўзилади.
2. *Корхона инвестиция фаолиятиининг стратегик йуналишларини ишлаб чиқиши.* Ушбу функцияни амалга оширишда корхонанинг иқтисодий ривожланиш умумий стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда, инвестиция фаолиятининг мақсадлар тизими ташкил этилади, узоқ муддатга қаратилган унинг асосий йуналишлари ишлаб чиқилади ва яқин истиқболда хал этиладиган вазифалар белгиланади.
3. *Корхона инвестицион ресурсларини ташкил этиши стратегиясини ишлаб чиқиши.* Бунинг учун инвестицион ресурсларга бўлган умумий талаб прогнозланади; корхонанинг шахсий маблағларидан инвестицион маблағларни ташкил этиш имкониятлари аниқланади; инвестицион стратегияни амалга оширишда қарз маблағларини ишлатиш таҳлил қилинади. Инвестицион ресурслар манбалари структурасини оптималлаштириш жараёнида корхонанинг шахсий ва кредит маблағлари ўртасидаги рационал нисбат таъминланади.
4. *Айрим инвестицион лойиҳалар инвестицион жозибадорлигини баҳолаши ва улар ичida энг самаралисини белгилаши.* Ушбу функцияни амалга ошириш учун кўйидагиларни ҳисобга олиш талаб этилади:
 - инвестицион бозордаги жорий таклифларни;
 - корхонанинг инвестицион стратегиясига мос келувчи инвестицион лойиҳалар ўрганиш учун ажратиб олинади;
 - инвестицион лойиҳалар чуқур экспертизадан ўтказилади;

- хар бир инвестицион лойиҳа бўйича даромадлилик даражаси, иқтисодий самарадорлик кўрсатгичлари ўрганилади ва улар ичида энг мақбул варианtlар сараланади.
5. *Молиявий воситалар инвестицион сифатларини баҳолаши ва улар ичида энг самаралисini танлаши.* Ушбу функцияни амалга оширишда бозорда молиявий воситалар таклифи кўриб чиқилади; уларнинг инвестицион сифатларини белгиловчи асосий кўрсатгичлари баҳоланади; уларнинг реал бозор қиймати ҳисоби аниқланади ва улар ичида энг самаралиси ажратиб олинади. Бундай молиявий воситалар асосини хозирги кунда акция ва бошқа қимматли қоғозлар (яъни фонд воситалари) ташкил этади.
 6. *Инвестицион портфелни ташкил этиши ва уни даромадлилик, риск ва ликвидлик жсихатларини баҳолаши.* Бунда хар бир инвестицион лойиҳа ва молиявий воситалар ичидан ҳисобланган ресурсларнинг фойда, риск даражаси кўрсатгичлари бўйича баҳолаш, айирбошлиш ва амалга ошириш талаб этилади. Инвестицион портфелни ташкил этишнинг *биринчи босқичида* реал ва молиявий инвестициялар ўртасидаги нисбатлар оптималлаштирилади; *иккинчи босқичда* хар бир шакл бўйича энг самарали инвестицион лойиҳалар танланади. Учинчи *босқичда* портфелнинг ликвидлиги баҳоланади. Ташкил этилган инвестицион портфелнинг амалга оширилиши белгиланган инвестицион лойиҳалар мажмуаси деб қараш мумкин.
 7. *Инвестицион программа ва лойиҳаларни амалга оширишини жорий режсалаштириши ва оператив бошқариши.* Ушбу функцияни амалга оширишда инвестицион лойиҳани оператив бошқаришни таъминлаш учун турли кўринишдаги жорий режалар ишлаб чиқилади (инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалари ва уларнинг бюджетлари).
 8. *Инвестицион программа ва лойиҳаларнинг амалга ошириши мониторингини ташкил этиши* учун бирламчи қўзатилаётган кўрсатгичлар тизими ташкил этилади ва уларни йиғиши давомийлиги ва ахборот таҳлили белгиланади; инвестицион лойиҳаларнинг белгиланган муддат, ҳажм, самара ва х.к.дан четланиш сабабалари аниқланади.
 9. *Самарасиз инвестицион лойиҳалардан чиқиши ва капитални реинвестиция қилиши бўйича қарорларни тайёрлаши.* Инвестицион бозор конъюнктурасини ўзгариши, корхонани молиявий аҳволи ўзгариши, инвестицион портфелни тўзишда йўл қуйилган хатолар сабабли инвестицион лойиҳалардан кутилаётган самара белгиланганга нисбатан анча паст бўлиши мумкин. Бундай холатларда ушбу инвестицион лойиҳалардан «чиқиши» тўғрисида қарор қабул қилинади.

Хулоса

Корхонани инвестиция фаолиятиини амалга ошириш - муайян мақсадга йуналтирилган инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш, инвестициялар йуналтириладиган алоҳида объектларни хар тарафлама текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган масалалар мажмуаси, инвестиция фаолиятини самарали

йуналишларини ишлаб чиқища бошқарув қарорларини қабул қилиш «Инвестицияларни бошқариш» курси предмети ҳисобланади.

«Инвестицияларни бошқариш» курси вазифалари: самарали инвестиция фаолияти натижасида корхона иқтисодий ривожланишининг юқори темпларини таъминлаш, инвестиция фаолиятидан келадиган даромадни (фойдани) оширишни таъминлаш, инвестицион рискларни камайтиришни таъминлаш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида корхонанинг молиявий устунлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш, инвестицион программаларни амалга оширишни тезлаштириш йўлларини топишдан иборат.

Таянч иборалар: инвестиция, инвестиция фаолияти, инвестицияларни бошқариш, курснинг предмети, курснинг мақсади, инвестицияларни бошқариш вазифалари, инвестицияларни бошқаришни асосий функциялари.

Назорат саволлари

1. «Инвестицияларни бошқариш» курси предмети ва моҳияти нималардан иборат?
2. Курс мақсади ва вазифалари деганда нималарни тушунасиз?
3. Инвестицияларни бошқаришнинг асосий вазифаларини айтиб беринг?
4. Инвестицияларни бошқаришни асосий функциялари нималардан иборат?
5. Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг урни сизнингча қандай?
6. Инвестицион лойиха, инвестицион портфел деганда нималарни тушунасиз?
7. Фонд бозоридаги молиявий воситаларга таъриф беринг?
8. Инвестицияларни бошқаришда инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш қандай амалга оширилади?
9. Ташқи инвестицион муҳитни ўрганиш ва инвестицион бозор конъюнктурасини прогнозлашда қандай ахборот манба ва воситаларидан фойдаланилади?
10. «Инвестицияларни бошқариш» курси вазифалари ичida энг асосийси қайси?

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида». Т. «Ўзбекистон». 1995.
2. Инвестиции. Организация, управление, финансирование: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям 060000 экономики и управления/ Н.В. Игошин:- 3-е изд., перераб и доп.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
3. Дамодаран Асват. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов; Пер. с англ.-2-е изд, исправл.- М.: Альпина бизнес Букс, 2005.

4. Бочаров В.В. Инвестиционный менеджмент. -СПб.: Питер.,2002
5. Кийосаки Р.Т. Руководство богатого Папы по инвестированию.- Минск: Попурри, 2003.
6. Доронина Н.Г., Семилютина Н.Г. Государство и регулирование инвестиций- М.: ООО «Городец-издат», 2003.
7. Аркин В.И., Сластников А.Д. Стимулирование инвестиционных проектов с помощью механизма амортизации: №02/05.-М.,2002.

2. БОБ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

- 2.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти**
- 2.2. Инвестицияларнинг шакл ва турлари таснифи**
- 2.3. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш**
- 2.4. Инвестиция фаолиятини хукуқий тартибга солиш муаммолари**

2.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти

Хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакатнинг иқтисодий фаолияти қўп жихатдан амалга оширилаётган инвестициялар хажми ва шакли билан белгиланади. «Инвестиция» термини лотинча «invest» сўзидан олинган бўлиб, «кўйиш», «маблагни сафарбар этиш» маъносини англатади. Аммо кенгроқ маънода инвестиция – бу қўпайтириб, кайтариб олиш мақсадларида капитални бирор бир ишга киритишни билдиради. Кўпгина холларда «инвестициялар» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият обьектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир хукуқлар тарзида ҳам таърифланади.

«Чет эл инвестициялари» тушунчасига таъриф беришда юқоридаги маънолар назарда тутилади, лекин ўз урнида уларнинг қонуний жихатлари ва мақсадига қўпроқ урғу берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги» қонунида (30 апрел 1998 й) Ўзбекистон Республикаси худудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун хужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари обьектларига аксарият холларда фойда олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир хукуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган хукуқлар, ҳамда чет эл инвестицияларидан олинадиган хар кандай даромад чет эл инвестициялари саналади. Миллий иқтисодиёт четдан қуйилма сифатида чет эл капиталини ва унинг турли шаклларида (пул, товар, мулкий хукуқ, интеллектуал мулк ва бошк.) қабул қилиши мумкин.

Хозирги даврда «инвестициялар» тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисодий фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш обьектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Инвестицияларнинг мулкий шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган хукуқларни иқтисодий ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эвазига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан хозирги харажатларни билдиради. Инвестициялар ноаниклик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатdir. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг

сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин.

Макроиктисодий даражада инвестициялар дейилганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, янги уй-жой биноларини, товар заҳираларини қўпайтириш ва шу кабиларга йўналтирилган харажатларининг бир қисми тушунилади. Бу ўринда ялпи ички маҳсулотнинг жорий даврда истеъмол қилинмаган, капитални ўстиришга йўналтирилган қисми назарда тутилади. Айрим иқтисодчилар эса инвестициялар - бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромаднинг жорий истеъмолга эмас, балки пиравард мақсади келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки якка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми деб қарайдилар.

Ишлаб чиқариш назариясида ва микродарражада «инвестициялар» дейилганда янги капитални, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал потенциални такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёни назарда тутилади. Умуман олганда, иқтисодиётда инвестициялар капиталнинг жамғарилиш жараёнидир.

Молия назариясида инвестициялар реал ёки молиявий активларни олишдан далолат беради ва келажакда кутилган даромадларга эришиш мақсадларида қилинган ҳозирги харажатлардан иборатдир. Бошқача айтганда инвестициялар ҳозирги муайян капитал қийматини кутиладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмашишини билдиради. Шундай қилиб, замонавий молия назариясида инвестициялар оқимини муайян қийматни келажакдаги эҳтимоли бўлган ноаниқ қийматга алмаштиришни англаради.

Сўнги таърифларда инвестицияларининг мазмуни ва моҳиятининг асосий мезони тарзида келгуси манфаатлар ҳамда инвестициялар билан боғлиқ рисклар таъкидлаб кўрсатилган. Масалан, П. Массе инвестициялаш бугунги эҳтиёжларни қондиришни инвестиция неъматлари ёрдамида келажакда кутиладигаи қондиришга алмаштириш ҳаракатидан иборат деб ҳисоблайди¹. Айрим асарларда мамлакат ичида ёки хорижда ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни ривожлантириш, фойда олиш ёки бошқа пиравард натижалар олиш мақсадларида турли тармоқлар, дастурлар ва айрим тадбиркорларга молиявий, мулкий ва интеллектуал неъматлар қўйилмаларининг жами турларини инвестициялар деб кўрсатадилар. Бундай нуқтаи назарда турган муаллифларнинг фикрича, уларнинг бир қисми — бу жорий даврда фойдаланилмайдиган ва заҳирага қўйиладиган истеъмол неъматларидан, иккинчи қисми - ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки уни янгилашга, яъни реал капитални қўпайтиришга йўналтириладиган ресурслар ҳисобланади. Жорий даврда фойдаланилмаган жами истеъмол неъматларини инвестициялар деб ҳисоблаш ҳақидаги фикрларга қўшилиш қийин, ўзининг ҳозирги қийматини сақлайдиган ёки уни қўпайтирадиган неъматларгина инвестициялар деб ҳисобланиши мумкин, акс ҳолда улар

¹ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. Пособие- Мн.: «Экоперспектива», 11, 443б.

ҳаракатсиз, "ўлик калиталга" айланади². Неъматларнинг иккинчи қисми, яъни манбалар тўғрисидаги фикрларга келганда шуни айтиш мумкинки, бундай таърифларнинг муаллифлари инвестициялар қўйилмалари обьектларини тўлиқ кўрсатмайдилар³. Бунинг устига улар инвестицияларга иқтисодий таърифдан ташқари яна молиявий таъриф ҳам бериш мумкин деб хисоблайдилар. Уларнинг қарашларига кўра молиявий таъриф бўйича инвестициялар - хўжалик фаолиятига қўйиладиган жами турдаги активлар бўлса, иқтисодий таъриф бўйича инвестициялар - асосий ва айланма капитални барпо этиш, кенгайтириш ёки қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга қилинган сарф-харажатлардир. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, активларнинг ўзи инвестициялашнинг натижалари хисобланади, инвестициялар киритиш обьектларида эса номоддий активлар эътибордан четда қолдирилади.

Ишлаб чиқаришнинг омилларидан бири капитал хисобланади. Капитал эса биринчи навбатда инвестициялар хисобига ўсиб боради. Айрим иқтисодчилар шу нуқтаи назардан инвестицияларни капитални ўстириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга йўналтириледиган жами моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланиш жараёни тарзida изоҳлайдилар. Улар инвестици-ялар капитални фойдали жойлаштириш мақсадларида амалга оширилади деб қарайдилар. Инвестицияларга берилган бу тахлилдаги таърифлар уларнинг моҳиятини тўла очиб бермайди. Биз юқорида кўриб ўтган таърифларда инвестицияларнинг мақсадлари эътибордан четда қолган, уларнинг сифат-тавсифлари берилмаган, уларнинг моҳиятини ифода этадиган функциялари акс этмаган. Шуни таъкидлаш керакки, келтириб ўтилганган таърифларда инвестицияларнинг мақсадлари ғоят мужмал берилган ва улар пулнинг замонавий қиймат концепцияси нуқтаи назаридан инвестицияларнинг моҳиятини очиб бермайди. Инвестициялар фақат ишлаб чиқаришни қўпайтириш, қоплаш, кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга ёки асосий капиталга иўналтирилади деган фикрларга қўшилиш қийин, чунки ҳаракатлар йўналишлари нуқтаи назаридан алмаштириш, кенгайтириш, қуроллантириш, фондлар таркибини янгилаш ва бошқаларни кўриш мумкин. Шу маънода, бу фикрнинг тасдигига далил сифатида инвестицияларнинг соф ва эскиришни қоплаш инвестицияларига таснифланиши, уларнинг жамланиб ялпи инвестицияларни ҳосил қилишини келтириш мумкин.

Инвестицияларни киритишнинг асосий мақсади фақат капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаб қолишдангина иборат бўлмай, қўйилмаларнинг хавфсизлиги, даромаддорлиги ва тегишли ликвидлиги сақланганда уларни қўпайтиришни (капиталлаштиришни) ҳам қамраб олади. Кўпгина ҳолларда инвестицияларни муайян муддатга боғлашда уйғунлашган мақсадлар кўзланади. Инвестициялар мақсадларининг уйғунланишуви кўпгина омилларга боғлиқдир. Глобаллашув

² Д.Ф. Фозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия нашриёти», 2003, 156.

³ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. Пособие- Мн.: «Экоперспектива», 11, 12 б.

шароитида хорижий инвестицияларнинг харакати қўпгина ҳолларда уйғунлашган мақсадларни кўзлади. Инвестицияларнинг асосий мақсади пул оқимларининг замонавий қийматини сақлаб қолиш ҳамда улар натижаларидан қутиладиган бўлажак қийматларни капиталлаш-тиришdir. Демак, ҳамма ҳолларда ҳам инвестициялар ҳозирги истъемолдан воз кечган холда, уларни муайян муддатларга, муайян жараёнларга ва объектларга банд қилишдан бошқа нарса эмас. Улар муайян мақсадларни кўзлади ва жамғариш функцияларини таъминлайди. Инвестицияларга хос бўлган муҳим белги - бу уларнинг муайян вақт давомида замонавий қийматини сақлаш мақсадларида танланган активларда банд қилиниши, уларнинг капиталлашуви ва жамғарилишини кўпайтириш ҳисобланади. Ҳаракатсиз капиталдан инвестицияларнинг фарқи шундаки, улар аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар ҳисоб-китоби, қабул қилинган инвестицион қарорлар асосида муайян активларга боғланишига тайёрлиги билан фарқланади. Бу белгилар инвестицияларни капиталдан ажратиб туради. Капитал (пул) шаклидаги инвестицияларнинг моддийлашган инвестициялардан фарқи уларнинг тўқнашуви бўлиши мумкин бўлган рисклар мажмуаси билан белгиланади.

Кўпгина муаллифлар инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини ёритища тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган фойда (даромад), яратиладиган ёки ижтимоий самара берадиган мулкий ёки интеллектуал бойликларнинг ҳамма турлари инвестициялардир деган фикрни тасдиқлайдилар⁴. Бундай қараш тарафдорларига эътиroz билдириб айтиш мумкинки, мулкий ва интеллектуал бойликлар молиявий ресурсларни инвестиациялаш ҳисобига яратилади. Инвестицияларни молиялаштириша эса турли мақсадли мо-лиявий ресурслардан фойдаланилади. Кўпгина ҳолларда аралаш молиялаштириш усули қўлланилади ва молиялаштириш манбаларининг жалб этилиши ўзига хос аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғлиқдир.

Моҳият эътибори билан улар инвестицияларнинг моддийлашган шакли, реал капитал, инвестициялар киритилган моддий активлардир. Моддий, номоддий, молиявий активлар эса инвестициялардан ўз рисклари мажмуаси ва таркиби билан фарқ қиласи.

Иқтисодий адабиётларда «инвестициялар даромад (фойда) олиш мақсадларида тадбиркорлик ёки бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган пул маблағлари, мақсадли банк қуийлмалари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, техника-жихозлар, лицензиялар, шу жумладан товар белгиларига лицензи-ялар, кредитлар, қар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуклар, интеллектуал бойликлардир деган таърифлар ҳам учрайди⁵. Бундай нуқтаи назарда турган муаллифлар турли активларнинг мулкий шаклини инвестициялашнинг манбалари билан чалкаштириб юбораётган кўринадилар, чунки мавжуд активлар ҳамиша қам инвести-циялаш учун мавжуд капиталнинг умумий

⁴ Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. – М.: Финансы и статистика, 2002, 12 б.

⁵ Финансы: Учебное пособие. Под ред. А.М. Ковалевой.- М.: Финансы и статистика, 2004, 213б.

фондини кўпайтиравермаслигини унутмаслик лозим⁶. Бошқа бир тоифа иқтисодчилар эса «инвестициялар — бу камида икки томон: тадбиркор (лойиха ташаббускори) ва инвестор (лойихани молиялаштирадиган)нинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятидир» деб ҳисоблайдилар⁷. Бу таърифда инвестициялар шунчаки томонларнинг ҳамкорлиги жараёни эмас, балки капитални жалб қилиш ва уни муайян вақтга аниқ активларга банд этиш асосида аниқ ёки уйғуллашган мақсадларга эришиш учун инвестиция қарорларининг қабул қилиниши эканлигини унутмаслик лозим эди.

Айрим қарашларда инвестицияларни капиталдан фойдаланиш, моддий, номоддий активларга, қимматли қоғозларга қўйиш тарзида талқин қилиш ҳам учрайди, муайян даражада бу фикрга қўшилиш мумкин. Инвестициялардан келажакда наф яратиш ва олиш мақсадларида иқтисодий ресурсларни анча узоқ муддатга киритиш тарзида таърифлайдиган айрим нуқтаи назарлар ҳам учрайди⁸. Ҳар қандай ҳолда ҳам инвестицияларнинг мақсади капитал қийматини сақлаб қолиш, уни капиталлаштириш ва жамғаришни амалга оширишдан иборат бўлади. Моддийлашган инвестициялар эса инвестиция фаолиятининг маҳсали бўлиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам жисмоний ва маънавий эскириб ўз қийматини йўқотиб боради. Моддийлашган инвестициялар ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизмат кўрсатиш соҳаларида муайян наф келтиради. Худди шу нуқтаи назардан инвестицияларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри асослаб бериш мумкин. Масалан, ишбилармонлик молиясида капитални капиталлаштириш ва жамғармаларни амалга ошириш мақсадларида ғоядан пировард мақсадга етишгача (лойихани амалга оширишгача) бўлган жараёнларга банд қилиш инвестициялар деб аталади⁹. Инвестициялар ссуда, акциядорлик, тадбиркорлик, пул, товар, ишлаб чиқариш капиталидан фарқ қилган ҳолда жами рисклар мажмуини ўзида мужассам этади ва капитални йўқотиш, бой бериш рискини минималлаштиришни назарда тутади. Ҳаракатсиз капиталдан фарқ қилган ҳолда инвестициялар онгли равишда аниқ ва эҳтимоли бўлган ноаниқ рисклар билан боғланади. Инвестициялар ссудалардан бир қанча йўналишлар бўйича фарқ қиласди. Биринчидан, ссуда ғояси қайтаришлиқ асосида имкони бўлган жуда кўп маблағлар манбаларидан фойдаланишни назарда тутади, инвестициялар эса нисбатан узоқ давом этадиган вақт мобайнида қўйилган капитал ўз эгасига қайтишига қадар маблағлар оқимини таъминлаш мақсадларида уларни боғлашни билдиради. Иккинчидан, кредитлашда келишув ташаббускори, одатда, қарздор ҳисобланади, инвестициялашда эса ташаббус инвестордан чиқади. Учинчидан, кредит молиялаштиришнинг манбаларидан бири ҳисобланади ва кредитга мос бўлган рисклар мажмуаси инвестициялар рисклари мажмуа-сининг бир қисмини ташкил қиласди. Таъкидлаш жоизки,

⁶Д.Ф. Гозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия нашриёти», 2003, 196.

⁷ Идрисов А.Б., Картышев С.В., Постников А.В. Стратегическое планирование и анализ эффективности инвестиций. М.: 2002, 15 б.

⁸ Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка. Т.Н. Цой, П.Г. Грабовой, Мараща Басам Сайел, Изд. «Аланс», 1977, 180б.

⁹ Джонс Эрнест. Деловые финансы. Пер. с англ.- М.:ЗАО «Олимп-Бизнес», 1998, 416б.

инвестициялар муайян вақт давомида аниқ жараёнларга онгли равища боғланиб, рисклар таркибининг кенглиги билан ажралиб туради, чунки инвестицияларни молиялаштиришда кредитдан ташқари бошқа манбалар хам қатнашиши мумкин. Инвестиция капиталини молиялаштириш манбаларининг турлича нисбатларига қараб рисклар кенглиги ва мажмуи ҳам хар хил бўлади. Банк инвестицияларига банк, кредит, бозор, фоиз ва бошқа рисклар хос бўлса, инвестицияларда рисклар доираси кенглиги анча юқори бўлиши мумкин. Тўртинчидан, кредит келишувларида кредитор ягона, инвестиция жараё-нида эса, қоида тарзида, кредитор турли молиялаштирувчилар таркибида улардан бири хисобланади. Кредит ўз негизига кўра қайтаришлик муносабатларига эга, инвестициялар эса тақсимот ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларига асосланади ва қийматнинг сакланишини ва (ёки) уни капиталлаштириш муносабатларини тавсифлайди. Ва, нихоят, кредитга унинг ажралмас белгиси бўлиб фоиз кўринишидаги тўлов хос бўлса, инвестицияларни дивиденд, фойда, фоиз, даромад, моддий неъмат, ижтимоий, экологик ва бошқа самаралар кўринишидаги натижалар кутади. Шунингдек, кредит инвестициялардан ўзининг кредитлаш тамойилларида кўра ҳам фарқ қиласди. Инвестициялашнинг фундаментал принципи диверсификациялаш ва аниқ мақсадларга эришиш учун инвестиция киритиш мақсадларини муросага келтириш, мувофиқлаштиришдан иборат бўлса, кредитлашда эса кредитни қайтаришлик, тўловлилилк каби мақсадлар кўзланади. Инвестициялашнинг асосий мақсади - сафарбар этилган капиталнинг жорий қийматини саклаб қолиш ва лойихани бошқаришда иштирок этиш йўли билан жамғаришни амалга оширишидан иборат, кре-дит эса бевосита бошқаришда иштирок этмаслиги ҳам мумкин¹⁰. Айрим таржима нашрларида «инвестициялар - бу даромадларнинг доиравий айланишига маблағларни қўйиш (қўшиш)дир» деган фикрлар ҳам учрайди¹¹. Ресурсларни банд этишда бундай динамик ёндашувларни ўринли деб ҳисоблаш мумкин.

Айрим иқтисодчилар узоқ муддатли инвестициялар тушунчасини ишлатганларида капитал қўмилмаларни назарда тутадилар ҳамда бу билан инвестицияларнинг мазмуни ва моҳиятини очиб беришни ўзларидан соқит қиласдилар¹². Айрим манбаларда инвестицияларни янги корхоналарни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш, фойда ва бошқа пировард натижалар, масалан, табиат муҳофазаси, ижтимоий натижалар олиш мақсадларида лойихаларга маблағлар киритиш тарзида изоҳлаш ҳам учрайди¹³. Шу билан бирга, инвестициялар таркибига тадбиркорлик объектларида ва бошқа фаолиятга фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадларида сафарбар этиладиган пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар, технологиялар, машина ва техникалар, лицензиялар, кредитлар,

¹⁰ Д.Ф. Фозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия нашриёти», 2003, 216.

¹¹ Полфреман Д., Форд Ф., Основы банковского дела. – М.: Инфра- М, 2003, 1546.

¹² М.Ф. Овсийчук, Л.Б. Сидельникова. Методы инвестирования капитала.- М.: Буквица, 2004, 646.

¹³ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. Пособие- Мн.: «Экоперспектива», 11, 11 б.

бошқа мулклар ёки мулкий ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар ҳам киритилади. Инвестициялар тушунчаси мазмунини бундай тарзда талқин этиш, турли фаолиятларга сафарбар этиладиган пул, моддий, ҳуқуқий, интеллектуал, ишлаб чиқариш шаклидаги қийматларни тенглаштиришdir ва бу билан инвестициялар моҳиятига аниклик кирита олмайди, бинобарин уни чалкаштириб юборади. Инвестициялашга йўналтирилиши мумкин бўлган турли шаклдаги қийматларни санаб ўтиш билан инвестицияларнинг моҳиятини аниқлаб бўлмайди.

Инвестицияларнинг қаерга йўналтирилганини, қандай жараёнларга бириктирилганини ва уларнинг мақсадлари қандай эканлигини билган ҳолдагина уларнинг моҳиятини англаш мумкин. Инвестициялар умуман капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва (ёки) бу қийматни капиталлаштириш, жамғармаларни кўпайтириш мақсадларида капитални ўстириш пайида бўлади. Шу сабабли, улар шу вақт оралиғида истеъмол қилинмайди ва белгаланган муддатга муайян объект ва жараёнларга бириктирилади, уларда банд қилинади, бунда улар аниқ ва ноаниқ рискларга дуч келади.¹⁴

Ж. Кейнс инвестицияларни «ушбу даврнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал мулк баҳосининг жорий ортиши» тарзида, «ушбу даврда топилган даромаднинг истеъмолга ишлатилмаган қисми» тарзида таърифлайди.¹⁵

П.Л. Виленский инвестициялашни келгусида даромад олиш мақсадида пул воситаларини қуйиш акти деб таърифлайди.¹⁶

Макмиллан луғати инвестицияларга (investment) бевосита истеъмол учун эмас, балки ишлаб чиқаришга мулжалланган харажатлар оқими деб таъриф беради.

Дж. Розенбергнинг инвестицияларга бағишлиланган терминологик луғатида инвестициялар пулни даромад олиш ёки капитални купайтиришга эришиш учун ишлатиш деб туштиради.

Богаров В.В. тадбиркорлик объектларига йўналтирилган ва бунинг натижасида фойда ташкил топилган ёки бошқа бирор самарали натижага эришилган моддий ва интеллектуал қийматларнинг хамма турларига инвестиция деб таъриф беради.¹⁷

Маренко Н.Л. инвестицияларга қайдагича таъриф беради: «инвестициялар (капитал қуйилмалар) бу халқ хужалигининг хамма соҳаларининг асосий фондларини кенгайтиган ҳолда қайта тиклашга қаратилган материал, меҳнат ва пул ресурсларининг йифиндисидир Бунда инвестицияларнинг асосий манбалариси бўлиб аҳоли жамғармалари, бюджет ресурслари, корхоналарнинг шахсий воситалари, коллектив ва инвесторларнинг активлари, ҳамда чет эл инвестициялари ҳисобланади».¹⁸

¹⁴ Д.Ф. Фозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия нашриёти», 2003, 226.

¹⁵ Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Прогресс, 1978, 1176.

¹⁶ Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика: Учеб. Поссобие.-3-е изд., испр. И доп.- М.: Дело, 2004 , 22 б.

¹⁷ Богаров В.В. Инвестиции. СПб: Питер, 2003, 76.

¹⁸ Маренко Н.Л. Основы управления инвестициями: Учебник.- М.:Едиториал УРСС, 2003, 57- 61 б

Айрим таржима нашрларида пулни муайян вақтга корхоналарда банд этишни инвестициялар тарзида тушунадиган баъзи чет эллик мутахассисларнинг нуқтаи назари келтирилади¹⁹. Бошқа айрим манбаларда эса инвестициялар тушунчаси инвестиция операциялари билан боғланиб кетади. Инвестиция операциялари деганда лойиҳани амалга ошириш учун маблағларни қўйиш ва бир йилдан ортиқ бўлган давр давомида наф кутиш назарда тутилади.²⁰

Инвестицияларнинг моҳиятини ойдинлаштиришда уларни амалга ошириш учун жалб қилинадиган инвестициялар шакллари ва ресурсларидан бир қадар четга чиқишимиз лозим. Инвестициялар мазмуни уларнинг намоён бўлиш шакллари орқали, инвестициялар мақсади эса уларнинг асосий функцияси жамғариш билан аниқланади. Инвестициялар таърифида уларни юзага чиқарадиган жами шаклларга хос бўлган умумий томонлар ўз ифодасини топиши керак. Турли нуқтаи назарлар, қарашлар ва талқинларни ўрганиш натижасида шундай хulosа чиқариш мумкинки, инвестициялар ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб қилинган маблағларни аниқ муддатларга муайян жараёнларга, аниқ ва ноаниқ рисклар билан боғлашдир, бундан асосий мақсад унинг ҳозирги қийматини сақлаш ва жамғармаларни амалга оширишдан иборатdir.

Иқтисодиётни самарали ривожланишида инвестициялар алоҳида ўрин тутади. Бу холатни аниқрок белгилаш учун қўйидаги икки тушунчани кўриб ўтамиз – ялпи ва соф инвестициялар.

Ялпи инвестиция деганда маълум муддат давомида янги қурилишга қаратилган ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва товар – материал заҳираларини кўпайтиришга йуналтирилган инвестицион воситаларнинг умумий хажми тушунилади.

Соф инвестиция деб маълум муддат ичида амортизацион ажратмалар йифиндисига камайтирилган ялпи инвестициялар йифиндисига айтилади.

Соф инвестициялар кўрсатгичи динамикаси мамлакатнинг у ёки бу босқичдаги иқтисодий ривожланишини акс эттиради. Агар соф инвестициялар йифиндиси манфий ишорага эга бўлса, бу ишлаб чиқариш салоҳиятининг камайишини билдиради. Агар соф инвестициялар йифиндиси нолга teng бўлса, иқтисодий ўсиш йўқлиги аниқланади, чунки ишлаб чиқариш салоҳияти ўзгармас бўлади, ва ниҳоят, агар соф инвестициялар йифиндиси мусбат бўлса, бу иқтисодиёт ривожланиш босқичида эканлигидан далолат беради.

Соф инвестициялар хажмининг ўсиши даромадларнинг ўсишини келтириб чиқаради.

Инвестиция хажмига таъсир курсатувчи асосий омилларни кўриб ўтамиз:

1. Инвестициялар хажми олинаётган ялпи даромаднинг истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ, чунки жамғармаларнинг ўсиши ўз навбатида инвестициялар хажмининг ўсишига олиб келади ва аксинча.

¹⁹ Зель А. Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектов: Пер. с нем. –Минск, 1996. 126.

²⁰ Липсиц И.В., Косов В.В. Инвестиционный проект: Методы подготовки и анализа. Учебно-справочное пособие – М.: Издательство БЕК, 1996, 11 б.

2. Инвестициялар хажмига кутилаётган соф фойда нормаси катта таъсир кўрсатади, чунки фойда нормаси инвестицияларни келтириб чиқарадиган асосий мотив ҳисобланади.
3. Инвестиция хажмига ссуда проценти ставкаси ҳам таъсир кўрсатади.
4. Инфляция темпининг ўсиши инвестициялардан кутиладиган фойданинг қадрсизланишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб **«инвестициялар»** тушунчаси «капитал қўйилмалар», «инвестицияларнинг мулкий шакли», «капитал», «кредит» ва бошқа тушунчаларга қараганда кенгроқ, «сифимлироқ» тушунча ҳисобланади. Инвестицияларни таърифлашда уларнинг амалга оширилишидаги барча шакллари га хос бўлган умумийлик ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Демак, инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади. Инвестициялардан кўзланган мақсадлар билан уларга эришиш усуллари ўртасида жипс алоқалар мавжуд. Бу алоқалар инвестиция мақсадларини келиштириш, уларнинг хавфсизлиги, даромадлилиги, капиталнинг ўсуви ва ликвидилигини уйғунлаштириш асосида амалга оширилади. Улар капитал ҳаракатининг муайян жараёнларига жалб қилинади, муайян вақт давомида реал ва молиявий активларда банд этилади. Инвестицияларнинг мақсади сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва уни капиталлаштиришдан иборат. Улар рискларнинг турли кўринишлари билан боғлиқ, жамғариш йўлида амалга оширилади. Инвестициялар рисклари кўлами доираси банк ва кредит рискларидан анча кенг. Инвестицияларнинг аниқ ва аниқ бўлмаган рисклари мажмуи аксариат ҳолларда уларни молиялаштириш манбаларининг қўлга киритилиши мумкинлиги, ишончлилиги ва тегишли тузилмаси билан белгиланади.²¹

2.2. Инвестицияларнинг шакл ва турлари таснифи

Тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйиладиган инвестициялар турли шаклларда бўлиши мумкин. Инвестицияларни режалаштириш, ҳисоблаш ва таҳлил этиш мақсадида инвестициялар қўйидаги сифатлар бўйича классификацияланади:

1. Воситаларни қўйиш объектлари бўйича:

- реал инвестициялар (моддий ва номоддий активларга қўйилмалар);
- молиявий инвестициялар (молиявий воситаларга, яъни қимматли қоғозларга қўйилмалар).

Реал инвестициялар деб реал активларга (яъни материал ва номатериал активлар) қўйиладиган воситалар тушунилади. Номатериал активларга қўйиладиган воситалар илмий-техник прогресс ва инновацион инвестициялар билан характерланади. Номатериал инвестициялардан фойдаланишда бирон бир номоддий бойликни сотиб олиш, корхона ишчи-хизматчиларининг малакасини

²¹ Д.Ф. Фозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия нашриёти», 2003, 296.

ошириш, илмий-тадқиқот ва лойиха-конструкторлик ишларини олиб бориш кўзда тутилади. Материал инвестициялар ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол предметларини сотиб олишга асос бўлади. Реал инвестицияларга инвестицион лойиҳалар ва бизнес-loyiҳalар киради. Бизнес-loyiҳa деганда тадбиркорлик ғоясини амалга оширишга тайёрланган керакли тадбирлар тизими тушунилади, ушбу тадбирлар амалга ошиши натижасида маълум иқтисодий натижага эришилади. Бизнес-loyiҳa тушунчаси инвестицион лойиҳa тушунчасидан аниқ акс этиб турувчи тадбиркорлик еки молиявий жихатлари билан фарқланади. Шу билан биргаликда экологик ёки ижтимоий лойиҳаларда иқтисодий, молиявий мақсадлар кўзланмайди.

Молиявий инвестициялар деганда турли молиявий воситаларга, яъни қимматли қофозларни сотиб олиш, тижорат банкларига капитал қуиши ва бошқа компаниялар капиталида улушга эга бўлишга қаратилган капитал қуилмалар тушунилади. Улар кўпинча ё спекулятив характерга эга бўлади, ёки капитални узоқ муддатга қуишига қаратилган бўлади. Фонд биржаларида қимматли қофозлар пакетини сотиб олиш билан боғлиқ пул қуилмалари портфел инвестициялар деб аталади.

Реал ва молиявий инвестицияларни ажратиш инвестициялар классификациясининг асосий мезони ҳисобланади.

2. Инвестициялашда қатнашиш характеристи бўйича:

- тўғри инвестициялар (инвесторлар инвестициялашда бевосита катнашадилар);
- эгри инвестиция (инвестициялаш молиявий воситачилар ёрдамида амалга оширилади).

Тўғри инвестициялар инвесторнинг инвестициялаш объектини танлашда ва воситаларни қуишида бевосита қатнашиши кўзда тутади. Тўғри инвестициялаш инвестициялаш обьекти тўғрисида аниқ ахборотга эга ёки инвестициялаш механизми билан яхши таниш инвесторлар амалга оширадилар.

Эгри инвестициялар инвестицион ёки молиявий воситачилар ёрдамида амалга оширилади. Кўпинча ҳамма инвесторлар хам инвестициялаш объектини танлаш ва кейинчалик уларни бошқариш буйича керакли билим ва малакага эга булавермайди, бунда улар инвестицион ёки бошқа молиявий воситачилар ёрдамидан фойдаланилди ва улар чиқарган қимматли қофозларни сотиб оладилар.

3. Инвестициялаш муддати бўйича: қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар мавжуд. Қисқа муддатли инвестицияларга асосан 1 йилга қўйиладиган капиталлар киради (қисқа муддатли депозитлар, қисқа муддатли жамғарма сертификатлари). Узоқ муддатли инвестициялар асосан 1 йилдан кўп муддатга қўйилади. Инвестицион компаниялар амалиётидан узоқ муддатли инвестициялар қуидагича таснифланади: а) 2 йилгача; б) 2 йилдан 3 йилгача; в) 3 йилдан 5 йилгача; г) 5 йилдан ортиқ.

4. Инвестициялаш субъектлари бўйича:

- давлат инвестициялари;
- корпоратив инвестициялар;
- хусусий инвестициялар;
- хорижий инвестициялар

Давлат инвестицияларига давлат бошқарув органлари томонидан бюджет ҳисобидан қилинадиган ёки давлат корхоналари томонидан уз ҳисобидан қилинадиган қуилмалар тушунилади.

Корпоратив инвестицияларга мамлакат субъектлари билан хорижий давлат субъектларининг инвестициялари киради.

Хусусий инвестициялар мамлакат фуқаролари, нодавлат шаклдаги корхоналартомонидан амалга оширилади

Хорижий инвестициялар чет эллик жисмоний шахслар, юридик шахалар ва давлатлар томонидан амалга оширилади.

5. Регионал сифат буйича мамлакат ичидағи ва ундан ташқаридаги инвестициялар ажратилади. Мамлакат ичидағи инвестицияларга ушбу давлат территориясида жойлашган инвестициялаш объектларига қуиладиган воситалар тушунилади. Мамлакат ташқарисидаги инвестицияларга мамлакат ташқарисида жойлашган инвестициялаш объектларига қуиладиган капитал қуилмалар тушунилади.

Интеллектуал инвестициялар патентларни, лицензияларни, ноу-хауларни, персонални тайёрлаш ва қайта тайёрлашни сотиб олиш кузда тутади.

6. Фойдаланиш йуналишлари буйича инвестициялар қуидаги турларга бўлинади:

- янги корхонани ташкил этиш билан боғлиқ инвестициялар;
- жисмоний ва маънавий эскирган ишлаб чиқариш ускуналарини алмаштириш, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини жорий ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ инвестициялар;
- фаолият юритаетган корхоналар ишлаб чиқариш хажмини кенгайтиришга, корхона ишлаб чиқариш дастури структурасини ўзгартиришга қаратилган инвестициялар.

7. Инвестициялаш хажми буйича инвестициялар нисбатан кичик, ўрта ва катта инвестицияларга бўлинади. Бунда соҳалар буйича инвестициялар чегарасини аниқлашга индивидуал ёндашилади.

8. Инвестициялаш мақсадлари ва улар билан боғлиқ рисклар бўйича:

- венчур;
- бевосита;
- портфель;
- аннуитет.

Булар билан бир қаторда, инвестициялар бошқа активларни, хусусан, номоддий, айланма активларни шакллантиришга йўналтирилишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Шу мунособат билан уларни сафарбар этиш ва боғлаш объектларига мол-мулк, молиявий воситалар, номоддий ва интеллектуал бойликлар киритилади. Инвестиция киритиш мақсадлари ва улар билан боғлиқ рисклардан келиб чиқсан ҳолда инвестициялар венчур (рискли), бевосита, портфель ва аннуитет каби турларга таснифланади. Маълумки, катта рисклар билан боғлиқ бўлган, янги фаолият соҳаларида янги акциялар чиқариш венчур капитал шакли ҳисобланади. Бевосита инвестициялар эса иқтисодий субъектнинг устав капиталига даромад топиш ва хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш

мақсадларида киритиладиган инвестициялардир. Улар ресурсларни янги лойиҳаларга жалб қилиш, замонавий техникаларни киритиш, молиявий воситаларни харид этиш, яъни акцияларни сотиб олиш, қўшилиш, қўшиб олиш, мавжуд капитални харид этиш ва бошқа йўллар орқали амалга оширилади. Портфель инвестициялар молиявий ресурсларни диверсификация асосида портфелни шакллантириш билан боғлиқ ва инвесторнинг аниқ бир инвестиция мақсадларига ёки уйғунлашган мақсадларига эришиш учун хизмат қиладиган турли бойликларнинг бир бутун қилиб йифилган мажмуидан иборат. Аннуитет инвесторга мунтазам равишда белгиланган муддатларда муайян даромад келтирувчи инвестициялардир. Шундай қилиб, инвестициялар киритиш соҳалари ва уларнинг аниқ жараёнлар ва объектларга боғланишига қараб аниқ мақсадларга эга бўлади ҳамда уларга аниқ ва ноаниқ рисклар хос. Инвестициялаш субъектлари нуқтаи назаридан инвестицияларни хусусий, корпоратив ва давлат инвестицияларига ажратиш мумкин. Инвестицияларни мазмун ва моҳиятини аниқловчи асосий мезон сифатида, уларнинг макон ва замонда ҳаракатда бўлишидан келиб чиқиб, келгусидаги манфаатлар ва уларга эришиш билан боғлиқ бўлган рисклар ташкил этади. Инвестицияларнинг моҳиятини янада тўлароқ очиб бериш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ уларнинг таснифини, шунингдек, бу масала бўйича иқтисодий адабиётларда мавжуд бўлган қарашлар ва нуқтаи назарларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир (1-чизмага қаранг).

Бизнинг фикримизча, инвестицияларнинг мақсадлари ва улар билан боғлиқ рисклар, уларни йўналтириш соҳалари, инвестициялаш объектлари, инвестициялаш субъектлари ва молиялаштириш манбалари ишончлилиги ўртасида, бир назар ташлаганда кўзга кўринмас, узвий алоқалар мавжудлигини аниқлаш мумкин. Рискларни зиммага олиш (ўзига олиш)га тайёрлик жиҳатидан инвесторларни чин инвесторларга, тадбиркорларга, чайқовчиларга ва ўйинчиларга бўлиш мумкин. Чин инвестор қарор қабул қилиб, капитални банд қилиб қўяр экан, рискларни камайтиришдан манфаатдор, тадбиркор эса у ёки бу тарзда муайян рискларда бўлади, чайқовчи илгаридан маълум бўлган, аниқ рискларга тайёр туради, ўйинчи эса ҳар қандай рискларга дуч келишга тайёр бўлади. Инвестицияларнинг тур ва шаклларига қараб уларга хос бўлган рисклар таркиби ва мажмуаси ўзгарувчан бўлади. Эҳтимоли бўлган аниқ ва ноаниқ рисклар нисбати, улар билан бирга бўлган мавҳумийлик даражалари ҳам турли тарзда кечади.

Шундай қилиб, ҳар қандай ҳолда ҳам инвестициялар аниқ ва ноаниқ рисклар билан боғлиқ бўлади. Инвестицияларни ўзлаштиришдаги мавҳумийлик даражаси иқтисодиётдаги ахборотларга, уларнинг нақадар тўлиқлигига ва маркетинг изланишларнинг кенглигига, истиқболдаги кўрсаткичларнинг ишончлилигига боғлиқ бўлади.

Инвестициялар таснифи



2.3. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, хуқуқий нуқтаи назардан, турли мулқдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутади. «Инвестиция фаолияти тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг (1998 йил 24 декабр) қонунига мувофик:

- инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириши билан боғлиқ харакатлари мажмуидир;
- инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир хукуқлардир;
- инвестор – ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкий бойликларни ва уларга доир хукуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир хукуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир;
- реинвестиция – инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритишдир.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвесторлари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисидаги» қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари хукуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди.

Республикамизда яратилган қонунчиликка асосан инвестициялар мўлжалланган обьектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

Капитал инвестицияларга – асосий фондларни вужудга келтириш ва тақор ишлаб чиқаришга ҳамда моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қушиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестицияларига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестицияларга инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инвестиция ресурслариға қўйидагилар киради:

- пул ва бошқа молиявий маблағлар (кредитлар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар);
- кўчар ва кўчмас мол-мулк ҳамда уларга доир хуқуқлар;
- интеллектуал мулк обьектлари;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш хуқуқи;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа бойликлар.

Инвестиция фаолиятининг субъектларига Ўзбекистон Республикаси резидентлари, махаллий давлат хоқимияти органлари ва давлат бошқарув органлари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва чет эллик юридик шахслар ва фукаролар, ҳамкорликда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар киради.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши хуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини сугўрталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалар қўйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни; айрим мамлакатлар, корпорациялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш; уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш; уларни хаётга тадбиқ этишнинг teng хуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.

2.4. Инвестиция фаолиятини хуқуқий тартибга солиш муаммолари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Ҳукумати томонидан мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор масалаларини хал қилишга қаратилган жуда кўплаб қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, чет эл инвестицияларини иқтисодиётга кенг жалб қилиш ҳамда улар учун қулай инвестицион мухит яратишнинг қонуний-хуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг давлат томонидан, тартибга солиб туриш тизими чет эл инвестицияси ҳамда унга боғлиқ соҳаларни (Солик ва Божхона Қонунлари, тадбиркорлик ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликлар) қамраб олувчи бир бутун тизимлашган қонунлар, тартиб ва қоидалардан иборатdir. Мазкур тизим икки йўналишда фаолият кўрсатиб чет эл инвесторларининг фаолиятини рағбатлантириш ва тартибга солишга қаратилгандир.

*Инвестиция фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунуни
ва меъёрий хуҗжатлар*

Ўзбекистон Республикаси «Чет эл инвестицияси тўғрисидаги», «Чет эл инвесторлари ҳуқукларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва кафолатлари тўғрисидаги» Қонунлари Ўзбекистонда чет эл инвесторлари фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунчиликнинг иерархик пирамидасининг асосини ташкил этади. Пирамида чўққисида эса ташки иқтисодий фаолиятнинг турли йўналишларини, жумладан чет эл инвестицияларини ҳам давлат томонидан тартибга солиб туриш концепциясини белгиловчи «*Ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги*» Қонун туради. Ушбу қонун ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартиби ва асосий тамойилларини аниқлаб беради ва мулкчилик шаклидан катъий назар инвесторлар ҳуқуқларини ва ташки иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи томонларнинг мулкларини ҳимоясини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равища таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви учун ҳукуқий асос яратади.

Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестициясини жалб қилишнинг ҳукукий тартибга солиниши қўйидагиларга асосланади:

- жаҳон илғор тажрибаси асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, унда мулкнинг бошқа шакллари қаторида хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган. Унинг асосида республикамизда субъектларнинг иқтисодий фаолиятини, хусусий мулкни, жумладан, чет эл инвестициялари ҳимоясини кафолатлайдиган бир қатор конуний ҳужжатлар ҳамда барча зарурый ҳукуқий меъёрлар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда;

- «Мулк тўғрисидаги» (31.10.1990 йил), «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги» (14.04.1999 йил), «Чет эл инвестицияси тўғрисидаги» (30.04.1998 йил), «Чет эл инвесторлари ҳукуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва кафолатлари тўғрисидаги» (30.04.1998 йил) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ. иккинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги» (26.05.2000 йил) қонунга;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташки иқтисодий фаолият, чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантиришга, қўшма тадбиркорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган «Чет эл инвестициясига эга корхоналарни ташкил қилиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги», «Чет эл инвестициясига эга корхоналарга бериладиган

қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги» (30.11.1996 йил), «Чет эл инвестициясига эга корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисидаги» (26.06. 1997 йил), «Товарлар (иш, хизмат) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшммча чора-тадбирлар тўғрисидаги» (10.10.1997 йил), «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 36 ноябрдаги Фармонига қисман ўзгартеришлар киритиш тўғрисидаги», «Чет эл инвестициясига эга корхоналарга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги», (27.03. 1998 йил), «Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги » (5.06.2000), «Нефть ва газ қидибуви ва қазиб чиқаришга чет эл инвестицияларини халб қилиш тўғрисидаги» (28.04.2000 йил) Фармонларига;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини амалга ошириш мақсадларида, шунингдек бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг мухим масалаларини ҳал қилиш учун қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорларига. Ушбу қарорлар республикада чет эл капитали бозорининг бирламчи бўғинлари - турли мулк шаклларидағи чет эл инвестициясига эга корхоналарни тузишига, чет эл инвестициясига эга корхоналарга енгилликлар ва қўшимча имтиёзлар беришга, чет эл инвестицияларига хизмат кўрсатувчи бозор инфраструктураси бўғинларини шакллантиришга ҳамда уларнинг фаолиятини мукаммаллаштиришга, чет эл инвестициясини жалб қилиш бўйича иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш дастаклари (давлат инвестиция дастури, чет эл инвесторлари томонидан иқтисодиётга йўналтирилаётган маблағлар мониторинги ва бошқалар) ва услубларини (давлат мулкини хусусийлаштиришда чет эл капиталини жалб қилишни рағбатлантириш) мукаммаллаштиришга қаратилган.

Чет эл капиталини жалб қилиш жараёнининг асосий бўғинларини тартиба солиб турувчи қуйидаги қонунлар чет эл инвестициясини жалб қилиш тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини мувофиқлаштириб туради:

-божхона тарифлари орқали тартиба солиш («Божхона тўғрисидаги», «Божхона тарифи тўғрисидаги» қонунлар, Божхона кодекси);

-чет эл инвестициясини қўйишига кўмаклашиш (банклар, суғурта, қимматли қоғозлар, биржалар тўғрисидаги қонунлар);

-стандартлар ва техник талаблар;

-интеллектуал мулк ҳукуки.

Қонунчилик пирамидаси асосини юқорида номлари келтирилган қонунларни бажариш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган кўплаб меъёрий қужжатлар ташкил этади. Булар жумласига, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари, вазирликлар, концернлар ва ассоциацияларнинг буйруклари, йўриқномалари ва қоидалари киради.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш тўғрисидаги қонунларни халқаро стандартларга мослигини ўрганар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, чет эл инвестициясига эга корхоналар фаолиятининг айrim томонлари

«Стандартлаштириш тўғрисидаги» (1993 йил), «Метрология тўғрисидаги» (1993 йил), «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисидаги» (1993 йил), «Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» (1996 йил) қонунларга кўра тартибга солиб турилади. Мавжуд тизим халқаро хуқуқ меъёрлари билан тўлиқ уйғунлашгандир.

МДХ давлатлараро кенгашининг сертификатлаштириш ва стандартлаштириш миллий тизимини тан олиш тўғрисидаги қарор ҳам имзоланган. 1993 йилдан бўён Ўзбекистон халқаро стандартлаштириш ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Булар билан бир қаторда мамлакатимизда чет эл инвестициялари бозорига жисмат кўрсатувчи инфраструктурани шакллантириш бўйича кўплаб қонунчилик ҳужжатлари кабул қилинган.

Бозор инфраструктураси бўғинлари «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги», «Чет эл инвестицияси тўғрисидаги», «Давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги», «Хўжалик юритувчи жамиятлар ва ўртоқчилик тўғрисидага», «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги», «Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисидаги», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги» ва бошқа қонунлар асосида фаолият кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг амалдаги қонуний-хуқуқий асослари чет эллик ҳамкорлар билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг барқарорлигини ва келажагини кафолатлайди, жалб қилинган чет эл капитали хавфсизлигини ва уни рисклардан ҳимоясини таъминлаб, чет эллик инвесторларга республикада фаолият кўрсатишлари учун қулай шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисидаги » қонунининг 29 ва 30 моддаларида шундай дейилган: «Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкларига эгалик қилиш хуқуқига эгалар. Давлат унинг дахлсизлигини ва бошқа давлатларга эркин ўтишини кафолатлайди.

Чет эллик юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таъқибланмаган, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ўз мулклари бўлиши хуқуқига эгалар. Чет эллик юридик шахсларнинг мулклари давлат томонидан ҳимоя қилинади. Мулкларнинг кўпайиши ва бошқа давлатларга эркин кўчирилиши қонунчилик томонидан таъминланади»

Ўзбекистон Республикаси 5.05.1994 йилдаги «Чет эл инвестициялари ва Чет эл инвесторларининг фаолиятини кафолатлари тўғрисидаги» қонунига мувофиқ ҳамда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи, шунингдек иқтисодиётимизга капитал киритаётган чет эл инвестициясига эга корхоналар самарали фаолияти учун шароит яратишни рағбатлантириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1996 йил 30 ноябрда «Чет эл инвестициясига эга корхоналарга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантишлар тўғрисидаги» Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга кўра 1997 йил 1 январдан бошлаб чет эл инвестициясига эга корхоналарни (ЧЭИК) рўйхатдан ўтказишинг янги тартиби белгиланди. Хусусан, ЧЭИК ларни рўйхатдан ўтказиш Адлия Вазирлиги томонидан амалга ошириладиган бўлди. ЧЭИК лар сифатида эса устав фонди 300 минг америка долларидан кам бўлмаган ҳамда чет эл инвесторининг устав фондидаги улуши 30% дан кам бўлмаган корхоналар ҳисобланадиган бўлди. Хўжалик фаолияти натижасида олинган умумий

тушумнинг 60% дан кўпроғи корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улушига тўғри келса, у ҳолда бундай корхоналар ишлаб чиқариш ЧЭИК лари деб хисоблана бошлади.

Ушбу фармонга кўра ЧЭИК лари учун амалдаги солик имтиёzlари сақлаб қолинди. Бундан ташқари, чет эл инвесторлари инвестиция фаолиятиини эркинлаштириш мақсадларида янги солик имтиёzlари киритилди.

Жумладан, Республика инвестиция дастурига киритилган ишлаб чиқариш ЧЭИК лари учун фойда солигидан озод қилиш даври 5 йилдан 7 йилга узайтирилди. Ишлаб чиқариш ЧЭИКлари устав фондининг миқдорига боғлик ҳолда, фойда солиги ставкалари ҳам пасайтирилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл инвестициясига эга корхоналарига бериладиган қўшимча имтиёzlар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги» Фармонига мувофиқ мулкчилик шаклидан катый назар барча корхоналарга қўйидаги имтиёzlар берилди:

а) агар ишлаб чиқарган маҳсулоти умумий ҳажмининг 30%дан кам бўлмаган қисми экспортга йўналтирилса фойда солиги ставкаси икки баробарга камайтирилади;

б) агар экспорт ҳажми ошишига эришилса, мазкур валюта тушуми фойда солигидан ва Марказий банкка мажбурий сотишдан озод қилинади;

в) машина-технология экспортидан келиб тушадиган, экспорт потенциалини оширишга қайта сарфланадиган валюта тушуми Марказий банкка мажбурий сотишдан озод қилинади;

г) эркин айирбошланадиган валютада (ЭАВ) экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар учун божхона тўловлари 50%га пасайтирилиб ва бу корхоналарга имтиёzли кредитлар берилиши мумкин.

Янгидан ташкил қилинаётган ва экспортга йўналтилаётган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ЧЭИК лар ишлаб чиқариш жараёни бошланган кундан бошлаб:

а) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий хджмидаги болалар кийимларининг улушига қараб (25 %дан кўпроқ);

б) чет эл капиталининг корхона устав фондидаги улушига қараб (50%дан кўпроқ) турли муддатларга фойда солигидан озод қилинадилар. Республика иқтисодиётида чет эл инвестициясини жалб қилиш шароитини яхшилашга ва ундан самарали фойдаланиш шароитларини сезиларли даражада яхшилашга эришган чет эл инвесторлари учун бошқа имтиёzlар ҳам конунчиликда белгиланган.

Чет эл инвесторлари давлат корхоналарини хусусийлаштириш йўли билан хусусийлаштирилган ва бошқа мулк шаклидаги ўзбек корхоналари акцияларини сотиб олишлари, маҳаллий корхоналар билан қўшма корхоналар тузишлари ҳам мумкинdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл инвестициясига эга корхоналарига бериладиган қўшимча имтиёzlар ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги» Фармонига мувофиқ, шунингдек ЧЭИК ларни ташкил қилиш ва давлат томонидан руйхатдан ўtkазиш тартибини соддалаштириш, уларнинг самарали фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 2 июляда кўйидаги меъёрий-хуқукий хужжатлар тасдиқланди: «Ўзбекистон Республикасида ЧЭИК ларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тугатиш, хуқукий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги қоидалар», «ЧЭИК ларни ташки иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги қоидалар» қўшма корхоналар ташкил қилиш тартибини анчагина соддалаштиради.

Республика экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ЧЭИК ларни ўз-ўзини валюта билан таъминлашлари учун қулай шароит яратиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни рақобатбардошлигини ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадларида 1996 йил 30 нояброда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ЧЭИК лар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони эълон қилинди.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини ЭАВ (СКВ) га экспорт килаётган ЧЭИК лар учун қўшимча имтиёз ва енгилликлар киритилди. Хусусан, уларнинг ўзилари ишлаб чиқарган маҳсулотлари экспорт ва божхона тўловларидан озод қилинди, харидорларга хизмат кўрсатувчи масъул банкларнинг кафолати бўлган тақдирда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти аввалдан тўлов талаб қилмасдан ва аккредитив очмасдан экспорт қилиш хуқуки ҳам берилди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ЧЭИК ларни ташкил қилишда имтиёз ва енгилликлар беришга турли ёндошувлар кўзда тутилган. Алоҳида қулай шароитлар Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим стратегик тармоклари, кўп маблағ ва юқори тсҳнологияларни кўллашни талаб қиласидан объектлари ривожига ўз капиталини қўяётган чет эллик ҳамкорларга берилади. Республика Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг кўплаб қарорлари мана шу мақсадларга йўналтирилгандир. Мисол тарзида, «Нефть ва газ қидибуви қазиб чиқаришга тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш тўғрисидаги» Фармонни айтиш мумкин.

Мазкур Фармонга кўра чет эл инвесторлари 25 ва ундан кўпроқ йил мобайнида нефть ва газ конларида концессия шартлари асосида ишлашлари мумкин. Бундан ташқари, чет эл компаниялари маълум худудларда қидибуви разведка ишларини олиб бориш хукуқига эгадирлар. Уларга қўшма корхона ташкил қилиш чоғида келишилган шартлар ёки концессия шартномаси асосида қазиб чиқарилган хом ашёнинг бир қисмига, шунингдек уни қайта ишлashedан ҳосил бўлган маҳсулотларнинг маълум қисмига «толлинг» асосида эгалик қилиш хукуки берилади ва мамлакат худудидан ҳеч қандай тўсиқсиз олиб кетиш таъминланади. Нефть ва газ заҳиралари қидибуви билан банд бўлган чет эл корхоналарига хизмат кўрсатувчи, зарурий материалларни етказиб бераётган ўзбек корхона ва ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи тўловидан озод қилинадилар.

Ушбу Фармонга кўра, чет эл компаниялари томонидан амалга оширилаётган қидибуви разведка ишларининг умумий давомийлиги 5 йилдан ошмаслиги лозим. Агар геология қидибуви ишлари олиб борилиши лозим бўлган

майдонлар аниқланса, у ҳолда юқоридаги муддат яна уч йилга узайтирилиши мүмкін.

Углеводородли хом ашёни қидириш ва қазиб олиш соҳасида қўшма корхоналарни ташкил қилишнинг ўта муҳимлигини назарда тутиб, ушбу Фармонда чет эл инвесторлари мулк солиғидан ва қўшма корхонадаги улушларидан даромад солиғи тўлашдан озод қилинганлар.

Чет эллик ҳамкорларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари сезиларли даражада кенгайган. Ушбу қонуннинг 10-моддасида чет эллик инвесторлар учун ҳалқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳолда қўйидаги ҳукуқлар белгилаб берилган:

- Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти натижасида олинган ва уларга тегишли бўлган кашфиётлар, даромадли моделларни ва саноат намуналарини Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда патентлаштириш тўғрисида мустақил Қарор қабул қилиш;

-инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин бошқариш (уларни тўсиқсиз репатриация қилиш);

-Ўзбекистон Республикасига дуя маблағларини кредитлар ва қарзлар кўринишда жалб қилиш;

-ер участкаларига қонунчиликда кўзга тутилган ҳолатлар ва шартларга кўра эгалик ҳукуқини олиш, инвесторга тегишли мулк ва ихтиёрий мулкий ҳукуқлардан мулкчилик ҳукуқи сифатида, Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ қарз маблағларини жалб килишга йўналтирилган, улар томонидан олинган мажбуриятларни таъминлаш мақсадларида фойдаланиш;

-давлат бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари ва ноқонуний ҳаракатлар натижасида келтирилган заарлар учун тўловларни олиш, инвестиция ва бошқа активлар реквизиция қилинганда эса шунга мос компенсация олиш.

Чет эллик инвесторлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигага бошқа ҳукуқлар ҳам кўзда тутилган.

Ушбу қонунда чет эл инвесторларининг мажбуриятлар доираси ҳам кенгайтирилган. Хусусан, улар ўз ракобатчиларига нисбатан қўшимча имтиёз ва устунликка эга бўлиш мақсадида давлат бошқаруви органларига, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига ёки инвестиция фаолиятида ўз ҳамкорларига нисбатан ихтиёрий шаклда бевосита ёки билвосита ноқонуний таъсир кўрсатишдан сакланишлари лозим. Бундан ташқари, чет эл инвесторларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бузилган ҳолда моддий жавобгарлик юклатилади, бунда заарни ундириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган кўринишда амалга оширилади.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунга «Чет эл инвесторларининг хўжалик юритиши фаолияти» моддаси ҳам киритилган. Бу моддада Ўзбекистон Республикасиниш 1994 йил 5 май ойида қабул қилинган «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолияти кафолатлари

тўғрисидаги» қонуни турли моддаларининг коидалари янги таҳрирда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги» янги таҳриридаги қонунида эса аввал қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларидан фарқли ўлароқ, корхоналар ўз-эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган маҳсулотлардан божхона божини тўлаш бекор қилинди, чет эл инвесторларининг ҳаракатларини эркинлигини тартибга солиб турувчи янги моддалар киритилди, давлатнинг чет эл инвестициялари бўйича мажбуриятлари белгиланди, чет эл инвестицияларини жалб қилишни амалга ошираётган органларнинг функциялари тартибга солинди.

«Чет эл инвестициялари тўғрисидаги» қонуннинг қабул қилиниши хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантиришга, моддий, интеллектуал ва бошқа маблағларни, замонавий чет эл технологиялари ва бошқарув тажрибасини жалб қилиш хамда улардан унумли фойдаланиш орқали Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга ва уни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувига кўмак беришга йўналтирилгандир.

Ушбу қонуннинг 9-моддасида шундай дейилади: «Давлат Ўзбекистон Республикаси худудида инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эл инвесторларининг барча хукукларини ҳимоя қиласи ва кафолатлайди».

Хорижий инвесторлари ўз инвестицияларини ҳакқоний ва тўғри тартибда, доимо ҳимоялашни ва хавфсизлигини талаб қиласидар. Бундай тартиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган тартиблардан кам бўлмаслиги керак.

Чет эл инвестициялари учун хуқуқий тартиблар Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга ошираётган инвестициялаш тартибларига нисбатан қулайроқдир.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг хуқуқий ва меъёрий асослари, чет эл капиталини жалб қилиш соҳаси чет эл инвесторлари учун дискриминацион меъёрлардан иборат бўлмай, балки улар учун хуқуқий тартибларни қулай ташкил қилишни талаб этади.

Чет эл инвесторлари фаолиятидаги айрим жиҳатлари меъёрий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади. Асосан, булар қимматбахо металлар билан қуроллар, наркотик моддалар, санъат асарлари ва бошқалар билан боғликдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги давлат томонидан чеклашларга ва минимум назорат орқали тенг ракобат қилиш имкониятларини кафолатлайди .

«Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва кафолатлари тўғрисидаги» асосий қонун чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторларининг алоҳида категорияларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Чет эл инвесторларига муайян ҳолатларда қуйидаги тармокларга инвестициялар киритилганда қўшимча ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва кафолатлари берилиши мумкин:

- мамлакат иқтисодиётида прогрессив таркибий ўзгаришларни, барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи устувор тармоқларга;

-республика экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни, унинг жаҳон хўжалиги алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга;

-кичик бизнес соҳасига, хом-ашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, истеъмол товарлари ва хизматларини ишлаб чиқаришга, аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларга.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, чет эл инвесторларининг капитали ва бошқа активлари Ўзбекистон Республикаси томонидан национализация қилинмайди, маблағларни кўчиришилари ва улардан фойдаланишилари, очиқ маълумотлардан эркин фойдалана олишлари кафолатланади.

Чет эллик инвесторларнинг инвестиция фаолиятини хукукий-меъёрий базаларини эркинлаштириш Солиқ ва Божхона кодекси қабул қилингандан сўнг ўз тасдигини топди.

Алоҳида товарларни етказиб беришни лицензиялаш ва квота қилиш принципиал ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси худудида квота ва лицензия қилишнинг ягона тартиби ўрнатилди, бунинг асоси сифатида лицензия берилаётган товарларнинг ягона рўйхати, экспорт квоталарини ўрнатиш ва тарқатиш тизими ҳамда лицензия беришнинг ягона тизими олинган.

Чет эл инвестициялари ва уларни солиқка тортиш

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексида чет эл инвесторларини солиқка тортиш бўйича бериладиган бир катор имтиёзлар аниқ белгилаб берилган. 31-моддасига мувофик, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи янгидан ташкил этилган чет эл инвестициясига эга корхоналар фойда солиғи тўлашдан озод бўладилар, яъни:

- ишлаб чиқариш бошланган даврдан бошлаб, 5 йил давомида агар улар ишлаб чиқараётган товарларнинг 25% дан кам бўлмаган қисмини болалар товарларини ташкил қиласа. Имтиёз муддати тугагач солиқ олиш ставкаси, амалдаги ставкадан 2 марта кам миқдорда белгиланади;

- ишлаб чиқариш бошланган даврдан бошлаб 2 йил муддатда, агар корхонанинг устав фондининг 50% ва ундан юқорисини чет эл капитали ташкил қиласа;

- устав фоидида чет эл капитали 58% ва ундан юқорисини ташкил қиласидиган чет эл инвесторлари билан тузилган ишлаб чиқариш корхоналари оладиган даромади ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирилса;

- чет эл инвестицияси иштирокида Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш корхоналари инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал қўйишини амалга оширасалар, рўйхатдан ўтгандан бошлаб дастлабки 7 йил давомида;

- чет эл инвестициясига эга корхоналар устав фондини 30 % идан кўпини чет эл капитали ташкил қиласа ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган (узум ва бошқа мевалар виноси, спиртли ичимликлардан ташқари), халқ истеъмоли моллари ва қурилиш материаллари, медицина жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги учун машина ва жиҳозлар ишлаб чиқарса, енгил ва озиқ-овқат

саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ғамлаш, майший ва иккиламчи чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғуллансалар - рўйхатга олингандан бошлаб 2 йил давомида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қулай инвестиция муҳитини яратишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

1997 йил январида «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнипг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони эълон килинди. Унда халқаро ташкилотлар кредит линияларидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун фойдаланиш тартиби белгилаб берилган. Хусусан, Фармонга кўра тегишли инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш учун олинган аслаҳалар божхона божлари тўлавидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг эълон қилиниши чет эл инвестициясига эга корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигининг яна бир далилидир. Бу фармонга мувофиқ экспортни амалга оширувчи корхоналар даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинадилар, агар маҳсулотининг экспорт хажми 25% дан 50% оралиғида бўлса, белгиланган мол-мулк солиғи 50% га кисқартирилади; экспортга чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий маҳсулот ҳажмидаги улуши 50% дан юқори бўлса, у ҳолда бу корхона мол-мулк солиғи тўлашдан ҳам озод қилинади. Буларнинг барчаси республикамиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини оқиб келишини рағбатлантиришга қаратилган тадбирлардир.

Фонд бозори шаклланишининг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисидаги», «Чет эл инвостициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятлари кафолатлари тўғрисидаги»ги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган. «Чет эл эмитентларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ўзбекистонлик эмитентларнинг чет элда қимматли қоғозларни рўйхатга олиш, жойлаштириш ва чиқариш тартиблари тўғрисидаги Низоми» ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан (29.11.95й) тасдиқланган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл эмитентлари томонидан қимматбахо қоғозларни ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тартибларини ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан квоталар беришни, уларни жойлашиш ва айланиш тартибини, шунингдек, чет эл эмитентлари қимматбахо қоғозларини жойлаштириш ва муомилада бўлиш ҳисоб-китобларини назорат қиласи ва таъминлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида чет элда жойлашган эмитентларнинг қимматли қоғозларини жойлаштириш тартиби ҳам ўрнатилган.

Чет эл инвестицияларини эркинлаштиришининг янги йўналишлари йирик чет эл инвесторлари манфаатлари билан хусусий корхона акция пакетлари реализация мақсадларини ҳисобга олиб қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.1998 йил 477-сонли «Давлат мулкини

хусусийлаштиришида чет эл капиталини жалб қилишини разбатлантириши ҳақида»ги қарорида ўз аксини топди.

Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси таклифига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, унда чет эл капиталини жалб қилиш соҳалари кенгайтирилган, унга мувофиқ чет эл инвесторлари иқтисодий тармоклардаги корхоналарнинг акция пакетларини эгаллаш ёки харид қилиш имкониятларига эгадирлар. Бу корхоналарни хусусийлаштириш эса алоҳида лойиҳаларнинг хусусиятига асосланиб амалга оширилади. Ушбу ҳукуқий-меърий ҳужжатда чет эл инвесторларига сотишни кўзда тутилган, ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматлари барқарор талабга эга бўлган республикамиз корхоналарининг кенг рўйхати тақдим қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.1999 йил 511-сонли «2000-2001 йилларда корхоналарни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига чет эл инвесторларини жалб қилишнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (юқорида эслаб ўтилган Вазирлар Маҳкамасининг 18.11.1998 йил қарори каби), харидоргир корхоналар, шу жумладан, иқтисодиётнинг муҳим тармокларидағи хусусий индивидуал лойиҳалар бўйича сотишга кўйилган, шунингдек мулки тўлалигача чет эл инвесторларига сотиш учун қўйилган корхоналарнинг номлари белгилаб берилган. Бу корхоналарнинг акцияларини ҳаммаси ёки маълум кисми ЭАВ да тендер орқали ёки биржаларда чет эл инвесторларига сотилиши ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.11.1998 йил 477-сонли карорига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ва меърий ҳужжатларига мувофиқ Давлат Мулк Қўмитаси томонидан Молия Вазирлиги, Марказий Банк, «Тошкент» Республика фонд биржаси билан биргаликда ««Тошкент» Республика фонд биржасининг маҳсус майдончасида хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини чет эл инвесторларига ЭАВ да сотиш Тартиби» ишлаб чиқилди ва тасдиклаиди. Ушбу ҳукуқий-меърий ҳужжат бўйича давлат тасарруфидаги хусусийлаштирилган корхоналарнинг акция пакетлари ЭАВ да сотиш жараёни тартибга солинади. У орқали савдода иштирок этувчи томонларнинг муносабатлари қуидаги масалалар бўйича тартибга солинади:

- акция пакетларини сотувга кўйиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш ва шартномани амалга ошириш;
- сотувга кўйилган акция пакетларини бирламчи нархини белгилаш;
- ЭАВ даги маблағларни депонентга ўтказиш ва маҳсус савдо майдончаларида олди-оогди шартномаларини амалга ошириш учун акцияларни ғамлаш;
- савдо-сотиқ жараёнида иштирок этиш учун аризаларни расмийлаштириш;
- тузилган битимлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- шартномани бекор қилиш ва уларни ноқонуний деб топиш;
- томонлар назорати ва жавобгарлиги.

Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.1999 йил 309-сошга «Давлат мулкини чет эл инвесторлариға сотиш учун тендер савдоларини амалга ошириш бўйича Давлат комиссияси янги таҳрирдаги Низомини тасдиклаш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ чет эллик стратегик ҳамкорларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор шартлар шакллантирилгав, амалдаги имтиёзлар сони кенгайтирилган ва янги имтиёзлар белгиланган:

-корхоналар ёки уларнинг акцияларини бир қисмини сотиб олишнинг миллий валютадага ва эркин айирбошланадиган валютадаги комбинациялашган шакли, шуинингдек юқори технологияли жиҳозларни етказиб бериш орқали шалга ошириш шакли белгиланган;

-тўловларни кечиктиришни кўзда тупни механизми қайтадан ишлаб чикилган;

-хусусийлаштирилаётган объектга (акциялар пакетига) талаб конъюнктурасига ва мос инвестицион мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олувчи аниқ стратегик инвесторлар мавжудлигага боғлиқ ҳолда тендер объектларининг бошлангич нархларининг ўзгартириш механизми аниқлаштирилган;

-корхонанинг сотилашдан олдинги бюджет ва давлат корхоналари олдиғаги тўпланган қарзлари, жумладан тўлов муддатини узайтириш, реструктуризация қилиш ҳақида қарорлар қабул қилиш имкониятлари ўрнатилган.

Шундай қилиб, эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш зарурлиги, Ўзбекистон иқтисодиётига чст эл капиталини жалб қилишни кенгайтириш доимий равишда ҳуқуқий қонунчилик асосларини мукаммаллаштиришни ва биринчи галда, хусусий инвесторлар ва чет эл компанияларининг инвестиция фаолиятиини регламентация қилиш соҳасидаги чекловларни мумкин қадар камайтиришга эришишни талаб қиласди. Натижада, амалдаги қонунлар ва қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш, биринчи навбатда чет эл инвестициялариға эга корхоналарни ташкил қилиш жараёнини соддалаштириди; уларнинг устав фондидаги бадаллари улуши минимал даражага туширилди; ишлаб чикириш соҳасидаги қўшма корхоналар учун валюта айирбошлашни кўзда тутувчи қулай инвестицион муҳит секин-аста яратилмоқда; дивидендлар ва фойдаларни олиб чиқиб кетиш ҳажми ҳам ошди; хапитални рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи биркитиб қўйидди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим стратегик тармоқпарида фаолият юритаётган чет эл инвестициялари мавжуд корхоналар учун амалдаги қонунчилик асосида қўшимча имтиёзлар, енгилликлар берилган ва бу имтиёзлар улар фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган тижорат рискларини анча камайтиришга ёрдам беради.

Хунос

«Инвестициялар» тушунчаси «капитал қўйилмалар», «инвестицияларнинг мулкий шакли», «капитал», «кредит» ва бошқа тушунчаларга қараганда кенгроқ,

«сигимлирок» тушунча ҳисобланади. Инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вактга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади. Инвестицияларнинг мақсади сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва уни капиталлаштиришдан иборат. Улар рискларнинг турли кўринишлари билан боғлиқ, жамғариш йўлида амалга оширилади. Инвестициялар турлари: реал инвестициялар, молиявий инвестициялар, тўғри инвестициялар, эгри инвестициялар, қисқа ва узоқ муддатли инвестициялар, давлат инвестициялари, корпоратив инвестициялар, хусусий инвестициялар, хорижий инвестициялар, мамлакат ичидаги ва ундан ташқаридаги инвестициялар, кичик ва катта инвестициялар, венчур, бевосита, портфель, аннуитет ва хоказо. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвесторлари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисидаги» қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Таянч иборалар: инвестициялар ва уларни иқтисодий моҳияти, иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни, ялпи ва соғ инвестициялар, инвестицион талабни белгиловчи асосий омиллар, инвестиция фаолияти, инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишининг мамлакатда инвестицион мұхитини шакллантиришдаги ўрни. Хозирги пайтда Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш асосий шакллари.

Назорат саволлари

1. Инвестициялар иқтисодий моҳиятини очиб беринг?
2. Инвестицияларни асосий турларини айтиб беринг?
3. Инвестиция фаолияти тушунчасини очиб беринг?
4. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солувчи норматив хужжатлар қайсилар?
5. Инвестицион талабни белгиловчи асосий омиллар қайсилар?
6. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий вазифалар нималардан иборат?
7. Инвестиция ресурсларига нималар киради?
8. Аннуитет инвестициялар деганда нимани тушунасиз?
9. Банк кредити ва инвестициялар ўртасидаги фарқ нималардан иборат?
10. Чет эл инвестицияларининг мамлакатимизга кириб келиши учун қандай шароитлар, имтиёзлар яратилган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2003.
- 2.И.А.Каримов «Ўзбекистан на пути углубления экономических реформ». Т. «Ўзбекистон». 1995.
- 3.Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Ўзбекистан. Т. 2003.
4. И.А. Бланк. Инвестиционный менеджмент. – Киев, МП «ИТЕМ» ЛТД, 1995.
5. Абрамов С.И. Инвестирование. М. 2000
6. Вахрин П.И. Инвестиции: (Практические задачи и аникные ситуации). Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К», 2003.
7. Чернов В.А. Инвестиционная стратегия.: Учеб. Пособие для вўзов-М: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.
- 8.Серов В.М. Инвестиционный менеджмент: Учеб. пос. М.: ИНФРА-М, 2000.

3. БОБ: ИНВЕСТИЦИОН СТРАТЕГИЯ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

- 3.1. Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш тамойиллари**
- 3.2. Инвестицион стратегияни ташкил этиш босқиҷлари**
- 3.3. Инвестиция фаолиятининг стратегик йуналишларини ишлаб чиқиш**

3.1. Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш тамойиллари

Корхонанинг инвестиция фаолиятии узоқ муддатда амалга ошириладиган жараён бўлиб, ушбу фаолиятнинг келажакдаги йуналишларини ташкил этиш инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш жараёнини ифода этади.


Корхона фаолияти стратегияси, инвестицион стратегия каби тушунчалар иқтисодий назарияга яқин 40-50 йиллар ичида кириб келган бўлиб, ижтимоий ривожланиш ва илмий-техник прогресс темпларининг ўсиши билан боғлиқдир. Ташқи муҳитнинг кескин ўзгаришлари шароитида корхона фаолиятида ушбу ўзгаришларга нафақат оператив мослашуви, балки ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш моделларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Хозирги иқтисодий адабиётларда «фаолият стратегияси» тушунчасига икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи йуналишдаги иқтисодчи-олимлар фаолият стратегияси – бу узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар тизимини ташкил этиш ва уларга эришиш йўлларини танлаш жараёни деб ҳисобласалар, бошқа олимлар эса – корхона ўз фаолиятида қабул қиласидаги қарорларни ишлаб чиқиш қоидалари ёки мақсадга эришиш воситаси деб тушунтирадилар.

Бизнингча, стратегия тушунчасига берилган биринчи таъриф тўғрирок, чунки у ҳам узоқ муддатли мақсадларни ташкил этиш жараёнини, ҳам уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш жараёнини ўзида акс эттиради. Демак, юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, *инвестицион стратегия* деганда инвестиция фаолиятининг узоқ муддатли мақсадлар тизимини ташкил этиш ва уларни амалга оширишни энг самарали йўлларини танлаш тушунилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхона инвестиция фаолиятини *стратегик бошқарув* жараёни инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш *тактик бошқарув* жараёнида корхонани инвестицион лойиҳасини ташкил этиш орқали янада аниқлаштирилади. Инвестицион стратегияни ташкил этишдан фарқли уларок, инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш ўрта муддатли бошқарув жараёни бўлиб, стратегик қарорларни ва жорий молиявий имкониятларни амалга оширишга қаратилган бўлади.

Ўз навбатида инвестиция фаолиятини тактик бошқарув жараёни алоҳида инвестицион программа ва лойиҳаларни амалга ошириш *жорий бошқарувидаги ўзининг детал якунини топади*. Демак, корхонани инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш инвестиция фаолиятини бошқариш жараёнининг биринчи босқичи (этапи) ҳисобланади. Ушбу жараённинг босқиҷлари ўртасидаги боғлиқлик қўйидаги графикда акс эттирилган.



Ушбу графикда инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш узоқ муддатли (ИС-3) мақсадларга қаратилган бўлсада, айрим үрта муддатли (ИС-2) ва қисқа муддатли (ИС-1) элементларни ўз ичига олиши ва инвестицион лойихаларни ташкил этишда муайян бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш лозимлиги акс эттирилган.

Инвестицион лойихаларни оператив бошқариш (ОУ-1) корхонанинг инвестицион портфелидан (ИП-2) ва жорий муддатда амалга ошириш вазифаларидан (ИП-1) келиб чиқсан ҳолда инвестицион программаларни бажариш йўлларини излашни талаб этади.

Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш анча мураккаб жараён бўлиб, юқори малакани талаб этади. Стратегияни ишлаб чиқиш аввало қўйидагиларга асосланади: инвестиция фаолиятини амалга ошириш шароитларини прогнозлаш, инвестицион бозор ва унинг алоҳида сегментларини ўрганиш, инвестицион қарорлар альтернатив варианtlарини баҳолаш, инвестицион стратегияни доимий корректировкасини амалга ошириш.

Бозор иқтисодиётида молиялаштириш манбаларининг ишончлилиги, хавфсизлиги, рисклилиги, даромаддорлиги, ликвидлилиги, аниқ мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ўртасида чамбарчас алоқадорлик бор. Инвестициялардан келажакда кутилаётган самарага уларнинг хавфсизлигини, даромаддорлигини, капиталлашувини ва ликвидлилигини оптималлаштириш ҳамда инвестиция мақсадларини келиштириш, яъни муросага келтириш орқали эришилади.²²

Инвестиция мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ўртасидаги боғланиш 2-чизмада берилган.

²² Д.Ф. Фозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия нашриёти», 2003, 236.

**Бозор иқтисодиётида инвестициялар мақсадларининг уларга эришиш усуллари
билингвистикада**



Ҳар бир муайян ҳолатда капиталнинг ҳозирги қийматини жиддий йўқотиши рискини пасайтириш инвестицияларниң мақсадлари, яъни уларнинг хавфсизлиги, даромадлилиги, капиталлашуви ва ликвидлилигини ўзаро мувофиқлаштириш йўли билан таъминлаш орқали эришилади. Инвестициялаш ҳақида қарорлар қабул қила туриб, инвестор лойиҳаларнинг рисклилигини, манбаларнинг вақтли қийматини, муқобил имкониятларга кўра лойиҳанинг жозибадорлигини эътиборга олади. Бундай қарорга у рискларнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг тахлили асосида келади. Мақбул рисклилик даражасида даромадни максималлаштириш нуқтаи назаридан пулнинг вақтли қийматини ҳисобга олади. Инвестициялар бирон-бир активларга ёки тадбиркорлик фаолияти объектларига киритилиши мумкин, лекин банд этиш вақтга нисбатан умуман давомли бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли инвестицияон стратегия моҳияти тўғрисида гап кетганда, бизнинг назаримизда, инвестициялар аниқ ва ноаниқ рисклар ва кутиладиган даромадлар билан боғлиқ эканлилигини ҳамиша эсда сақлаш лозим.

Корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиши узоқ муддатга мулжалланган мақсадларга қаратилган бўлсада, ўз ичига ўрта ва қисқа муддатли элементларни оладики, кейинчалик улар асосида инвестиция лойиҳалари ва дастурлари буйича аниқ бошқарув қарорларини қабул қилишимкони яратилади. Масалан, корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиши жараёнида реал инвестициялар улушини кенгайтириш назарда тутилади, бунинг учун инвестиция лойиҳаларининг муддати ва хажми белгиланади, қисқа муддатдаги уларни амалга ошириш масалалари билан биргаликда.

Ушбу жараённинг қийинчиликлари шундаки, инвестицион стратегияни ташкил этишда корхона имиджига ва унинг ривожланиш вазифаларига тўлиқ

жавоб берадиган инвестиция қарорларининг альтернатив вариантиларини кенг миқёсда топиш ва баҳолаш керак бўлади. Ундан ташқари инвестицион стратегия ташқи ўзгарувчан шароитлар ва корхона ривожланишининг янги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда доимий корректировкани талаб этади.

Ҳар бир инвестицион стратегия ўз ичиға инвестициялаш йуналишларини, фойдаланиладиган аниқ молиявий воситалар, хамда инвестициялаш муддатларини қамраб олади. Стратегик инвестицион мақсадлар корхона миссияси ва позицияси асосида ташкил этилади. Стратегик инвестицион мақсадлар иқтисодий ривожланишнинг умумий стратегиясининг мақсадлар тизимидан келиб чиқкан ҳолда ташкил этилади.

Инвестиция фаолиятини бошқаришнинг асосий мақсади инвестицион стратегияни ҳар бир алоҳида ривожланиш босқичларида амалга оширишнинг энг самарали йўлларини таъминлашдир.

Инвестициялаш мақсадлари, бошқарув типи, иқтисодий ҳолатнинг характери ва бошқа турли омиллардан келиб чиқкан ҳолда инвестицион стратегияларнинг қуидаги турларини келтириш мумкин: сақлаш стратегияси, йиғиш стратегияси, агресив ва этапли ўсиш стратегиялари.

Сақлаш стратегияси рискка боришини хоҳламайдиган ёки инвестициялаш муддатининг ўз вақтида амалга ошишига ишонмайдиган инвесторлар учун мулжалланган. Стратегиянинг оптималь варианти бўлиб бир йил ичида фонд бозоридан воситаларнинг асосий қисмини (80-90%ни) олиб чиқишини кўзда тутган стратегия ҳисобланади.

Йиғиш стратегияси риск даражаси паст инвестицияларни мўлжаллайдиган инвесторлар учун. Бунда стратегиянинг энг оптималь варианти сифатида фонд бозоридан инвестицион портфел воситаларининг асосий қисмини (70-80%ни) олиб чиқиши эҳтимоли яқин 2-3 йил ичида нисбатан катта бўлмаган инвестициялар ҳисобланади. Бундай стратегиянинг мақсади капиталнинг секинлик билан ўстиришдир.

Агресив ўсиш стратегияси мумкин бўлган максимал даромадга мўлжалланган. Бунда инвестициялаш муддати аниқ бўлмайди ва бир йил ичида фонд бозоридан воситаларнинг асосий қисмини (80-90%ни) олиб чиқиши эҳтимоли мавжуд бўлади.

Этапли ўсиш стратегияси иқтисодиётни яқин 2-3 йил ичида муентазам ўсишига асосланади. Бу стратегия потенциал рискларни чегаралаган ҳолда юқори даромадни таъминлайди. Ушбу стратегиянинг оптималь варианти сифатида фонд бозоридан инвестицион портфелнинг асосий қисмини (70-80%ни) олиб чиқиши эҳтимоли юқори бўлмаган инвестициялар ҳисобланади²³.

Портфел инвестициялашда стратегияни танлаш кўпинча бошқарув типи билан аниқланади. Бунда қуидаги икки хил бошқарув типини ажратиш мумкин: актив ва пассив.

Инвестицияларни бошқаришни актив стратегиясида инвестицион портфел структураси доимий равишда кўриб чиқилади, фонд бозорининг чукур мониторги ўtkазилади, инвестициялаш мақсадларига жавоб берадиган фонд

²³ <http://www.bison.ru>

воситаларини оператив харид қилинади, инвестицион портфел структурасини тезкорлик билан ўзгаририлади. Бундай стратегияда инвестор бозорда ўртача даромаддан юқори бўлган даромадни олишни кўзда тутади.

Инвестицияларни бошқаришни пассив стратегияси консерватив инвесторлар учун характерлидир. Бундай пассив бошқарувнинг асосий мақсади капитални инфляциядан ҳимоя қилиш, минимал ризк ва бошқарувга паст харажатлар асосида белгиланган даромадни олишдан иборат.

Агар классификациялаш даромад буйича амалга оширилса, унда қуидагиларга асосланган стратегиялар мавжуд:

- капитални кўпайтириш стратегияси қимматли қоғозларнинг курс қийматининг ўсишига асосланади;

- доимий жорий даромад олишни таъминлаш стратегияси акциялар буйича дивидендлар, фоизлар буйича аниқ ҳисобланган ва прогнозланган даромадни олишни кўзда тутади;

- капиталнинг ўсиши ва жорий даромаднинг солиўтирма рационал нисбатини таъминлаш стратегияси регуляр жорий даромад олишни ва қўйилган капитални ўртача ўсишини таъминлашни кўзда тутади .

Бундан ташқари қароқчи стратегиялар, чайқовчи стратегиялар, узок, ўрта ва қисқа муддатли инвестициялар стратегияси, бозорга нисбатан нейтрал стратегиялар, комбинациялашган стратегиялар ва бошқалар мавжуд.

3.2. Инвестицион стратегияни ташкил этиш босқичлари

Инвестицион стратегияни ташкил этиш корхона ривожланишининг умумий стратегиясига асосланади ва унинг мақсад ва амалга ошиш босқичлари билан тўғри келиши лозим. Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, *инвестицион стратегия* деганда инвестиция фаолиятининг узок муддатли мақсадлар тизимини ташкил этиш ва уларни амалга оширишни энг самарали йўлларини танлаш тушунилади.

Инвестицияларни стратегик режалаштириш жараёни қуидаги этаплардан иборат:

1. Корхона олдида учрайдиган имкониятлар, хатарлар ва имкониятларнинг системали таҳлили.

2. Келажакдаги ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш, хар хил холатлар билан боғлиқ ташқи мухит омиллари таъсири таҳлилини ўтказиш.

3. Асосий мақсадларни белгилаш, мақсадлар дараҳтини куриш, ривожланиш сценарийлари ва мақсадларни таққослаш, стратегик бошқарув ёрдамида ечиладиган муаммоларни ажратиши.

4. Мақсадларга эришишнинг алтернатив стратегияларини ишлаб чиқиш, намунавий стратегияларни ажратиб олиш, хажм ва структура буйича керакли инвестицион ресурсларни режалаштириши.

5. Умумий стратегияни амалга ошишини таъминловчи стратегик программаларни ишлаб чиқиш.

6. Молиявий воситаларни инвестициялашни стратегик режаларини киритиш ва назорат қилиш тизимини лойиҳалаштириши.

Фонд бозори мониторинги ва ташқи мухит таҳлили инвестицияларни стратегик бошқаришни асосий элементи ҳисобланади. Иқтисодий нұқтаи назардан инвестициялашни мақсадға мувофиқ стратегиясина танлаш қимматли қоғозлар бозорида инвестор қуллайдиган усуулар, воситалар мажмуди билан аникланади.

Диверсификация қимматли қоғозлар портфелини самарасини оширишнинг омилларидан бири ҳисобланади. Бунда капитални инвестиациялаш қимматли қоғозларнинг хар хил турларига ва турли соҳалардаги корхоналарга амалга оширилади. Диверсификациялашнинг қуидаги турлари мавжуд: инвестицияларни қайтариш муддатлари буйича диверсификация, соҳалар бўйича диверсификация, территориал диверсификация, қимматли қоғозлар турлари бўйича диверсификация.

Инвестицион стратегияни ташкил этиш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Инвестицион стратегияни ташкил этиш умумий муддатини аниклаш. Бунда иқтисодиётнинг ва инвестицион бозорнинг келажакдаги ҳолатини ўрганиш ва прогнозлаш амалга оширилади. Инвестицион стратегияни ташкил этиш умумий муддати катта бўлмаслиги ва 3-5 йилдан ошмаслиги керак.

Инвестицион стратегияни муддатини аниклаш шартларидан бири бўлиб корхона фаолият юритувчи тармоқ ҳисобланади. АҚШ компанияларининг инвестиациялаш муддатини аниклаш тадқиқотлари шуни кўрсатадики инвестиациялашнинг энг узоқ муддати 10 йилдан куп, ўрта муддати 5-10 йилни ташкил этади. Бундай муддат ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва саноат корхоналари учун характерли. Қиска муддат 3-5 йилга мулжалланган бўлиб, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, чакана савдо ва ахолига хизмат кўрсатиш корхоналарига характерли. Шунинг билан бирга инвестиациялаш муддати корхона размерига ҳам боғлиқ бўлади, чунки катта корхоналарнинг инвестиция фаолияти кичик ва ўрта корхоналарга қараганда узокроқ муддатга мулжалланади.

2. Инвестиция фаолиятини стратегик мақсадларини амалга ошириш самарали йўлларини ишлаб чиқиши икки йуналиш бўйича амалга оширилади, яъни инвестиция фаолиятини стратегик йуналишларини ишлаб чиқиши ва инвестицион ресурсларни ташкил этиш стратегиясини ишлаб чиқиши. Ушбу этап энг мураккаб ҳисобланади.

3. Амалга ошириш муддатлари бўйича инвестицион стратегияни аниклаштириш хар бир стратегик мақсад ва вазифани амалга ошириш кетма-кетлиги ва муддатини белгилашни талаб этади. Бундай аниклаштириш натижасида вақт давомида ташқи ва ички синхронлаштириш таъминланади. Ташқи синхронлаштириш инвестицион стратегияни корхона умумий ривожланиш стратегиясига ва инвестицион бозор конъюнктураси ўзгаришларига мос келишини кўзда тутади. Ички синхронлаштириш вақт давомида инвестициялашнинг алоҳида йуналишлари ўртасида ўзаро мувофиқликни назарда тутади.

4. Ишлаб чиқилган инвестицион стратегияни баҳолаш қуидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- инвестицион стратегияни корхона иқтисодий ривожланиш стратегиясига мос келиши;
- инвестицион стратегияни ички мувофиқлиги;
- инвестицион стратегияни ташқи муҳитга мос келиши;
- ресурс салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда инвестицион стратегияни амалга ошиши;
- инвестицион стратегияни риск даражасини аниқлаш;
- инвестицион стратегиянинг натижаси.

Шундай қилиб инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш корхона ривожланиши билан боғлиқ самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.

3.3. Инвестиция фаолиятининг стратегик йуналишларини ишлаб чиқиш

Инвестиция фаолиятининг стратегик йуналишларини ишлаб чиқиш ушбу фаолият мақсадлар тизимиға асосланади ва қўйидаги масалаларни ечишга қаратилган:

1. Келгусидаги даврнинг алоҳида босқичларида инвестициялашнинг турли шакллари ўртасидаги нисбатни аниқлаш.
2. Инвестиция фаолиятини тармоқ йуналишини аниқлаш.
3. Инвестиция фаолиятини регионал йуналишини аниқлаш.

Келгусидаги даврнинг алоҳида босқичларида инвестициялашнинг турли шакллари ўртасидаги нисбатни аниқлаш корхона фаолиятини институтционал йуналиши билан боғлиқ, чунки институтционал инвесторлар ўз фаолиятини кўпинча фонд бозорида юритади ва инвестициялаш асосан фонд воситаларига (акция, облигация ва бошк.) қаратилган бўлади. Ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналарда инвестициялаш реал қўйилмаларда, яъни капитал қўйилмалар, хусусийлаштирилган объектларни сотиб олиш орқали ўз аксини топади. Чунки инвестициялашнинг айнан шу шакли корхоналарга юқори темпларда ривожланишга, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга, янги товар ва регионал бозорларга киришга имкон беради. Корхоналарнинг молиявий инвестициялари одатда бўш пул маблағларини қисқа муддатга қўйиш билан боғлиқ бўлади ёки алоҳида корхоналар (масалан, рақиб корхоналар) фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ундан ташқари инвестициялашнинг турли шакллари ўртасидаги нисбат корхона хаётий циклнинг қайси босқичида тургани билан ҳам боғлиқ. Корхонанинг ўсиш босқичида реал инвестициялар кўп бўлса, кейинги босқичларда молиявий инвестициялар салмоғи кўпаяди.

Инвестициялашнинг шакллари ўртасидаги нисбат корхона катта – кичиклиги, иқтисодиётнинг умумий холати каби шароитлардан келиб чиқкан ҳолда ўзгариши мумкин. Иқтисодиётнинг нотекис ривожланиши, инфляциянинг юқори темплари, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар инвестицион рисклар ошиши билан реал инвестициялаш самарадорлиги пасайтиради.

Бундай пайтларда молиявий инвестициялар, айниқса қисқа муддатли инвестициялар самарағынан бўлиб қолади.

Юқоридаги шароитлардан келиб чиқсан ҳолда инвестициялашнинг турли шакллари ўртасидаги нисбат корхона инвестицион стратегиясининг алоҳида этапларида дифференцияланади.

Инвестиция фаолиятини тармоқ йуналишини аниқлаш инвестицион стратегияни ишлаб чиқишида энг қийин масалалардан бири ҳисобланади ва инвестиция фаолиятини прогнозлашда босқичма-босқич ёндошувни талаб этади.

Биринчи босқичда инвестиция фаолиятини тармоқли жамланиши ёки диверсификацияланиши ўрганилади. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестиция фаолиятини битта тармоқда жамланиши, яъни концентрация стратегиясини юритиш, корхонанинг хаётий циклининг бошланғич босқичида қўлланилиши яхши натижалар беради. Корхона хаётий циклининг кейинги босқичида инвестиция фаолиятини тармоқли диверсификациялаш стратегиясининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи босқичда инвестиция фаолиятининг соҳалар бўйича диверсификацияси турли шаклларининг тармоқлар муайян гуруҳига мослиги ўрганиб чиқилади. Бундай гуруҳлар қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, транспорт каби тармоқлар бўлиши мумкин. Бундай диверсификация инвесторга маркетинг, ишлаб чиқариш технологиялари соҳаларида йигилган тажрибасини қуллашга имкон беради. Ундан ташқари тармоқли диверсификация инвестицион рисклар даражасини пасайтиришга имкон беради.

Алоҳида бир нечта тармоқлар гурухи бўйича инвестиция фаолияти диверсификацияси фаолият юритишнинг стратегик зоналарини ташкил этиш билан боғлиқ. Фаолият юритишнинг стратегик зоналарига рақобатбардош маҳсулот ассортиментини, ишлаб чиқарилган маҳсулотни самарали сотиш стратегиясини ишлаб чиқиши каби вазифалар юклатилади.

Учинчи босқичда инвестиция фаолияти диверсификациясини турли шаклларининг бир бири билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар гуруҳига мослиги ўрганилади. Бундай диверсификацияни амалга ошириш стратегик хўжалик юритиш марказларини ташкил этишни талаб этади. Бунда стратегик хўжалик маркази ўзининг инвестицион стратегиясини ташкил этиб, бир нечта стратегик хўжалик юритиш зоналаридан ташкил топган бўлади. Бу эса ўз навбатида инвестициялашда тармоқлар хаётий циклининг турли босқичларини ва уларни маҳсулотини турли вақт мобайнида конъюнктурасини ўзгаришини ўрганишда инвестицион рисклар даражасини камайтиришга олиб келади.

Инвестицион стратегияни тармоқли йуналишини ишлаб чиқишининг иккинчи ва учинчи босқичларида амалга ошириладиган инвестиция фаолияти диверсификацияси тармоқлар прогнозлаштирилган ривожланиш баҳоланиши натижасида ташкил этилади.

Инвестиция фаолиятини регионал йуналишларини аниқлаш корхонани инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишида қўйидагиларга боғлиқ:

- корхона ўлчами (яъни катта, ўрта ва кичик)дан келиб чиққан ҳолда битта ёки бир нечта регионлар миқёсида инвестиция фаолиятини амалга ошириши мумкин;
- корхонанинг фаолият юритиб келаётган муддати. Корхоналар бошланғич ривожланиш босқичларида кўпинча бир регион миқёсида фаолият юритадилар ва кейинчалик ривожланиш босқичларида уларда регионал диверсификацияга талаб пайдо бўлади.

Ўзбекистоннинг алоҳида иқтисодий регионларининг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш инвестиция фаолиятининг регионал йуналишини ишлаб чиқиш асоси ҳисобланади. Ривожланиш регионал факторларининг ўзгармаслиги инвестицион стратегияни ишлаб чиқишида қўлланилиши мумкин.

Хулоса

Инвестицион стратегия деганда инвестиция фаолиятининг узоқ муддатли мақсадлар тизимини ташкил этиш ва уларни амалга оширишни энг самарали йўлларини танлаш тушунилади. Инвестициялаш мақсадлари, бошқарув типи, иқтисодий холатнинг характеристики ва бошқа турли омиллардан келиб чиққан ҳолда инвестицион стратегияларнинг қўйидаги турларини келтириш мумкин: сақлаш стратегияси, йиғиш стратегияси, агрессив ва этапли ўсиш стратегиялари. Бундан ташқари қароқчи стратегиялар, чайқовчи стратегиялар, узоқ, ўрта ва қисқа муддатли инвестициялар стратегияси, бозорга нисбатан нейтрал стратегиялар, комбинациялашган стратегиялар ва бошқалар мавжуд. Инвестицион стратегияни ташкил этиш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Инвестицион стратегияни ташкил этиш умумий муддатини аниқлаш.
2. Инвестиция фаолиятини стратегик мақсадларини амалга ошириш самарали йўлларини ишлаб чиқиши.
3. Амалга ошириш муддатлари бўйича инвестицион стратегияни аниқлаштириш хар бир стратегик мақсад ва вазифани амалга ошириш кетма-кетлиги ва муддатини белгилаш.
4. Ишлаб чиқилган инвестицион стратегияни баҳолаш.

Инвестиция фаолиятининг стратегик йуналишларини ишлаб чиқиш ушбу фаолият мақсадлар тизимида асосланади ва қўйидаги масалаларни ечишга қаратилган:

1. Келгусидаги даврнинг алоҳида босқичларида инвестициялашнинг турли шакллари ўртасидаги нисбатни аниқлаш.
2. Инвестиция фаолиятини тармоқ йуналишини аниқлаш.
3. Инвестиция фаолиятини регионал йуналишини аниқлаш.

Таянч иборалар: Инвестицион стратегия тўғрисида тушунча ва унинг корхонани инвестиция фаолиятини самарали бошқаришдаги ўрни. Инвестиция фаолиятини бошқаришнинг стратегик, тактик ва оператив бошқаришнинг ўзаро боғлиқлиги. Инвестицион стратегияни ташкил этиш босқичлари.

Назорат саволлари

1. Корхонани инвестицион стратегияси тушунчаси нималарни ўз ичига олади?

2. Инвестицион стратегияни ташкил этиш асосий этаплари қайсилар?
3. Инвестиция фаолиятини стратегик йуналишларини ишлаб чиқиш жараёнида қўйиладиган вазифалар нималардан иборат?
4. Инвестиция фаолиятини тармоқ йуналишини аниқлаш нималардан иборат?
5. Инвестиция фаолиятини регионал йуналишини аниқлаш қандай амалга оширилади?
6. Инвестицион стратегияни ташкил этиш умумий муддатини қандай аниқланади?
7. Инвестициялашнинг турли шакллари ўртасидаги нисбат қандай аниқланади?
8. Тармоқлар буйича диверсификация қандай амалга оширилади?
9. Ишлаб чиқилган инвестицион стратегияни баҳолаш қандай мезонлар асосида амалга оширилади?
10. Инвестиция мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ўртасидаги қандай боғланиш мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Чернов В.А. Инвестиционная стратегия. М., “ЮНИТИ ДАНА”,2003.
- 2.Игошин Н.В. Инвестиции: Организация управления и финансирования: Учебник.-М.: ЮНИТИ.2000.
3. Гулямов С.С. Проектный анализ инвестиций: Учебное пособие / Мин.сел. рес. Ўзб. Т.: ТашГАУ, 1997.
4. Абрамов С.И. Инвестирование.- М.: Центр экономики и маркетинга,2000.
5. Аркин В.И., Сластников А.Д. Стимулирование инвестиционных проектов с помощью механизма амортизации: №02/05.-М.,2002.
6. Кирин А.В., Бакатин Д.В. Регулирование иностранных инвестиций в экономически развитых странах.- М.: Изд-во МГУ,2001.
7. <http://www.bison.ru>

4. БОБ. КОРХОННИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАҲОЛАШ

- 4.1. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари**
- 4.2. Инвестиция имкониятларини танлаб олишни ташкил этиш**
- 4.3. Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва баҳолаш**

4.1. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари

Инвестициялаш нуқтаи назаридан инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва амалга ошириш услубиёти ва услубиётини ишлаб чиқиш масалалари ғоят муҳим ҳисобланади. Жаҳон амалиётида фақат ҳаётий муҳим лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатадиган ва кенг тарқалган инвестиция лойиҳалари цикли концепцияси мавжуд.

Инвестиция лойиҳалари цикли концепцияси лойиҳаларни таснифлашни, уларни бошқариш зарурлигини назарда тутади. Лойиҳаларни бошқариш услубиётининг «лойиҳа цикли концепцияси» ва «лойиҳа таҳлили» кўринишларида кенг тарқалган. Ушбу концепциялар инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда пул оқимларини вақтли қиймати концепцияси асосида ташкил этилади.

Лойиҳаларнинг кўлами, структураси, ресурслари, қиймати ва бошқаларга қараб уларни бошқаришнинг маҳсус усулларига эҳтиёж ортиб боради. Бошқариш аслида қўйилган мақсадларга эришиш вазифасини, лойиҳани амалга ошириш муаммоларини бартараф қилиш, ҳукуқлар ва масъулиятларни жамлаш вазифаларини кўзлайди. Иқтисодиётларнинг глобаллашуви ва интеграциялашуви, лойиҳаларни амалга оширишда чет эллик шериклар, турли субъектлар, молия институтларининг иштирок этиши, улар ҳаракатларини ва фаолиятларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Фаолиятнинг мувофиқлаштирилмаслиги лойиҳани амалга оширишда муваффақиятсизликларга, капитални йўқотиш рискининг ку-чайишига олиб келиши мумкин. Инвестициялар хусусида қарорлар қабул қилишда, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, танлаш ва амалга оширишнинг илмий асосланган услубиёти ва услубидан фойдаланиш масаласи муҳим ҳисобланади. Иқтисоднинг глобаллашуви ва интеграциясининг кучайиши, инвестиция жараёнига чет эллик шериклар, кўп укладли иқтисодиёт соҳиблари ва халқаро молия институтларининг жалб қилиниши, улар фаолиятини уйғунлаштиришнинг кучайтирилишини талаб қиласди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, лойиҳаларни бошқариш энг самарали услубиётидир, чунки бу услубиёт турли режалаштириш ва назорат усулларидан малакали фойдаланишда рискларни бошқариш, низоларни ҳал қилиш имкониятларини беради.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган қўшма инвестиция лойиҳаларининг кўпайганлиги сабабли кенг қамровли маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, лойиҳалар бўйича ҳисоб-китобларни тегишли ахборот базаси билан таъминлаш зарурияти юзага келади. Ҳисоб-китобларда эса

инвестицияларни замонавий ва истиқболдаги самарасини бугунги қийматини аниқлаш масаласи юзага келади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида лойиҳаларни бошқариш услубиётида ҳамда уларни танлаш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш услубиётида лойиҳа асосланадиган ахборот базасининг ишончлилиги бош масала ҳисобланади. Инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг асосланган услубиёти ҳар томонлама маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, рискларни минимал-лаштириш ва лойиҳалар бўйича ҳисоб-китобларнинг ишончли ахборот негизини таъминлаш имконини беради.

Республика ҳудудида «инвестиция лойиҳаси» билан ўзаро боғланган ва лойиҳани республика ҳудудида амалга ошириш жараёнига қаратилган субъектлар таркибий ўзгартиришлар стратегияси маъносини чуқур англаб олишлари, глобаллашув, иқтисодиётларнинг халқаро рақобат ва ўзаро ҳамкорлиги натижаларини, мамлакат тараққиёти ва унинг халқаро бозорларга чиқиш истиқболларини олдиндан кўра билишлари керак. Буларнинг ҳаммаси инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаб олиш, амалга ошириш ва уларни ички манбалар ҳамда ташқаридан жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш истиқболларини белгилашда асосий ўринда туради.

Лойиҳаларда муайян молиявий ресурсларни банд этишни назарда тутадиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг услубий масалаларини ҳал этиш биринчи навбатда «лойиҳа», хусусан «инвестиция лойиҳаси» тушунчаларини яққол тасаввур этишни талаб қиласди. Концептуал нуқтаи назаридан «лойиҳа» тушунчаси бошқалардан фарқ қиласдиган ва аниқ мақсадга эришишга йўналтирилган хар қандай фао-лиятлар мажмуини билдиради. Улар режалаштирилади, уларни молиялаштириш назарда тутилади, улар таққосланиши мумкин. Лойиҳа келажакка қаратилганлиги сабабли олдиндан айтиб бўлмайдиган номаълумликлар билан боғлиқ бўлади. Лойиҳа иқтисодий ва молиявий бойлик ҳамда ижтимоий маънога эга бўлиши муносабати билан, замон ва макондаги бирлик тарзида қаралишини талаб этади.

Инвестицион лойиҳа турли инвестиция фаолиятларини режалаштириш, таҳлил этиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш услубини қўллашга имкон беради. Режалаштириш, хужжатлаштириш, таҳлил ва баҳолаш услубиёти эса инвестиция имкониятларини таққослашга имкон беради. Инвестиция лойиҳаси ўзининг сифат-тавсифларига эга. Улардан қуидагиларни қўрсатиш мумкин:

- ўзининг маҳсус мақсадларига эгалиги;
- маҳсус фаолият учун бой бўлмаган ресурсларни тақсимлашни талаб этиши;
- ҳозирги харажатлар эвазига даромадларнинг келажакда кутилиши;
- пировард натижада инвестицияларни яратишнинг назарда тутилиши;
- ўзининг ягоналиги, ноёблиги туфайли муайян миқдордаги ресурсларни талаб қилиши;
- чет эллик агентларнинг, инвесторлар маблағларининг, кредитларининг

жалб этилиши;

- харажатларни оқилона ишлатишини талаб этиши;
- аниқ ва ноаниқ рисклар билан түқнашиши билан фарқланиб туради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва бошқа тавсифлардан келиб чиқсан ҳолда инвестиция лойиҳасига муайян ишлаб чиқариш қувватларига келажакда алоҳида турдаги самаралар келтириши зарур бўлган, аниқ белгиланган тадбирлар йўли билан ресурсларни инвестициялаш бўйича таклифлар тўплами тарзида таъриф бериш мумкин.

Инвестицион лойиҳани танлаш ва амалга ошириш босқичларида (ЮНИДО кулланмаси бўйича) қўйидагилар мухим аҳамият касб этади:

- инвестицион концепцияларни излаш;
- инвестицион лойиҳани режалаштириш ва хужжатлаштириш;
- лойиҳани тайёрлаш ва унинг техник-иктисодий ва молиявий негизини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш;
- инвестицион лойиҳа бўйича қарор қабул қилиш.

Инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш узоқ ва қиммат жараёндир ва у бир неча босқичлардан иборат. Жаҳон амалиётида бундай жараённинг қўйидаги уч босқичлари мавжуд:

- дастлабки инвестицион жараён;
- инвестициялаш босқичи;
- яратилган обьектларни ишга тушириш босқичи.

4.2. Инвестиция имкониятларини танлаб олишни ташкил этиш

Корхонани инвестицион концепциясини ифодалашда тармоқ профили, бозорни эгаллаш бўйича йиғилган тажриба, персоналнинг малакаси каби омиллар мухим ўрин тутади.

Инвестицион концепцияни излашда, танлашда ва тармоқ бошқарув органлари анчагина эркинликка эга, чунки улар ўз фаолиятини регион ёки тармоқ эҳтиёжидан, давлатнинг структура сиёсати устувор томонларидан келиб чиқсан ҳолда қуришади.

Халқаро тажрибада турли профилдаги инвестицион имкониятларни излашга асос бўлувчи қўйидаги бошланғич шарт-шароитлар классификацияси қабул қилинган:

1. Қайта ишлашга ва саноат фойдаланишга яроқли қазилма бойликлар ёки бошқа табиий ресурсларнинг мавжудлиги. Бундай ресурслар доираси кенг: нефт, газдан тортиб то ўрмон ва фармацевтик мақсадларда ишлатиладиган илонлар захаригача.

2. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш имкониятлари ва анъаналари, агросаноат мажмуаси корхоналарида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар доирасини белгилайди.

3. Истиқболдаги талабнинг қиймати ва структурасидаги демографик ва ижтимоий-иктисодий омиллар таъсиридаги ўзгаришларни баҳолаш.

4. Импортнинг структураси ва хажми янги, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни яратишга қаратилган лойиҳаларни пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

5. Ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси яқин бўлган ва бир бирига ўхшаш ресурслари бўлган давлатлар ишлаб чиқариш структураси ривожланиш тажрибаси ва тенденцияси.

6. Миллий ва жаҳон иктиносидаги истеъмолчи тармоқларда яратилган ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган эҳтиёжлар.

7. Истеъмолчи тармоқлар ишлаб чиқаришни кенгайтириши тўғрисидаги ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабнинг ортиши тўғрисидаги ахборот.

8. Ягона хом-ашё база асосида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имкониятлари.

9. Оммавий ишлаб чиқариш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун ишлаб чиқариш масштабини рационал қўпайтириш.

10. Умуниқтисодий шарт-шароитлар.

Бундай шарт-шароитлар асосида инвестицион лойиҳанинг ғоясини, соҳасини ва ишланадиган йуналишини аниқлаш мумкин.

4.3. Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва баҳолаш

«Лойиҳа» дейилганда бутун дунёда, ресурслар ва вақт бирлиги билан чекланган, назарий ишланмалар билан асосланган ва «лойиҳа цикли» концепцияси кўринишида таърифланган белгиланган жараённи тайёрлаш ва мақсадли фаолиятни амалга ошириш тушунилади. Лойиҳа цикли лойиҳани тайёрлаш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, амалга ошириш (музокаралар, бажариш) ва баҳолаш босқичларини, шунингдек лойиҳани амалга ошириш натижаларини баҳолаш мумкин бўлган кўпдан-кўп нуқтаи назарлар ва мезонларни қамраб олади. Лойиҳанинг ҳаётий йўли лойиҳа циклини яратадиган, муайян изчилликдан иборат бўлган ўзига хос босқичларга эга. Лойиҳа базавий моделга (Баум цикли) ёки ЭРМС цикли, Рондинелли цикли, Гудман ва Лав циклига (Интеграциялашган лойиҳавий режалаштириш ва бошқариш цикли), ЮНИДО диаграмма-тизими, Мак Артур диаграммасига эга бўлиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган лойиҳа цикларида ўзаро ўхшаш томонлар кўп, лекин уларнинг ҳар бирида ўзига хос мақсадларни қўзлайди. Уларнинг ҳаммасида фаолиятнинг циклик характери тўғрисидаги ғоя илгари сурилади, шу билан бирга турли-туман ва айни пайтда ўзгариб турадиган фикрлар янги маъно касб этади.

Лойиҳа, биринчидан, мақсадли йўналтирилган фаолият, иккинчидан, бу фаолият вақт бирлиги ва ресурслар билан деярли чекланган, учинчидан эса, ундан келадиган наф қилинган харажатлардан доимо ортиқ бўлади. Чунки, келажакдаги даромадлар бугунги пул қийматлари билан ўлчангандан бўлиб, замонавий харажат оқимларидан юқори бўлиши на-зарда тутилади.

Инвестиция лойиҳаси ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, чекланган давр давомида, белгиланган бюджет хисобидан, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган аниқ мақсадни назарда тутади. Яъни,

инвестиция лойиҳалари бошқа тадбирлардан қуидагилар билан ажралиб туради:

- мақсади, унга эришиш ички кучи ва уни белгиланган вақт мобайнида амалга ошириш имкониятлари билан;
- белгиланган давр мобайнида лойиҳанинг ноёблиги ва танҳолиги даражаси ҳамда белгиланган вақтнинг ўзининг чекланганлиги билан;
- ҳар қандай тирик мавжудот каби унинг ҳам ҳаётий циклга эгалиги билан.

Барча инвестиция лойиҳалари бир қатор умумий белгиларга эга. Уларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- мақсадга эришишга йўналтирилганлиги;
- ўзаро боғлиқ ҳаракатларни мувофиқлашган ҳолда бажарилиши;
- вақт бирлигига чекланган давомийлиги;
- такрорланмаслиги ва ноёблиги.

Лойиҳа уч томонлама чекланишга эга. У берилган вақт оралиғида максимал самарадорлик билан тавсифланади. Шу даврда лойиҳа учун ажратилган маблағлар ҳажмининг аниклиги билан ажралиб туради. Лойиҳа олдига қўйилган техник вазифаларни амалга оширилиши билан тавси-фланади.

Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган усуллар нима қилмоқ ва қандай бажармоқ зарур, маблағларни қаердан олиш мумкин, ишлаб чиқаришни, лойиҳа бўйича яратиладиган маҳсулотни сотиш ва етказиб беришни қандай ташкил этиш керак деган масалаларни ҳал қилишга ягона ёндашувларни амалга ошириш, шунингдек, бу ишларда олинган тажрибани кейинги лойиҳаларни тайёрлашда ҳисобга олиш имкониятини беради. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мавжуд усуллардан фойдаланиш билан бир қаторда ўтиш ва миллий иқтисодиёт хусусиятларини инобатга олиш зарур бўлади.

Лойиҳани ишлаб чиқиши дастлабки мухандислик лойиҳалаш, иқтисодий ва молиявий имкониятларни тахлил қилиш, бошқаришнинг маъмурий тизимларини кўриб чиқиши, лойиҳанинг атроф-муҳитга, маҳаллий ахолига таъсирини баҳолаш ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу босқичда лойиҳаларни қониқарсиз чиқсан вариантларини яроқсизга чиқариш ва энг мақбулларини батафсил ўрганиш зарурати келиб чиқади. Қуидаги шартлар бажарилган ҳолларда лойиҳа текшириш босқичидан ўтган ва батафсил ишлаб чиқиши босқичига ўтказишига тайёр деб ҳисоблаш мумкин:

- агар лойиҳанинг вазифалари, асосий ҳамда муқобил вариантлари аниқланган ва дастлабки танлов ўтказилган бўлса;
- лойиҳа тақдирига таъсир кўрсатадиган асосий сиёсий ва ташкилий муаммолар tengлаштирилган (бирдай қилинган) ва уларни ҳал қилиш мумкин деган хулоса чиқарилган бўлса;
- лойиҳани танлаш асосли деб ҳисобланиши учун назарда тутилган харажатлар ва даромадларнинг жорий дисконтланган қиймати баҳоланган бўлса;
- агар лойиҳани амалга оширишда ютиши ёки ютқазиши мумкин бўлганларнинг ҳаммаси уни қўллаб-куватлаши кутилса ва уларнинг розилиги бўлса;
- агар лойиҳа ички ва зарур ҳолларда ташқи манбалардан тегишлича

молиялаштирилиши мумкин бўлса;

- лойихани ишлаб чиқишининг аниқ базаси ташкил қилинган бўлса.

Инвестиция лойиҳаларининг мавжуд варианatlари маъқуллаш босқичида қуидаги сабабларга кўра рад этилиши мумкин:

- лойиҳа эвазига таклиф қилинадиган маҳсулотга бўлган талаб етарли бўлмаса ёки унинг қиёсий афзалликлари аниқланмаса;

- лойиҳанинг ҳаддан ташқари ортиқ иқтисодий, ижтимоий, инфратузилма ва табиат муҳофазаси қийматлари юқори бўлса ёки қиёсий афзалликлари бўлмаса;

- лойиҳани амалга оширишдан наф кўриши мумкин бўлган соҳиблар мажбуриятлари аниқ белгиланмаса;

- лойиҳа мақсадларини амалга ошириш ёки маҳаллий шароитларда фойдаланиш учун лойиҳада яроқсиз технологиялар назарда тутилса;

- мавжуд ташкилий ва бошқарув имкониятларга лойиҳанинг катта миқёси мувофиқ келмайдиган бўлса;

- ҳаддан ортиқ риск ёки хом ашё қиймати, малакали ишчи кучига тўланадиган иш ҳақи харажатлар юқори бўлса;

- лойиҳа тадбиқ этилгандан кейин, унинг эксплуатация даврий харажатлари мавжуд молиявий ресурслар ёки муқобил қарорларга нисбатан фоят юқори бўлиши аниқланса.

Лойиҳа ғоясининг амалга ошувланигини аниқлаш учун қуидаги кўрсаткичлар бўйича дастлабки таҳлил ўтказиш талаб қилинади:

- лойиҳанинг амалга оширилишидан наф кўриши лозим бўлган аҳоли гурухлари ёки ҳудудларни маҳсулот ёки хизматлар характеристига бўлган талаб ҳажми;

- маҳсулот чиқаришнинг тегишлича баҳрлари бўлган муқобил техник ечимлари ёки мажмуа ечимлари борлиги, шу жумладан, жойларда олдиндан ишлатилаётган технологияларнинг мавжудлиги, уларни такомиллаштириш имкониятлари;

- асосий моддий ва меҳнат ресурсларининг, шунингдек ихтисослик малакаларининг борлиги;

- капитал қўйилмалар ва эксплуатация харажатларининг жорий дисконтланган қиймати;

- лойиҳа варианtlарининг молиявий ва иқтисодий қиймати.

Бундан ташқари тақдим қилинаёттан лойиҳага бирон-бир жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ташкилий ва сиёсий тўсиқлар таҳлили ўтказилади.

Лойиҳани молиялаштириш ва тегишли қарорлар қабул қилиш муаммоларини тадқиқ этишда лойиҳанинг ҳаётӣ цикли бошланғич тушунча ҳисобланади. Лойиҳани фазаларга бўлиш фоят хилма-хил бўлиши мумкин. Асосий нарса шундаки, бундай бўлиш энг муҳим назорат нуқталарини очиб берадиган бўлсин, бу фазалардан ўтиш вақтида қўшимча ахборотларни қараб чиқиш ва лойиҳани ривожлантиришнинг имкони бўлган йўналишларини баҳолаш мумкин бўлсин. Жаҳон амалиётида лойиҳаларнинг мураккаблигига қараб уларни бошқаришнинг турли усувларидан

фойдаланилади. Лойиҳаларни барча мавжуд бошқариш усуллари назарда тутилган натажаларга қаратилади, хуқук ва бурчларнинг жамланганлигига, матрициали ташкил этилганлигига, тўқнашувлар ва муаммоларнинг олдини олишга қаратилади. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш, улар самарасини белгилаш, уларни танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни ички ва ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштиришда мамлакатнинг халқаро бозорга чиқиши кучли замин ва асос ҳисобланади. Лойиҳанинг келажакка қаратилиши унинг олдиндан айтиб бериш мумкин эмаслигидан далолатdir, шу сабабли инвестиция лойиҳасининг сифат тавсифларини ҳисобга олиш муҳим. Инвестиция лойиҳаси одатда, ресурслар ва муайян вақт билан чекланади ҳамда қўйилган мақсадга эришишни қўзда тутади. Шу нуқтаи назардан, инвестиция лойиҳалари ўзининг такрорланмаслиги ва белгиланган давр мобайнида уникаллик даражаси билан тавсифланади.

Инвестицион лойиҳа турли инвестиция фаолиятларини режалаштириш, таҳлил этиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш услубини қўллашга имкон беради.

Лойиҳаларни танлаб олиш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш жаҳон амалиётида қўлланиладиган дисконтлаш усулига асосланади.

Дисконтлаш усулини келтириб чиқарган асосий сабаб пул маблағларининг вақтга нисбатан teng қийматли бўлмаслигига. Гап инфляцияда ҳам эмас, унинг асосий сабаби бирон жараён билан боғланган қиймат n – вақтдан сўнг унинг ёрдами билан даромад ҳисобига капитал суммага айланиш хусусиятига эга. Бу молия операцияларида аксиомадир ва инвестиция лойиҳаларини иқтисодий асослаш ҳамда таҳлил қилишнинг жами механизмини белгилаб беради, яъни келажакдаги қийматга асос килиб мураккаб фоизлар модели тарзида маълум бўлган жамғармаларнинг кўпайиши модели олинади:

$$FV = PV (1+K)^n$$

Бу ерда, FV – келажакдаги қиймат;

PV – жорий қиймат;

K – даромадлилик ставкаси;

N – пулнинг банд бўлиш даври (йил, чорак, ой).

Дисконтлаш пулнинг жорий қийматини аниқлаш имкониятини берадиган мураккаб фоизларни ҳисоблаш услубига тескари амал билан ҳисоблаб чиқарилади:

$PV = FV \frac{1}{(1+K)^n}$

Бунинг моҳияти шундан иборатки, келажакда муайян вақт ичидаги тушадиган пул оқимлари эвазига инвесторлар бугунги кунда зарур маблағларни кўйишга тайёр турадилар.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, танлаш ва амалга оширишда асосий эътибор инвестиция имкониятларининг таҳлилига жалб этилаётган ресурслар қийматини баҳолашга қаратилиши талафутилади.

Ишлаб чикилаётган инвестицион лойиҳа бўйича бизнес – режа тузиш қўйидаги икки масалани хал этишга ёрдам беради:

- инвестицион лойиҳа концепцияси хақиқатдан ҳам даромадли ҳисобланадими ва унинг устидан иш олиб бориш маънога эгами;
- лойиҳани истиқболдаги муваффақиятига таъсир этувчи жихатлар ушбу концепцияда мавжудми.

Бизнес-режа – бу корхонани келажакдаги асосий жихатларини белгиловчи хужжат бўлиб, корхона олдида пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни ва уларни хал этиш усувларини аниқлаб беради. Шунинг учун тўғри тўзилган бизнес-режа тадбиркорларга қўйидаги тўртта асосий масалани хал этишда ёрдам беради:

- бозор хажмини ва унинг истиқболдаги ривожланишини аниқлаш;
- харажатларни баҳолаш ва нархлар билан таққослаш;
- режалаштирилаётган лойиҳа олдидаги муаммоларни аниқлаш;
- амалга оширилаётган фаолиятни баҳоловчи кўрсатгичларни аниқлаш.

Бизнес-режа истиқболли (перспектив) хужжат бўлиб, уни 3-5 йилга мослаб тўзиш лозим.

Биринчи йил учун асосий кўрсатгичларнинг хар ойдаги қийматларини аниқлаш, иккинчи йил учун – квартал қийматларини ва учинчи йилдан бошлаб йиллик қийматларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бизнес-режа муайян тўзилишга эга бўлиши лозим. Масалан ЮНИДО қулланмаси унинг тўзилишидаги қўйидаги бўлимларни ажратиб чикаради:

- товарлар ишлаб чиқариш хажми ва структурасини аниқлаш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун мулжалланган ресурслар ассортименти ва хажми;
- янги ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш техник асоси;
- ишлаб чиқаришда, бошқарувда ва савдода банд бўлган персонал билан боғлиқ бўлган харажатлар қиймати ва структураси;
- персонални меҳнат фаолиятини ташкил этиш;
- лойиҳани амалга ошириш ташкилий-хукуқий таъминоти;
- лойиҳани молиявий таъминлаш.

Лойиҳани детал, техник-иктисодий асосланишини ва молиявий асосланишини тайёрлаш муаммоларни альтернатив ечимларини бера олишни таъминлайди. Шунинг учун лойиҳани бу босқичида турли профилдаги мутахассислар ишлаши мақсадга мувофиқдир, яъни:

- ушбу соҳа билан яхши таниш иқтисодчи;
- маҳсулотни сотиш бозорини таҳлил қила оладиган мутахассис;
- ўрнатилаётган технология билан яхши таниш инженер-технолог;
- инженер-конструктор;
- инженер-қурувчи ва х.к.

Лойиҳанинг охирги таърифини аниқлашда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

- истиқболдаги лойиҳа масштаби, яъни режалаштирилаётган ишлаб чиқариш қиймати;
- истиқболдаги ишлаб чиқариш фаолиятининг масштабларини белгилаш;
- асосий ва қушимча ишлар турларининг вақтли давомийлигини аниқлаш.

Хулоса

«Лойиҳа» тушунчаси бошқалардан фарқ қиласиган ва аниқ мақсадга эришишга йўналтирилган ҳар қандай фаолиятлар мажмуини билдиради. Улар режалаштирилади, уларни молиялаштириш назарда тутилади, улар таққосланиши мумкин. Лойиҳа келажакка қаратилганлиги сабабли олдиндан айтиб бўлмайдиган номаълумликлар билан боғлиқ бўлади. Лойиҳа иқтисодий ва молиявий бойлик ҳамда ижтимоий маънога эга бўлиши муносабати билан, замон ва макондаги бирлик тарзида қаралишини талаб этади. Корхонани инвестицион концепциясини ифодалашда тармоқ профили, бозорни эгаллаш бўйича йифилган тажриба, персоналнинг малакаси каби омиллар муҳим ўрин тутади. Лойиҳаларни танлаб олиш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш жаҳон амалиётида қўлланиладиган дисконтлаш усулига асосланади. Ишлаб чикилаётган инвестицион лойиҳа бўйича бизнес – режа тузилади.

Таянч иборалар: инвестиция хужжатларини тайёрлаш босқичлари, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаб олиш ва амалга ошириш, дисконтлаш усули, инвестицион лойиҳа бизнес-режаси ва унинг асосий бўлимлари.

Назорат саволлари

1. Инвестицион лойиҳа хужжатларини тайёрлаш босқичлари нималардан иборат?
2. Инвестицион концепция асосида корхона лойиҳасини танлаш шартшароитлари қайсилар?
3. Инвестицион лойиҳа бизнес-режасига қўйиладиган талаблар қандай?
4. «Инвестицион лойиҳа» тушунчасига таъриф беринг ва унинг асосий таркибини аниқланг?
5. Барча инвестиция лойиҳалари қандай умумий белгиларга эга?
6. Лойиҳа гоясининг амалга ошувчанлигини аниқлаш учун қандай кўрсаткичлар бўйича дастлабки таҳлил ўтказиш лозим?
7. Инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш қандай босқичлардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Чернов В.А. Инвестиционная стратегия.М., “ЮНИТИ ДАНА”,2003.
2. Ложникова А.В. Инвестиционные механизмы в реальной экономике.- М.: МЗ-Пресс, 2001.
3. Мелкумов Я.С. Экономическая сценка эффективности инвестиции и финансирование инвестиционных проектов.- М.: ДИС, 1997.
4. Крушвиц Л., Ковалева В.В. Инвестиционные расчеты: Учебник для вузов/ Пер. с нем. Под ред. В.В. Ковалева и З.А. Сабова.- СПб., М., Х.: Питер,2001.
5. Крушвиц Л., Ковалева В.В. Инвестиционные расчеты: Учебник для вузов/ Пер. с нем. Под ред. В.В. Ковалева и З.А. Сабова.- СПб., М., Х.: Питер,2001.

5. БОБ. ФОНД БОЗОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

5.1. Фонд бозори воситалари инвестицион сифатларининг асосий хусусиятлари

5.2. Фонд бозори воситалари самарадорлигини баҳолаш моделлари

5.1. Фонд бозори воситалари инвестицион сифатларининг асосий хусусиятлари

Кейинги пайтларда кўпгина инвесторларнинг инвестиция фаолиятии фонд бозорига қаратилган. Молиявий инвестицияларни умумий хажмининг 90%ни турли фонд бозори воситалари ташкил қиласди.

Инвесторлар талаби асосан акция, облигация, омонат сертификатлар, фьючерслар, опцион ва инвестицион сертификатларга қаратилган. Фонд бозори воситалари турли-туманилиги уларнинг инвестицион сифатларини баҳолаш заруратини келтиради.

Инвесторлар нуқтаи назаридан хозирги пайтда молиявий инвестициялар сифатида қўйидаги фонд бозори воситаларидан фойдаланилади:

- 1) акциялар;
- 2) облигациялар;
- 3) омонат сертификатлар;
- 4) инвестицион сертификатлар.

I. Акциялар деганда акция эгаси хиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум хиссасини қушганлигига ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш хуқуки борлигига гувохлик берувчи қимматли қофоз тушунилади.

Фонд бозорида айланадиган акциялар қўйидаги сифатлар билан классификацияланади:

1. Руйхатга олиш ва муомала жиҳатлари бўйича:
 - эгасининг исми ёзилган акция;
 - (предъявитель) мулжалланган акция.
2. Эмитент мажбуриятлари характеристи бўйича:
 - оддий;
 - имтиёзли.
3. Мулк шакли бўйича:
 - давлат корхоналари акциялари;
 - нодавлат корхона акциялари.
4. Регионал жойлашуви бўйича:
 - национал эмитентлар акциялари;
 - хорижий эмитентлар акциялари.

Инвестициялаш обьекти сифатида акцияларнинг юқорида келтирилган сифатлари муҳим ўрин тутади.

Инвестициялаш жараёнида акцияларнинг турларидан қатъий назар уларнинг инвестицион сифатларини баҳолаш энг асосий масала ҳисобланади. Бунда комплекс баҳолаш қўйидаги параметрлар бўйича олиб борилади:

- 1) Эмитентнинг хўжалик фаолият соҳасини баҳолаш;
- 2) Эмитентнинг хўжалик фаолият ва молиявий аҳволи асосий кўрсатгичларини баҳолаш;
- 3) Фонд бозорида акция муомала характерини баҳолаш;
- 4) Акция эмиссияси шартларини баҳолаш.

Эмитентнинг хўжалик фаолият соҳасини баҳолаш корхонани хаётий циклини босқичини ўрганишни талаб этади.

Эмитентнинг хўжалик фаолият ва молиявий аҳволи асосий кўрсатгичларини баҳолаш акциялар фонд бозорида муомала давомийлиги билан боғланган ҳолда амалга оширилади.

Фонд бозорида акция муомала характерини баҳолаш уларнинг бозор котировкаси ва ликвидлик кўрсатгичлари билан боғлиқ. Уларга қўйидаги кўрсатгичлар киради:

1. Дивидендларни тўлаш даражаси.
2. Нарх ва даромадлилик ўртасидаги нисбат коэффициенти. Бу кўрсатгич акция нархи ва унинг даромади ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.
3. Фонд биржасида акцияларнинг ликвидлик коэффициенти унинг керак пайтда ликвидлик даражасини ифодалайди.
4. Акция талаб ва таклиф котировка нархлари ўртасидаги нисбат коэффициенти.
5. Акциянинг муомала коэффициенти муомалага чиқарилган акциялар хажмини ифодалайди ва унинг эгри ликвидлик кўрсатгичи ҳисобланади.

Келтирилган акцияларнинг инвестицион сифатларини рейтинг баҳолаш бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг айrim корхоналарига инвестициялашда фойдаланиш мумкин.

II. Облигация деганда облигация эгаси хиссадорлик жамиятига қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қуйганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз тушунилади. Облигациялар хиссадорлик жамиятининг молиявий маблағларини кўпайтириш мақсадида чиқарилади.

Облигациялар ҳам юқорида келтирилган акция турлари каби бир неча сифатлар бўйича класификацияланади ва ушбу сифатлар облигацияларни инвестициялаш объекти сифатида танлашда муҳим ўрин касб этади.

Облигацияларни руйхатга олиш ва муомала бўйича, эмитент регионал тааллуклилиги бўйича (*миллий ва хорижий эмитентлар облигациялари*) бўлиниши худди акция сифатлари каби инвестицион жихатларни белгилаб беради.

Давлат заёми облигациялари, махаллий заём облигациялари, корхоналар облигациялари инвесторлар учун рисклар даражаси бўйича муҳим аҳамият касб этади. Чунки риск даражаси паст бўлган давлат заём облигациялари бўйича нисбатан кам даромад таклиф этилса, риск даражаси юқори бўлган корхона облигациялари бўйича юқори даромад таклиф этилади.

Облигацияларнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли турларга бўлиниши худди акциялар каби инвестицион жихатларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, қисқа муддатли облигациялар инвесторлар учун қулай ҳисобланади.

Облигацияларни даромадни фоизли ва фоизсиз тўлаш турига қараб инвесторларнинг капитални қўйиш мақсадини белгилайди.

Облигация турларининг инвестицион сифатларини баҳолаш қўйидаги параметрлар бўйича амалга оширилади:

- 1) регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш (махаллий заём облигациялари бўйича);
- 2) корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ва тўлов қобилиятини баҳолаш (корхоналар облигациялари бўйича);
- 3) фонд бозорида облигацияларнинг муомала характеристини баҳолаш;
- 4) облигациялар эмиссия шартларини баҳолаш.

Регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, агар регионлар давлатдан катта хажмдаги субсидияларни олса, облигациялар бўйича тўловларни ўзишда жиддий молиявий қийинчиликларга учраши мумкинлигини кўрсатиб беради, шунинг учун махаллий заём облигациялари билан қизикқанда регион бюджет балансининг сальдо динамикасини ўрганиш лозим бўлади.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ва тўлов қобилиятини баҳолаш уларнинг инвестицион жозибадорлигини ифодаловчи кўрсатгичлар системаси орқали ифодаланади. Бундай баҳолашнинг бош масаласи ўрганилаётган корхона кредит рейтингини, узоқ муддатда молиявий барқарорлиги ҳамда облигациялар бўйича тўловни ўзиш фонди мавжудлигини аниқлашга қаратилган.

Фонд бозорида облигацияларнинг муомала характеристини баҳолаш инвестор учун бир мунча қийинчиликлар тутдиради, чунки бу ерда облигация бўйича белгиланган даромад (фоиз) қийматини аниқлаш облигациянинг реал нархини топиш билан боғлиқ бўлади.

Облигацияларнинг эмиссия шартларини баҳолаш унинг муомалага чиқариш мақсади, сотиб олиш шартларини, фоиз тўлаш даврийлигини, асосий суммани тўлаш шартларини ўрганишни талаб этади.

III. Омонат сертификатлар ўзининг иқтисодий моҳияти буйича облигацияларга яқин, факат фарқи шундаки омонат сертификатлари нафақат муддатли, балки инвестор хоҳлаган пайтда капиталини кайтариб олиши мумкин бўлган облигациялардир. Омонат сертификатларнинг сифатлар бўйича классификацияланиши облигациялар каби амалга оширилади.

Омонат сертификатлари инвестициялаш обьекти бўлиши билан бир қаторда тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб воситаси сифатида ҳам чиқиши мумкин.

Омонат сертификатларининг инвестицион сифатларини баҳолаш қўйидаги параметрлар ёрдамида амалга оширилади:

- 1) эмитент – банкнинг ишончлилигини баҳолаш;
- 2) фонд бозорида омонат сертификатининг муомала характеристини баҳолаш;
- 3) омонат сертификатларининг эмиссия шартларини баҳолаш.

Омонат сертификатларининг иккинчи ва учинчи параметрлар бўйича инвестицион жозибадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган кўрсатгичлар облигацияларнинг баҳолаш кўрсатгичлари билан бир хил, шунинг учун биринчи параметр бўйича баҳолашни кўриб чикамиз.

Чет эл тажрибасида банкнинг ишоччилигини баҳолаш CAMEL системаси бўйича амалга оширилади, бу ерда:

- «С» - банк капиталининг етарлилиги;
- «А» - активлар сифат структураси;
- «М» - бошқарув самарадорлиги;
- «Е» - даромадлилик (рентабеллик) даражаси;
- «Л» - ликвидлик даражаси.

Ушбу баҳолашдан сўнг банк ишончлилик даражаси бўйича «яхши», «қониқарли», «етарли» ва «қониқарсиз» турларга ажратилади.

IV. Инвестицион сертификатлар деганда инвестицион фонд ёки инвестицион компания томонидан чиқарилган ва ўз эгасига дивиденд олишга прайс берувчи қимматли қоғозга айтилади.

Ўзининг иқтисодий моҳияти бўйича инвестицион сертификат оддий акциянинг бир тури бўлиб, қўйидаги сифатлар бўйича классификацияланади:

1. Руйхатга олиш ва муомала характеристи бўйича эгасининг исми ёзилган ва ёзилмаган инвестицион сертификатлар.

2. Эмитент турлари бўйича:

- а) очиқ инвестицион фонdlар инвестицион сертификатлар;
- б) ёпиқ инвестицион фонdlар инвестицион сертификатлар;
- в) инвестиция компаниялари инвестицион сертификатлари.

5.2. Фонд бозори воситалари самарадорлигини баҳолаш моделлари

Инвестицияларнинг самарадорлиги аниқлаш даромад ва харажатлар эфектларини таққослаш асосида амалга оширилади. Молиявий қўйилмалар самарадорлигини аниқлашда харажатлар сифатида турли фонд воситаларига инвестиция қилинган маблағлар тушунилади. Даромад деб фонд воситаларининг реал қиймати ва уларга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқка айтилади.

Фонд воситаларининг реал хақиқий қиймати қўйидаги икки асосий кўрсатгич таъсирида шаклланади:

- 1) аник турдаги фонд воситасининг истиқболдаги пул оқими суммаси;
- 2) истиқболдаги пул оқимининг хозирги қийматини баҳолашда ишлатиладиган дисконт ставкасининг миқдори.

Истиқболдаги пул оқими суммаси облигация, омонат сертификатлари бўйича келиб тушаётган фоизлар суммаси ва тўловни ўзиш пайтидаги актив қиймати йиғдиларидан иборат. Ушбу фонд воситалари бўйича истиқболдаги пул оқими суммасини аниқлашда қўйидаги уч вариантдан фойдаланиш мумкин:

- 1) фонд воситаси бўйича фоизларни тўламаслик, бунда инвесторнинг даромади сотиб олиш нархи ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқка тенг бўлади;
- 2) тўловни келишилган муддатда ўзиш ва фоизларни даврий равишда тўлаб бориш (хозирги кундаги энг кўп тарқалган вариант);

3) келишилган муддат охирида ҳамма йиғилган фоиз суммаси фонд воситаси суммаси билан биргаликда тўланади.

Акция ва инвестицион сертификатлар бўйича истиқболдаги пул оқими суммаси қўйидаги икки шартдан келиб чиқсан ҳолда шаклланади:

- 1) ноаниқ вақт мобайнида фонд воситасидан фойдаланиш. Бунда истиқболдаги пул оқими суммаси ажратилаётган дивидендлардан ташкил топади;
- 2) аниқ вақт мобайнида фонд воситасидан фойдаланиш. Бунда истиқболдаги пул оқими суммаси ажратилаётган дивидендлар суммаси, инвестицион воситани сотиб олиш суммаси ва унинг бошланғич ва охирги нархлари ўртасидаги фарқдан ташкил топади.

Пул оқимини ташкил этиш ва жорий даромад нормасининг дифференциациясини ҳисобга олган ҳолда айрим фонд воситаларининг реал қийматини баҳолаш моделларини кўриб утамиш.

Облигациялар ва шунга ўхшаш қимматли қоғозларни баҳолаш учун уларнинг жорий бозор қийматини, кутилаётган даромадини аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун қўйидаги уч вариантни таклиф қилиш мумкин:

1. Облигациялар учун фоизларни тўламаслик бўйича кутилаётган даромадни ҳисоблаш модели – кутилаётган даромад даражаси облигация номинали хақиқий қийматга келтирилган дисконт ставкасини аниқлашга қаратилган.

2. Фоизларни тўламасдан облигацияларнинг жорий бозор қийматини аниқлаш модели ушбу қийматни дисконт ставка бўйича хақиқий қийматга келтирилган ва жорий даромадга тенглаштирилган номинал сифатида аниқлашдан иборат.

3. Фоизларни даврий тўлаш билан облигациялар бўйича кутилаётган даромадни аниқлаш моделининг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, кутилаётган жорий даромад даражаси йиллик фоиз суммасининг облигация бозор нархи нисбатига tengdir.

Облигацияларнинг жорий бозор қийматини аниқлашда облигацияларни баҳолаш асосий моделидан фойдаланилади. Ушбу модельнинг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, облигация бўйича кутилаётган жорий даромад даражаси тўлов умумий коэффициентининг облигация номинали нисбатининг хосиласига teng.

Чет эл тажрибасида инвестор жорий даромад ва облигациялар жорий бозор қийматини тез аниқлаш учун «облигациялар даромади китоби» деб номланган маҳсус жадвалдан фойдаланилади. Облигация бозорининг бизнинг шароитда ривожланиши ушбу жадваллардан бизнинг амалиётда ҳам фойдаланишига олиб келади.

Юқорида келтирилган облигацияларни баҳолаш усуллари омонат сертификатлари ва шунга ўхшаш қимматли қоғозлар инвестицион кўрсатгичларини аниқлашда ишлатилиши мумкин.

Акцияларни баҳолаш уларнинг жорий бозор қийматини аниқлашга қаратилган. Бунинг учун қўйидаги моделлардан фойдаланилади.

Ноаниқ вақт мобайнида фойдаланиладиган акцияларнинг жорий бозор қийматини баҳолаш модели. Ушбу моделнинг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, акциянинг жорий бозор қиймати ушбу акция бўйича тўланаётган дивиденdlар йиғиндисидан ташкил топади.

Маълум вақтга мулжалланган акция жорий бозор қийматини баҳолаш модели облигацияни баҳолаш асосий моделига ўхшаш бўлиб, фақат фоиз суммаси ўрнига дивиденdlар йиғиндиси қўрсатгичлари, облигация номинали ўрнига – реализация пайтида акциянинг прогноз бозор нархи олинади. Ҳисобкитоб механизми эса ўзгармайди.

Юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ахборотнинг мавжудлиги ва унинг ишончлилигига боғлиқ бўлади. Ривожланган фонд бозори шароитларида ва унинг холати хақида тулиқ аналитик ахборотлар очиқ бўлганда нисбий ўртacha қиймат дисперсияси асосида капитал активларга нарх белгилаш деб аталадиган усулдан фойдаланиш мумкин бўлади. Ундан ташқари доимий дивиденди акцияларнинг жорий бозор қийматини баҳолаш модели, усиб борувчи дивиденди акцияларнинг жорий бозор қийматини баҳолаш модели (Гордон модели), даврлар бўйича ўзгариб турувчи дивиденди акцияларнинг жорий бозор қийматини баҳолаш моделлари мавжуд. Айрим фонд воситаларининг реал бозор қиймати ва жорий даромадлигини аниқловчи моделлардан инвестицион портфелни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Хуноса

Инвесторлар нуктаи назаридан хозирги пайтда молиявий инвестициялар сифатида қўйидаги фонд бозори воситаларидан фойдаланилади:

акциялар; облигациялар; омонат сертификатлар; инвестицион сертификатлар. Инвестицияларнинг самарадорлиги аниқлаш даромад ва харажатлар эфектларини таққослаш асосида амалга оширилади. Молиявий қўйилмалар самарадорлигини аниқлашда харажатлар сифатида турли фонд воситаларига инвестиция қилинган маблағлар тушунилади. Даромад деб фонд воситаларининг реал қиймати ва уларга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқка айтилади.

Фонд воситаларининг реал хақиқий қиймати қўйидаги икки асосий қўрсатгич таъсирида шаклланади:

- 3) аник турдаги фонд воситасининг истиқболдаги пул оқими суммаси;
- 4) истиқболдаги пул оқимининг хозирги қийматини баҳолашда ишлатиладиган дисконт ставкасининг миқдори.

Таянч иборалар: Қимматли қоғозлар бозорининг асосий воситалари ва уларнинг характеристикалари. Фонд воситалари инвестицион сифатларини баҳолаш тамойиллари. Айрим фонд воситалари инвестицион сифатлари қиёсий характеристикаси. Фонд воситаларини самарадорлигини баҳолаш моделлари ва уларнинг классификацияси. Фонд бозорининг айрим воситаларини самарадорлигини баҳолаш моделлари ва қўрсатгичларининг характеристикаси.

Назорат саволлари

1. Фонд бозорининг асосий воситаларини инвестицион сифатларига нималар киради?
2. Қимматли қоғозлар фонд воситаларига кайсилар киради?
3. Кандай фонд воситаларини самарадорлигини баҳоловчи моделлар мавжуд?
4. Фонд воситаларининг реал хақиқий қийматини белгиловчи асосий кўрсатгичлар қайсилар?
5. Омонат сертификатлар тушунчасига таъриф беринг?
6. Акция ва облигация ўртасида қандай фарқ бор?
7. Инвестициялаш обьекти сифатида акцияларнинг қайси сифатлари муҳим йўрин тутади?
8. Истиқболдаги пул оқимининг хозирги қийматини баҳолашда ишлатиладиган дисконт ставкасининг миқдори фонд воситаларининг реал хақиқий қиймати аниқлашда қандай амалга ҳисобланади?
9. Инвестицион сертификатлар тушунчасиги таъриф беринг?
10. Чет эл тажрибасида банкнинг ишоччилигини баҳолаш қайси система бўйича амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бочаров В.В. Инвестиционный менеджмент.- СПб.: Питер,2002.
2. Ложникова А.В. Инвестиционные механизмы в реальной экономике.- М.: МЗ-Пресс, 2001.
3. Чернов В.А. Инвестиционная стратегия.: Учеб. Пособие для вўзов-М: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.
- 4.Игошин Н.В. Инвестиции: Организация управления и финансирования:Учебник.-М.: ЮНИТИ.2000.
5. Бузова И.А., Маховикова Г.А. Коммерческая оценка инвестиций.- СПб.: Питер, 2003.
6. Артемова Л.В., Бор М.З. и др. Инвестиции и инновации.: Словарь-справочник от А до Я.- М.: «ДиС», 1998.

6. БОБ . ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

6.1. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва инвестиция ресурслари қийматини аниқлаш

6.2. Капитал қиймати тушунчаси

6.3. Капиталнинг айрим элементлари қиймати

6.1. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва инвестиция ресурслари қийматини аниқлаш

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш турли усуллар билан амалга оширилади:

- акциядорлик инвестициялаш;
- бюджетдан инвестициялаш;
- лизинг;
- қарз мажбуриятлари ҳисобидан банклар кредитлари, юридик ҳамда жисмоний шахслар мажбуриятлари эвазига молиялаштириш;
- ипотека (кўчмас мулкни гаровга қўйиш) асосида олиб борилади.

Мониторинг лойиҳа ҳолатини кузатиш, уни баҳолаш, лойиҳанинг истиқболини белгилашни қамрайди, бошқача айтганда лойиҳанинг амалга оширилишини кузатиб боришни назарда тутади. Унга қуидагилар киради:

- молиялаштирилаётган лойиҳани амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳисботлар таҳлили;
- ишнинг аҳволини бевосита лойиҳа амалга оширилаётган жойда текшириш;
- мақсадли тафтишлар, аудиторлик текширувлари;
- лойиҳанинг тугалланганлиги тўғрисида ҳисбот тузиш (унда харажатларнинг қопланиши, маҳсулотни сотиш чиқимларини баҳолаш ҳам назарда тутилади).

Бозор муносабатларига ўтиш босқичида инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш учун инвестиция қарорларини қабул қилишнинг барча даражаларида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаб олиш ва амалга ошириш бўйича ягона мукаммал тизимни шакллантириш талаб этилади. Ягона мукаммал тизимни қуллашда жаҳон амалиётида синовдан ўтган ва эътироф этилган, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил этиш стандарт усулига таяниш зарур. Ушбу усул лойиҳаларни бошқариш услубиёти ва самарадорлик қўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини эътиборга олишни назарда тутади.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мамлакатнинг ташқи бозорга чиқиши ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариши стратегияси асосида амалга оширилиши зарур. Миллий иқтисодиёт манфаатлари лойиҳаларни танлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда устувор ва асосий мезон бўлмоғи лозим. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, танлаш ва амалга оширишда асосий эътибор инвестиция имкониятиларининг таҳлилига, жалб этилаётган ресурслар қийматини баҳолашга қаратилиши талаб этилади. Булар билан биргаликда, эътиборни ноаниқликнинг таҳлилига, рискларни

пасайтириш усуллари, уларни инвестиция қатнашчилари ўртасида тақсимланишига қаратиш зарур бўлади. Лойиҳавий таҳлил, самарадорлик бўйича ҳисоб-китоблар миллий (сўм) ва чет эл валютасида, валюталар курси истиқболини белгилаш йўли билан олиб борилиши мақсадга мувофиқцир.

Ҳозирги босқичда мамлакатда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаш ва амалга ошириш тизими босқичма-босқич шаклланмокда. Халқаро молия институтлари ва хорижий шериклар ҳисобидан молиялаштириладиган ва давлат инвестиция дастурларига киритиладиган лойиҳалар танлови ва тадбиқ этилиши стандарт лойиҳа таҳлилини назарда тутадиган чет эл услубиёти асосида амалга оширилади. Хусусий сектор лойиҳалари одатда молиялаштиришнинг мамлакат амалиётини ва лойиҳавий молиялаштиришни чет эл тажрибасини асос қилиб олади.

Ҳамкорликда чет эллик шериклар, халқаро молиявий институтлар билан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилишда жалб қилинадиган манбаларнинг нарх ва қийматларини аниқлаш йўли билан ресурслар базаси ишончлилиги ва сифатини баҳолаш зарур. Лойиҳалар ноаниқлиги ва улар рискларининг таҳлили алоҳида аҳамият касб этади. Буларни таҳлил қилишда жаҳон амалиётида ишлатиладиган рискларни пасайтириш усулларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда пул оқимларини дисконтлаш усули билан амалга ошириш талаб этилади. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда соф дисконтланган даромад, даромаддорлик индекси, ички даромаддорлик меъёри, харажатларнинг қопланиш муддати кўрсаткичларидан фойдаланиш талаб этилади. Бунда жаҳон амалиётида қулланиладиган стандарт услубиёт кўрсаткичларидал, уларли ҳисоблаш усулларидал ҳамда уларни таққослаш услубидан фойдаланиш лозим.

Инвестицион ресурсларнинг умумий хажмига бўлган эхтиёжни прогнозлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчи босқичда реал инвестициялашга керак бўладиган молиявий воситалар хажми аниқланади. Бу мақсадда инвестицион стратегияда белгиланган аналог – обьектлар танланиб, улар бўйича янги қурилиш ёки харид қиймати ҳисобланади.

Янги обьектлар қуриш қиймати ушбу обьектга аналог обьектларни қуришга кетган хақиқий харажатлар асосида аниқланади.

Ишлаб турган корхонани харид қиймати қўйидаги усуллар билан аниқланади:

- а) соф баланс қиймати асосида, ушбу баҳолаш корхона активларининг умумий баланс қийматидан унинг мажбуриятлар йиғиндисини айриш асосида аниқланади;
- б) фойда асосида баҳолаш охирги йиллар мобайнида йиллик ўртача фойданинг реал йиғиндисини аниқлашга асосланган, ҳамда инвестицияларнинг фойдалилик ўртача нормасини аниқлашга қаратилган;

в) бозор қиймати асосида баҳолаш тамойили ушбу корхонага ухшаш корхоналарнинг аукцион ва конкурсларда сотиш маълумотларидан фойдаланишга асосланади.

Инвестицион ресурсга бўлган эҳтиёжни прогнозлашда ушбу харидни кенгайтириш, техник жихозлаш ва реконструкция харажатлари киритилади.

Прогнозлашнинг иккинчи босқичида молиявий инвестицияларни амалга оширишга керак бўладиган инвестицион ресурслар хажми аниқланади. Бундай эҳтиёжни ҳисоблаш прогноз даврида турли инвестициялаш формалари ўртасидаги нисбатни аниқлашга асосланади.

Молиявий инвестиацияларни амалга ошириш учун керак бўладиган инвестицион ресурслар умумий эҳтиёжини аниқлаш уларга бўлган биринчи (бошланғич) даврдаги эҳтиёжни ва кейинги даврлардаги уларнинг кўпайишини ҳисоблашдан иборат.

Эҳтиёжни прогнозлашнинг учинчи босқичида зарурий инвестицион ресурслар умумий хажми аниқланади, бунда реал инвестициялашга лозим инвестицион ресурсларга талаб, молиявий инвестиацияларни амалга ошириш учун керак бўладиган ресурсларга талаб, резерв капитали йиғиндилари ҳисобланади.

Турли манбалар ҳисобига инвестицион ресурсларни ташкил этиш имкониятларини ўрганиш стратегиянинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Бунда корхонанинг у ёки бу жихатларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари кўриб чиқилади. Бунда қўйидаги учта асосий группалар мавжуд:

- 1) шахсий;
- 2) қарзга олинган;
- 3) келтирилган (жалб этилган).

Инвестицияларни молиялаштириш шахсий манбалари ўртасида энг асосий ўринда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан кейин қолган фойда туради, чунки унинг бир қисми инвестицион мақсадлар учун фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари шахсий манба сифатида амортизацион ажратмалардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг микдори корхона асосий фонди ва амортизация сиёсатига боғлиқ бўлади.

Қарзга олинадиган маблағлар ичida энг асосийси узоқ муддатли банк кредитларири. Инвестицион лизинг ва инвестицион селенг заём ресурсларни келтиришда перспектив формалардан биридир.

Инвестицияларни молиялаштириш келтирилган манбалари ўртасида акционер капитални ташкил этиш имконияти биринчи ўринда туради, чунки бундай манба корхона акционер жамияти формасидан фойдаланиш имконини беради.

Инвестицион ресурсларни дотациялаш стратегиясини ишлаб чиқишида қўйидаги асосий бешта инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усувларидан фойдаланилади.

Инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари тўзилмасини оптималлаштириш стратегиясини ишлаб чиқишининг сўнгги босқичи ҳисобланади.

Ички ва ташқи инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари ўртасидаги нисбатни аниқлашда уларнинг асосий жихатларини ҳисобга олиш лозим.

Ички молиялаштириш манбалари қўйидаги ижобий жихатлар билан характерланади:

- а) фойдаланиш тезлиги ва соддалиги;
- б) инвестицияланаётган капиталнинг фойдалилик бўйича юқори нормаси;
- в) улардан фойдаланишда тўлов қобилияти ва банкротлик рискини пасайиши;
- г) корхона ташкилотчиларида бошқарувнинг сакланиб колиши;

Шунинг билан бирга уларнинг қўйидаги камчиликлари мавжуд:

- а) фойдаланиш хажмининг чегаралангандиги;
- б) шахсий инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ташқи назорати чегаралангандиги.

Ташқи молиялаштириш манбалари ижобий жихатлари:

- а) улардан фойдаланиш юқори имкониятлари;
- б) инвестиция фаолияти самарадорлиги устидан юқори ташқи назорат мавжудлиги.

Шунинг билан бирга унинг камчиликлари:

- а) келтириш қийинчиликлари;
- б) келтиришнинг узоқ даврлилиги;
- в) мулк гарови ва гарантиялар зарурлиги;
- г) банкротлик риски юқорилиги;
- д) ссуда фоизини тўлаш натижасида инвестиция фаолиятидан келадиган фойданинг пасайиши;
- е) корхона фаолиятини бошқаришда қисман йуқотиш.

Ташқи ва ички молиялаштириш манбаларини нисбати оптималлаштириш бош мезонлари:

- 1) корхона юқори молиявий мустахкамлигини таъминлаш зарурати;
- 2) инвестиция фаолиятини фойдаси йифиндисини максималлаштириш.

6. 2. Капитал қиймати тушунчаси

Миллий иқтисодиёт даражасида ҳам, иқтисодий субъектлар даражасида ҳам янги инвестицияларни амалга ошириш учун пул маблағларини (пул капиталини) топиш зарурияти пайдо бўлади. Бу пул маблағлари инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиши билан инвестиция капитали шаклига эга бўлади.

Инвестиция капиталининг пул капиталидан туб фарқи шундан иборатки, лойиха таҳлили асосида бирон бир жараёнга, муайян муддатга, муайян мақсадда инвестиция капиталини боғлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Инвестиция капиталини сафарбар этилишида ва инвестиция лойихасини амалга ошириш давомида муқарар равишда аниқ ва ноаниқ (олдиндан

пайқашнинг иложи бўлмаган) рисклар юзага келади. Мамлакатимзда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида лойиҳавий таҳлил ва инвестиция капитали нархи ҳамда жалб қилиниш қийматини баҳолаш негизида инвестиция қарорларининг қабул қилиниши биринчи навбатда миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳисобга олиш керак. Чунки аксарият ҳолларда лойиҳаларнинг иқтисодий таҳлили инвестициялашнинг бўлажак натижаларини ишчи кучи бозори, мамлакат тўлов баланси, атроф-муҳит билан бевосита боғлиқлигини тўла акс эттира олмайди.

Микродаражада қабул қилинадиган инвестиция қарорлари, қоида тариқасида, нисбатан автоном (мухтор) бўлади. Бу қарорларнинг тегишлича молиявий натижали мақсадларига қараб табиати ва миқёси турлича бўлади. Бу натижа-оқибатлар олдиндан ҳисоблаб чиқилади, истиқболи белгиланади ҳамда лойиҳанинг танлов мезоли ҳисобланади. Молияловчи (инвестор) учун корхона фаолияти соҳасини танлаш ва унинг молия сиёсатига ўзгаришлар киритиш нуқтаи назаридан, макроиқтисодий циклининг барқарор, циклик ва ўсиб бораётгаи тармоқлардаги ишларнинг аҳволига таъсир даражаси тўғрисидаги ахборотларга эга бўлиш муҳим ҳисоб-ланади. Бундай ахборот қарорлар қабул қилиш ва компаниянинг инвестиция сиёсатини белгилаш учун ғоят муҳим ҳисобланади. Бунда шу инвестиция сиёсати орқали компания иқтисодий ривожланишнингузоқ муддатли тенденцияларини бошқалардан олдинроқ пайқаш ва уларга мослашиш имкониятларини рўёбга чиқаради. Бу шароитда маблағларни ишлаб чиқаришга банд қилиш, қимматли қоғозларга ва бошқаларга сафарбар этиш қуидаги ҳолларда мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

- маблағ қўйишдан олинадиган соф фойда уни банк депозитига қўйиш эвазига кўриладиган соф фойдадан юқорироқ бўлиши таъминланса;
- инвестициялар рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлиши кутилса;
- лойиҳа рентабеллиги, пулнинг вақтли қийматини ҳисобга олган ҳолда, муқобил лойиҳаларнинг рентабеллигидан юқори даражада бўлиши башоратланган бўлса;
- корхона активлари рентабеллиги лойиҳа амалга оширилганидан кейин кўтарилса (ёки, жуда бўлмаганда пасаймаса) ва ҳар қандай ҳолда ҳам жалб этилган маблағлар бўйича ўртача ҳисоб ставкадан юқори бўлса;
- ушбу лойиҳа корхонанинг бош стратегиясига мос бўлса ва ишлаб чиқаришнинг оқилона ассортимент тузилмасини шакллантиrsa, харажатларнинг қопланиш муддатлари таъминланса, қўйилмаларнинг молия манбалари мавжуд бўлса, барқарор, аммо кам ёки аксинча мўл, лекин муддати чўзиладиган тушумлар таъминланиши нуқтаи назаридан мос келса.

У ёки бу хўжалик юритувчи субъект учун энг муҳим, асосий мезонларни танлаш ғоят субъективдир. Миллий иқтисодиёт даражасида инвестиция капитали ушбу иқтисодиётнинг ўз жамғармаларидан ва ўзгаларнинг вақтинча бўш турган маблағларидан шаклланади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизми инвестиция капиталини икки манбадан топиши мумкин: иқтисодий субъектларнинг ўз жамғармалари ҳамда ўзга жамғармалардан. Иқтисодий субъектлар даражасидаги жамғармалар — бу тақсимланмаган фойда ва амортизация ажратмалари, ўзгалар жамғармаси эса — бошқа корхоналар, аҳоли, чет эллик инвесторлар ва бошқаларнинг вақтингчалик бўш турган пул маблағларидир.

Жалб қилинадиган маблағлар ёки заём тариқасида олинадиган инвестиция капитали қарз олувчиларга капитал бозори орқали келиб тушади. Бу бозорнинг ўзи эса пул бозори ва инвестиция фондлари (капитал) бозоридан ташкил топади.

Мамлакат ичида капитал бозорининг тўла шаклланмаганлиги инвестициялаш учун жалб қилинадиган молия ресурслари сифати ва ишончлилигини баҳолашда айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Маълумки, турли тузилмалардан жалб этиладиган ҳар хил манбаларнинг нархи, жалб этиш қиймати бир-бирадан фарқ қиласди. Масалан, хорижий инвестициялар билан чет эл кредит линияларини нарх ва қийматлари ўзгача, ички банк кредитлари ҳисоб ставкалари ҳам фарқланади, бюджетдан молиялаштириш эса ўзининг қийматига эга.

Инвестиция капитали бозорига тушадиган жамғармалар икки оқимни ҳосил қиласди. Биринчи оқим, кичикроқ бўлиб, воситачиларни четлаб ўтган ҳолда қарз олувчиларга етиб боради, иккинчи оқим эса дастлаб воситачиларга, сўнгра улар орқали қарз олувчиларга келиб тушади. Шундай қилиб, инвестиция фаолияти учун жалб этиладиган маблағларни инвестиция капитали бозорининг институционал тузилмаси орқали олиш мумкин бўлади. Бундай ҳолат бозор муносабатлари тўла ривожланган мамлакатларга хосдир. Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда эса, инвестиция бозорини институционал тузилмалари етарли ривожланмаганлиги учун молиялаштиришни бозор механизми кенг ишлатилмайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбай тарзидаги капитал, ўзининг микдоран чекланганлиги, танловчанлиги, сайланмалиги, кўчувчанлиги ва қалтислиги туфайли солиқ, валюта, савдо сиёсати ва фаолият мухитидаги бошқа элементларнинг ўзгаришларига қараб ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда ҳаракат қиласди. Инвестиция капитали жаҳон миқёсида камёб, чекланган ва уни у ёки бу хукумат қарори билан кўпайтириб бўлмайди. Ҳамма жойда инвестиция фаолиятига боғланадиган капиталга талаф катта. Жамғармалар инвестиция капиталининг ягона манбай ҳисобланади. Инвестиция капитали бозори жамғармаларни инвестицияларга ўтказиш билан шуғулланади ва бу вазифани ҳал қилишда асосий ўринда туради. Инвестиция капитали бозорининг яхши ривожланмаганлиги эса жамғармаларни инвестицияларга айлантиришда ғоят салбий таъсир кўрсатади.

Капитал қийматини баҳолашни қийинлаштирадиган сабаб шундаки, инвестицияларни молиялаштиришда турли тарзда шаклланган молиявий ресурслар иштирок этади. Масалан, инвестицияларни молиялаштиришнинг давлат механизмида бюджет маблағлари, акциядорлик капитали, тақсимланмаган фойда, амортизация фонди ва жалб этиладиган маблағлар сифатида чет эл кредит линиялари, чет эл инвестициялари, ички банк кредитлари ва бошқа бир қатор шакллардаги ресурслар иштирок этади. Янги қурилиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтиришни инвестицияларининг молиялаштирилишидаги

бозор механизмида ҳам турли молия ресурсларининг бир қатор тузилмасидан фойдаланилади.

Асосий капиталга боғланадиган инвестицияларни молиялаштириш манбалари тузилмаси нисбатан узоқ даврга сафарбар этилиш хусусиятига эга. Одатда, муайян лойиҳалар ва муайян муддатларга йўналтириладиган инвестициялар турли молиявий манбалар эвазига шаклланадиган мураккаб тузилмага эга бўлади. Улар турли узоқ муддатларга боғланадиган маблағларидан таркиб топади:

- жалб қилинган маблағлар (бюджет маблағлари, чет эл инвестициялари, халқаро молия институтларининг кредит линиялари, тижорат банклари кредитлари, маҳсус фонdlар маблағлари ва бошқалар);

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига тегишли маблағлар (амортизация, фойда, акциялар, облигациялар ва бошқалар).

Шу сабабли ҳар қандай инвесторнинг инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун сафарбар этадиган пул шаклидаги капитал қиймати камида икки омилга боғлиқ бўлган ўртacha тортилган микдордан иборат бўлади. Булар:

- капитал манбаларининг ҳар бирининг нархи, яъни уларнинг эгалари фойдаланиш ҳуқуқи учун талаб қиласидан даромаддорлик;

- молиялаштириш манбаларининг умумий йиғиндисида ҳар бир манбанинг ҳиссаси.

Инвестицияларни молиялаштиришга жалб этиладигап капитал қиймати баҳоланишида ресурслар қиймати нархи билан боғлиқ бутун бир молия менежменти муаммолари мажмууга рўбарў бўлишга тўғри келади. Инвестициялар бўйича қарор қабул қилинганда молиялаштиришни таъминлаш жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, бир томондан, жалб этиладиган манбалар нархи имкони борича арzonлашсин. Иккинчи томондан, муайян муддатга банд қилинадиган турли ресурсларни баҳолаш асосида манба тузилмаларини турли нисбати асосида капитал рентабеллигини максималлаштиришга қодир бўлган вариантларини баҳолаш имконини берсин. Бундай ёндашув инвестицияларни молиялаштиришнинг ҳам давлат ва ҳам бозор механизмларида мавжуд бўлмоғи керак. Инвестиция капитали ўзининг чекланганлиги, серҳаракатлиги ва таъсирчанлиги, нозиклиги ва сайланма бўлгани туфайли солиқ, валюта, божхона сиёсати хамда ўзи амал қиласидан муҳитдаги бошқа омиллар таъсирига жуда сезгир бўлади. Инвестиция капитали унинг турли манбаларидан ҳосил бўлишига биноан мураккаб тузилишга эга. Инвестициялар бўйича қарор қабул қи-линишида уларни молиялаштириш жараёнларини шундай ташкил қилиш керакки, бунда биринчидан уларнинг қийматини минималлаштириш, иккинчидан эса, сафарбар этиладиган капитални самаралилигини максималлаштиришга қодир манбалардан фойдаланиш йўларини баҳолаш керак бўлади. Бундай ёндашишдан инвестицияларни ҳам давлат, ҳам бозор воситалари ёрдамида молиялаштиришда фойдаланиш лозим бўлади.

Бунда пулнинг вактли қиймати, лойиҳаларнинг рисклилиги ва риск даражасининг маъқуллигига таяниш керак бўлади. Капитал қийматини баҳолаш, унинг танлов нархини (фойдаланиш қийматини) ёки унинг

ишлатишнинг муқобил қийматини ифодалайди. Бунда капитал қиймати ресурсларни турли манбалардан жалб этилиш баҳоларини ўртacha тортилган миқдори сифатида шаклланади. Инвестицияларнинг турларига қараб уларни баҳолашнинг турли усулларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда, соф дисконтланган даромад ва ички фойдалилик ставкаси кўрсаткичларига афзаллик берилади. Ўтиш иқтисодиёти модели учун эса фоиз ставкаси факат жамғаришга эмас, балки инвестицияларга ҳам таъсирини йўқотади. Бунда белгиловчи омил бўлиб инвестициялардан даромаднинг ўсиши ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳалари таҳлилидан келиб чиқиб, молия менежери қарор қабул қиласар экан, лойиҳанинг рисклилигини, пулнинг вақтли қийматини, мақбул рисклар даражасида, акциядорлар даромадлари ва мулкни кўпайтириш мақсадида, маблағлар қўйишни муқобил имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Инвестициялаш капитали қийматини баҳолаш, уни танлаш нархи ёки ундан фойдаланишнинг муқобил қийматини аниқлашдан иборатdir. Бунинг сабаби эса пул шаклидаги инвестиция капиталининг чекланганлиги ва унинг вақтли қиймати билан боғлиқлигидадир. Инвестиция капитали лойиҳаларнинг молиялаштиришга қаратилиши билан, бу маблағлардан бошқа фаолиятда фойдаланиш имкони йўқотилади. Шу сабабли, рисклар даражаси бир хил бўлган муқобил лойиҳалар бўйича маблағларни қўйиш юқорироқ даромад келтирсанга ўзини оқлаган ҳисобланади. Демак, инвестиция капитали қиймати капитал эгаларининг талабини қондириш учун зарур бўлган фойдадан иборатdir. Бу капиталнинг соф жорий қиймати эса инвесторлар қарз олувчига берадиган маблағларни худди шу фойда билан бирга қайтариши учун қолдиришга рози бўладиган маблағдан иборат бўлади.

Жаҳон амалиётида инвестицияларни молиялаштиришга йўналтириладиган капитал қийматини баҳолашда капиталнинг ўртacha тортиладиган ҳамда маржинал қийматларидан фойдаланилади.

Молиялаштиришда амалда бир қанча ресурслар манбалари қатнашиши муносабати билан инвестиция капитали (молия ресурслари) қиймати ўрта ҳисбдаги рентабеллик даражасини таъминлаш зарурати таъсирида шаклланади. Шу сабабли капиталнинг ўртacha тортилган қийматини инвестиция лойиҳаси берадиган, жами тоифадаги инвесторлар рисклари бир хил бўлган муқобил қўйилмалардан олиши мумкин бўлган даромадга teng миқдордаги даромадлилик даражаси сифатида белгилаш мумкин. Бу ҳолда инвестиция ресурсларининг ўртacha тортилган қиймати ҳар бир манба турининг талаб этиладиган рентабеллиги асосида, молиялаштириш манбаларининг ўртacha тортилган умумий суммасида улардан ҳар бирининг ҳиссаси бўйича ҳисобланган миқдор сифатида шаклланади.

Демак, инвестицияларни молиялаштиришнинг тегишли манбалари тузилмасида уларнинг ҳар бири даромадлиликнинг қониқарли даражасидан келиб чиқсан ҳолда инвестиция лойиҳасининг ўртacha тортилган даромадини шакллантиришда қатнашади. Агар инвестор инвестиция лойиҳасига қўйиш учун алоҳида-алоҳида жалб қилинган ҳар бир манбанинг нархидан қониқса, янги

инвестициялар учун шаклланган молиялаштириш тузилмасини сақлаб қолишига ҳаракат қиласи. Агар пул бозорида вазият ўзгариб, кредиторлар қарз маблағлар ҳақини оширадиган бўлсалар, шунга мувофиқ ҳолда капитал бозорида ҳам кутиладиган даромад даражаси кўтарилса, капиталнинг ўртacha тортилган қиймати инвестиция ресурсларининг ўртacha тортилган даромаддорлиги меъёри таъсирида ўзгаради. Бу ҳолда инвестиция капиталининг умумий қимматлашуви инвести-цияларнинг ўртacha тортилган зарурий даромадлилиги даражасини оширишга олиб келади. Бундай шароитларда капиталнинг маржинал қиймати янгидан сафарбар этадиган инвестициялар бўйича таъминланиши лозим бўлган ўртacha тортилгал даромад даражасидан иборат бўлади. Шундай қилиб, инвестиция ресурслари қиймати капиталнинг турли элементларининг нархларидан ўртacha тортилган миқдор тарзида шаклланади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестиция ресурсларининг алоҳида элементлари қийматини баҳолаш моделларидан фойдаланилади. Қарз маблағлар қиймати янгидан жалб қилинадиган кредитлар бўйича солиқларни ҳисоблаш амалиётини инобатга олган ҳолда ўзгаришлар киритилган самарали фоиз ставкага teng деган қарашлар ҳам бор. Чет эл амалиётида бўлажак дивидендлар оқимини дисконтлаш йўли билан имтиёзли, оддий акцияларни жойлаштириш ҳисобига жалб қилинадиган капитал қийматини аниқлашда турлича ёндашув вариантлари қўлланилади. Келажакда олинадиган дивидендлар ноаниқ бўлади ва уларни олдиндан аниқ айтиш қийин. Бу муаммони ҳал қилиш учун кутилган даромадлилик даражасини аниқлашнинг маҳсус усувлари ишлаб чиқилган. Улардан энг кенг қўлланиладиганлари:

- дивидендлар ўсиши модели;
- соф фойда бўйича даромадлилик модели.

Дивидендлар ўсиши модели йирик тўловларни келажакда тўлашни кейинга суриш, дивидендлар миқдори ўсишнинг тасодифий характеристидаги омилларни ҳисобга ололмайди ва шу сабабли бундай ҳолларда бошқа усувлардан фойдаланишга тўғри келади. У ёки бу усулдан фойдаланиш ахборотнинг мавжудлиги ва унинг ишончлилигига боғлиқ бўлади. Ривожланган фонд бозори шароитларида ва унинг ҳолати ҳақида тўлиқ аналитик ахборотлар очиқ бўлганда нисбий ўртacha қиймат дисперсияси асосида капитал активларга нарх белгилаш деб аталадиган усулдан фойдаланиш мумкин бўлади.

Қарз ресурслар қийматини баҳолаш билан бирга компаниянинг ўз капитал қиймати ҳам баҳоланади. Инвесторларга талаб қилинадиган даромадлилик миқдори аниқланар экан, айни пайтда компаниянинг банд қиладиган инвестициялари бўйича даромадлилиги даражасини ҳам аниқлашга тўғри келади. Ўз инвестиция капитали қийматини баҳолаш муаммоси билан дуч келинганда, шуни таъкидлаш лозимки, компания учун зарурий даромадлилик даражаси инвесторлар учун талаб қилинадиган даромадлилик даражаси билан бир хил бўлади. Бу даража инвестицияларнинг рақобат қилувчи вариантлари даромадлилиги даражасига боғлиқ ва

компаниянинг ўз лойиҳаларига қўйилмалари рискчанлиги билан фонд бозорининг муқобил товарлари ўтасидаги нисбатларга боғлиқ.

Ўз инвестиция капиталига талаб қилинадиган даромадлиликни баҳолашнинг энг оддий модели - *уни соф фойда бўйича даромадлилик* асосида аниқланадир. Бу моделдаги таянч нуқта солиқлар тўланганидан кейин компаниянинг жами фойдаси тақсимланганда акционер дивиденд кўринишида олиши мумкин бўлган даромад хисобланади. Бу моделда ҳам анча-мунча камчиликлар бор, хусусан ушбу модел ўтган даврда акциялар-нинг даромадлилиги даражаси тўғрисидаги ахборотга таянади.

Қарз — маблағлар, ўзига тегишли инвестиция капитали қийматларини баҳолаш билан бир қаторда, янгидан жалб қилинадиган капитал қийматни баҳолаш ҳам ўtkазилади. Янгидан жалб қилинадиган капитал, одатда, ўз қимматли қоғозларининг эмиссияси эвазига ва келажакда дивиденд миқдорини ошириш мақсадларида олиб қолинган даромадни реинвестициялаш ҳисобига хосил бўлади. Шу сабабли жалб қилинадиган қийматни баҳолаш янги акциядорлик капиталининг ҳисоб қиймати даромадлилиги даражасидан кам бўлмаган даражада амалга оширилади ва унга эмиссия харажатлари ҳам киритилади.

Инвестиция капиталининг ҳар бир элементи қийматини баҳолаш асосида улардан ҳар бирининг салмоғи ва ўрни, ундан кейин эса жами инвестицияланадиган капиталнинг ўртача тортилган қийматн аниқланади. Инвестицияланадиган капиталнинг умумий қиймати компания инвестицияларини келажакдаги жами пул тушумларининг дисконтланган жорий қиймаги билан аниқланади. Молия менежменти назариясига кўра инвестицияланадиган капитал шундай тарзда шаклланиши лозимки, капиталнинг ўсиши компания томонидан илгари эришган ўз капитали, қарз ва бошқа манбалари ўтасидаги мақбул тузилмани бузмаслиги зарур. Амалиётда эса маблағларни жалб қилишни мукаммал ташкил қилиш зарурати туфайли капитал манбаларининг мақбул мутаносиблиги доимо ўзгариб туради.

Шундай қилиб, *инвестиция капитали қийматини баҳолаш* жорий қийматни дисконтлаш усулини қўллашга асосланади, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларидан фойдаланилади ҳамда асосан, қимматли қоғозлар бозори орқали пул ресурсларини жалб қилишга қаратилади. Инвестиция ресурслари қийматини баҳолаш билан инвестициялаш субъектларининг инвестиция имкониятлари аниқланади ва уларнинг ўзгаришлари, қонуниятлари топилади.

Инвестицияларнинг ҳар хил турлари учун турлича баҳолаш усулларидан фойдаланиш лозим, бу эса ахборот таъминотининг турли даражада бўлишига боғлиқ. Дастребки реал инвестицияларни баҳолашда хусусий қарорлар, одатда, жўн усувлар билан қабул қилинади. Хусусий қарорларни қабул қилишда инвестиция ресурслари қийматини баҳолашнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин:

1. Статистик усувлар. Бу усувларда вақт омили ҳисобга олинмайди ёки тўлиқ даражада ҳисобга олинмайди. Буларнинг учта усувлари мавжуд:

- харажатларни таққослаш;
- фойдани таққослаш;
- рентабелликни таққослаш (инвестициялар билан боғлиқ рискларни акс эттирадиган харажатларнинг қопланиш усули).

2. Динамик усуллар. Бу усулларда тўловлар ва тушумларнинг вақт билан боғлиқлиги ҳисобга олинади. Бунда анча кечки тушум худди шунга тенг миқдордаги эртаги тушумга қараганда пастроқ қимматга эга, чунки бу вақт оралиғида эса тушган тушумдан фойдаланиш имконияти бўлади. Кечиккан тўловлар ҳам худди шу миқдордаги эрта тўловлардан нафлироқ бўлиши мумкин, чунки кечикирилган вақт давомида маблағлардан фоизлар олиш ёки уларнинг тўловларидан тежашда фойдаланиш мумкин бўлади. Динамик усуллар хусусий қарорлар қабул қилишнинг мезонлари тарзида қўлланилади. Бунда меъёр қарз капитал учун фоиз ставкасига ёки ўз капиталини бошқа соҳада банд қилишдан олинадиган муқобил даромадлилик меъёрига тенг бўлган калькуляциялаш фоиз ставкаси капитал қиймати ўлчови ҳисобланади.

3. Ўсган қиймат усули. Бу усул ўз капиталидан муқобил фойдаланишни назарда тутади. Бу баҳолаш усулида реал инвестицияларда ўсган сумма билан ўз капиталини муқобил ишлатишдан олинган сумма ўртасидаги айирма инвестицияларнинг соф ўсган қийматини кўрсатади. Бу қийматни капиталдан ушбу вариантда фойдаланишда уни муқобил тарзда банкка қўйиб олиниши мумкин бўлган даромадга қараганда қўшимча олинган даромад тарзида изоҳлаш мумкин. Инвестициялар қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган ҳолларда кредитлар бўйича фоиз ставкаси, одатда, қўйилмалар бўйича банк тўлайдиган фоиз ставкаларига қараганда юқори бўлади. Бундай ҳолда инвестициялардан воз кечиш ва шу йўл билан қарз капитал учун фоизлар тўлашдаги тежам (ютуқ) муқобил ҳисобланади. Шу муносабат билан ўз инвестиция капиталига бой берилган фоизлар ўрнига қарз капиталга тўловларни ҳисобга оладиган капитални муқобил боғлашни баҳолаш ўтказилади.

4. Дисконтлаш усули. Бу усул ҳозирги пайтгача ўтказилган барча тўловларни олдиндан белгиланган фоиз ставкаси билан мувофиқлиқда олиб қарайди ва тушумларнинг реал миқдорини акс эттиради. Дисконтлашнинг бу усули, шунингдек, инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бошида дисконтланган ўсган қийматни акс этиради. Баҳолаш соф дисконтланган даромад (NPV) кўрсаткичи бўйича ўтказилади. NPV қарзга молиялаштиришда лойиҳани амалга ошириш четдан жалб қилинган капитал бўйича қарзларни узишдан ташқари даромад ҳам олиш мумкинлигини кўрсатади. Ўз капитали ҳисобига молиялаштиришда NPV ушбу инвестиция варианти капитални худди шу фоиз ставкаси билан муқобил қўйишга қараганда фойдалироқ эканлигини акс эттиради (дисконтлаш коэффициенти шу фоиз ставкаси асосида ҳисоблаб чиқилади).

5. Аннуитет усули. Бу усул муайян йиллар давомида бир хил суммадаги тўловлар оқимини ўрганади. Бундай тўловлар оқимининг соф дисконтланган қиймати ушбу тўловлар оқимидағи ҳар бир элементни инвестицияларнинг бошланиши вақтига келтириш ва шу дисконтланган миқдорларни

күпайтириш йўли билан ҳисобланади. Айрим даврни дисконтлаш коэффициентлари йигиндиси дисконтланган аннуитетнинг коэффициентидан иборатdir. Аннуитет қийматини дисконтлаш коэффициентининг тескари катталиги капитални қайтариш коэффициентини ташкил қилади.

6. Ички фоиз ставкаси усули (ички даромадлилик меъёри ёки ички фойда меъёри ёхуд ички рентабеллик меъёри). Иқтисодий адабиётларда у ёки бу атамалар учрайди. Ички фоиз ставкаси ёки лойиханинг ички рентабеллиги (IRR) инвестицияларнинг соф дисконтланган қиймати нолга teng бўлган ҳолдаги калькуляция фоиз ставкаси (жалб қилишнинг фоиз ставкаси ёки ўз инвестиция капиталининг муқобил даромадлилиги меъёри)дан иборат. Бу усул калькуляция фоиз ставкасини ички рентабеллик билан қиёслашни назарда тутади. Агар ички рентабеллик калькуляция фоиз ставкасидан юқори бўлса, унда инвестициялар мақсадга мувофик бўлади деб топилади. Бу усулдан фойдаланиш бир қадар мураккаброқ, чунки уни ҳамиша ҳам ҳисоблаб чиқариб бўлмайди, айниқса соф пул оқими нотипик тузилмага эга бўлганда бу иш анча мураккаблашади.

7. Харажатларнинг қопланиши динамик усули статистик усулдан соф пул оқимларини дискошлашни назарда тутиши билан фарқ қиласди. Муаммо шундаки, қайси даврда тўпланган дисконтланган пул оқимлари дастлаб тўловларга teng ёки ундан ортиқ бўлишида. Қопланишнинг бу даври сўнгра турли тармоқлар, минтақалар ва бошқалардаги ҳар ҳил инвестиция рискларини акс эттирадиган қопланиш меъёри билан қиёсланади.

Инвестиция капитали қийматини баҳолаш ҳисоб-китобларида, қоида тарзида, муқобил усуллар танланади. Агар муайян фоиз ставкасида чекланмаган капитал суммаси ва инвестиция лойихаларининг бир-бирини инкор этмайдиган бир неча варианти мавжуд бўлса, унда ҳамма инвестициялар амалга оширилади. Мезонларни қўллашнинг мураккаблиги шундаки, инвестиция лойихалари бир-бирига мутлақо зид бўлиши мумкин, натижада инвестиция ресурслари чекланганлиги ва уларнинг нархлари турлича бўлганлиги сабабли танлаш зарурати келиб чиқади. Агар бир неча муқобил лойихаларни соф дисконтланган қиймати, дисконтланган қиймат меъёри (соф дисконтланган қиймат дастлабки дисконтланган тўловлар суммасига бўлинади), ички фоиз ставкаси ёки аннуитет микдорининг пасайиб бориши тартибida бир қаторга териладиган бўлса, кўп ҳолларда натижалар бир-бирига зид келади.

Баён этилган капитал қийматини баҳолаш усуллари охир оқибатда айрим камчиликларга эга. Уларни амалиётда қўллаш хоҳлаган ва кутилаётган иатижаларни ҳар доим ҳам беравермайди. Улар назарий жиҳатдан ҳам озми кўпми ҳисоб-китоб камчиликларига эгадир. Юқорида баён этилган усуллар ёрдамида якка тартибдаги инвестиция лойихаларига тааллуқли хусусий иқтисодий қарорларни асослаш мумкин. Лекин уларга таянган ҳолда комплекс тарзидаги инвестиция лойихалари бўйича умумиқтисодий қарорларни қабул қилиш мумкин эмас. Чунки бир қатор вазиятлар бунга йўл қўймайди. Хусусан, вақт жиҳатидан капиталлар ўзаро нисбатидаги ўзгаришлар банк қўйилмалари бўйича фоизлар ва кредитлар бўйича фоизларнинг бараварлашган ўртacha қийматини белгилашга имконият бермайди; лойихаларда ишлаб чиқаришнинг

биринчи йилларидаги солиқ имтиёзлари ҳисобга олинмаслиги мумкин; лойиҳанинг дастлабки босқичларида жадаллаштирилган амортизация ҳисобга олинмайди. Бу ҳолатлар факт түлиқ лойиҳа тахлили доирасидагина эътиборга олинади. Бу таҳлил доирасида калькуляция фоиз ставкаси (қарз воситаларни жалб қилиш ставкаси ёки ўз инвестиция капиталининг муқобил даромадлилик меъёри)ни ҳисоблаш зарурати йўқолади ва у ортиқча бўлиб қолади. Шу сабабли амалиётда лойиҳаларни танлаб олиш ва капитал қийматини баҳолаш тўғри қарорлар қабул қилиш имкониятини берадиган IRR, NPV каби бир неча мезонлар бўйича ўтказилади. Инвестициялар бўйича хусусий қарорларнинг мақбуллиги ёки яроқсизлигини аниқлашда IRR инвестор томонидан, инвестициялаш учун капитал жалб қилиш нархини ва ундан умид қилинадиган соф даромадни ҳисобга олган холда қўйилмаларнинг ўзи учун стандарт тарзда қабул қиласидиган қопланиш даражаси билан таққослади. Рентабелликлинг бу индекси тўсиқ коэффициенти (HR) деб аталади ва IRRни қиёслашда қўлланилади: агар $IRR > HR$ — лойиҳа мақбул ҳисобланади; агар аксинча бўлса — лойиҳа номақбул ҳисобланади; агар $IRR = HR$, бўлса ҳар қандай қарорни қабул қилиш мумкин бўлади.

Фонд бозори ҳали ривож топиб улгурмаган бозорга ўтиш шароитларида қимматли қофозларни жойлаштиришда муайян қийинчиликлар бўлади. Шу сабабли қарзга маблағлар жалб қилишга кредит учун юқори фоиз ставкаси тўлашга, қарзни узишда бажарилиши қийин бўлган шартларга кўнишишга тўғри келади. Муаммони янада чуқурлаштирадиган ҳолатлардан яна бири кўпгина лойиҳаларга чет эл инвестициялари, халқаро молия институтларининг кредит линиялари шаклида ташқи молиялаштириш манбалари жалб қилинади. Валюта курсларининг бекарорлиги шароитларида ташқаридан жалб қилинадиган инвестиция ресурслари қийматини баҳолашда қўшимча қийинчиликлар юзага келади. Бундай вазиятларда бўлажак инвестиция имкониятларини ва уларни молиялаштириш учун маблағлар топиш масалаларини пухта ўйлаб кўриш масаласини юзага келтиради.

Инвестиция ресурсларини муайян белгиланган мақсадларда ишлатиш уларни бошқа йўналишларда ишлатиш имкониятини йўққа чиқаради. Ресурсларнинг муқобил қиймати концепцияси капитал қийматини таҳлил қилиш ва баҳолашни ўтказишда асосий қурол ҳисобланади. Келгусида воқеаларнинг қандай бўлиши ва истиқболи белгиланадиган маълумотларнинг мавҳумийлиги лойиҳани амалга оширишда назарда тутиладиган якунларга турли рисклар ва ноаниқлик унсурларини киритади. Шу муносабат билан чет эл амалиётида лойиҳа таҳлилида инвестиция жараёни иштирокчилари (мулкдор, кредитор, давлат, хорижий шерик ва бошқалар)нинг манфаатларига нисбатан харажатлар ва натижаларни тавсифлайдиган кўр-саткичлар тизимидан фойдаланилади. Инвестициои қарорлар инвестицион лойиҳаиниг барча иштирокчилари манфаатларидан ҳамда назарда тутилган кўрсаткичлар тизими натижаларидан келиб чиқсан ҳолда қабул қилиниши талаб этилади.

Юқорида кўриб ўтилган соф дисконтланган даромад, ички фоиз ставкаси ва бошқа кўринишдаги мезонлар ва кўрсаткичлар тизимини лойиҳа ташкилотчиси нуқтаи назаридан қарзлар узилиб, солиқлар тўланганидан

кейин қоладиган соф пул оқимиға қўллаш мумкин. Мулк эгаси учун инвестициялашдаги юқори рискларга қарши кафолат лойиҳанинг ўзининг тўловга қобиллиги билан боғликлиги сабабли кредитор учун лойиҳанинг кредитга қобиллигини билиш муҳим вазифадир.

Лойиҳанинг юқори ички рентабеллиги ва юқори соф дисконтланган қиймати кредитга қобиллик индикатори бўлмб хизмат қилиши мумкин. Инвестиция муқобилликларини таққослашда ёки инвестиция лойиҳаларини тузишда соф дисконтланган қиймат меъёри кўрсаткичидан фойдаланиш тавсия қилинади. Бу кўрсаткич соф дисконтланган қийматни лойиҳага дастлабки сарфланган маблағларнинг ҳақиқий қийматига нисбати орқали топилади. Бу усулнинг жиддий камчилиги лойиҳаларнинг бир-бирини инкор этилиши ҳолларига эътаборни қаратмайди. Ушбу усулнинг энг катта камчилиги шундаки, дисконтланган қиймат меъёри энг юқори бўлган лойиҳаларни танлаб олиш ва қолганларини рад этишда нисбатан кичик, лекин юқори дисконтланган қиймат меъёрига эга бўлган лойиҳа амалга ошиб, йирик лойиҳаларнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилишига олиб келиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларининг умуниқтисодий таҳлили шундай шакллантирилиши керакки, бунда лойиҳанинг жами энг муҳим жиҳатлари изчил ва бир-биридан мустақил ишлаб чиқилишини таъминласин. Таҳлилдаги айрим қадамларни ягоналикка бирлаштирган ҳолда жами муҳим жиҳатлар таҳлил қилинганлигини текшириш мумкин. Таҳлилни айрим қадамларнинг тизимли қаторга бўлиб ташлаш харажатлар ва натижалар усулига қараганда лойиҳанинг кучли ва ожиз томонларини аниқ кўрсатади. Харажатлар ва натижалар таҳлили аксарият ҳолларда тасодифийлик ва ўзбошимчаликдан ҳоли бўлмаган ҳолда ўрганиш учун аниқ-равshan ва четдан осон назорат қилинади.

Инвестиция қарорларини қабул қилишда инвестиция капитали тузилмасини ва унинг муайян вақт мобайнида тақсимланишини, шунингдек бошка омилларни ҳисобга олишга тўғри келади. Баҳолаш учун илмий асосланган дисконтлаш коэффициентини тўғри танлаш эса жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилинار экан, инвестиция капиталининг тузилиши, муайян вақт мобайнида унинг тақсимланиши, шунингдек, пулнинг вақтли қийматини ҳисоблашга имкон берувчи дисконтлашнинг илмий асосланган коэффициентларидан фойдаланишни назарда тутиш керак. Капитал қийматини баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан фойдаланишда келажакда истиқболи белгиланаётган ва кутилаётган қийматнинг таҳминийлигини; истиқболи белгиланаётган маълумотларнинг ноаниқлигини; муайян мамлакатдаги инвестициялашнинг иқғисодий ва сиёсий рисклари ҳақидаги маълумотларни; илғор тенденциялар тўғрисидаги долзарб маълумотларни ахборот билан амалда таъминланишини; баъзи кўрсаткичларни таҳминан баҳоланишининг оқибатларини; таҳмин этилаётган рисклар, уларнинг юзага келиш эҳтимоли, пасайиши ва бошқаларни ҳисобга олиш лозим.

Мамлакат ичкарисидаги йирик инвестициялар, чет эллик ҳамкорлар иштирокидаги қўшма корхоналар, БЧИларни жалб қилиш шаклидаги ва бошқалар иштирокидаги инвестиция дастурларига баҳо берилганда инвестиция капитали қийматини баҳолашнинг дисконтланган кўрсаткичларининг яхлит тизимидан фойдаланиш керак.

Булар билан биргаликда харажатлар ва натижалар таҳлили (Cost-Benefit Analysis) негизида умумиктисодий самарадорликни баҳолашни ҳам амалга ошириш зарур бўлади. Уни ҳисоблаш чет эл инвестицияларини жалб этишдаги қўшимча, лекин зарурий шарт ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида инвестиция ресурслари қийматини баҳолаш пайтидаги ҳисоб-китобларда банк фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси, валюта курслари, солиқ имтиёзлари, шунингдек, жадаллаштирилган амортизациядан фойдаланишни назарда тутиш лозим.

6.3. Капиталнинг айрим элементлари қиймати

Инвестицияларни баҳолаш усуллари инвестициялар натижалари ва ҳамма пул харажатларини таккослашга асосланган. Бунинг учун эса инвестицияланаётган воситалар реал қийматини ёки капитал қийматини тўғри аниқлаш лозимdir. Капитал ўзининг мураккаб структурага эгалиги бу масалани амалга оширишни қийинлаштиради. Капитал структураси турли узоқ муддатли воситалар манбаларидан ташкил топади: заём воситалар, оддий акциялар, имтиёзли акциялар ва бошқа молиявий воситалар. Капитал қўйилмалар бўйича келаётган даромад альтернатив лойиҳалар бўйича келиши мумкин бўлган даромаддан катта бўлсагина, у ўзини оқлаган бўлади. Шунинг учун капитал қиймати деганда капитал эгаларини қониқтирадиган фойда тушунилади, соф жорий капитал қиймати эса инвестор қарз олувчига берадиган пул йиғиндисидан иборат.

Кўпгина холларда капитални турли манбалардан жалб этиш тўғри келганлиги учун, одатда капитал қиймати даромадлилик ўртacha даражасини таъминлаш зарурати таъсирида ташкил топади. Капиталнинг ўртacha қийматини инвестиция лойиҳасидан келадиган даромадлилик даражаси сифатида аниқлаш мумкин.

Ундан ташқари шуни таъкидлаш лозимки, капитал қийматини аниқлагандан маржинал даромад ва маржинал харажатларни таққослаш зарур. *Капиталнинг маржинал қиймати* деганда инвестициядан келадиган даромаднинг умумий йиғиндисидаги ўзгаришларни (янги инвестицияларни ҳисобга олган ҳолда) инвестициялар учун зарур капитал йиғиндиси нисбатига айтилади.

Шундай килиб, инвестиция ресурслари қиймати капитал элементлари нархларининг ўртacha микдори сифатида ташкил топади.

Инвестицияларни амалга ошираётган корхона қарз воситалари қиймати янги жалб этилган кредитлар бўйича эффектив фоиз ставкасига teng бўлади.

Имтиёзли акциялар ёрдамида ташкил топаётган капитал қиймати битта имтиёзли акциядан келадиган йиллик дивидендни битта имтиёзли акция нархига нисбатига teng бўлади.

Инвестор учун оддий акция қиймати келажакдаги дивидендлар дисконт миқдори сифатида аниқланади. Кўпгина холларда келажакдаги дивидендларни аниқ ҳисоблаш қийин, шунинг учун зарур даромадлилик даражасини аниқлаш учун маҳсус дивидендларнинг ўсиш модели, соф фойда бўйича даромадлилик моделлари ишлаб чиқилган.

Дивидендларнинг ўсиш моделида хар бир вақт оралиғида пул тушумларининг бир хил темпда ўсиши тахмин қилинади. Ушбу модел асосида икки маълум катталиқ ётади: бозорда ташкил топган акция нархи ва ўтган вақт мобайнида тўланган дивидендлар миқдори. Шунинг учун прогноз килинаётган катталиқ сифатида дивидендларнинг ўсиш темпи келиб чиқади.

Соф фойда бўйича даромадлилик моделида солиқ тўлашдан кейин коладиган корхона фойдасини дивидендлар сифатида тақсимланадиган фойда асос килиб олинади.

Мавжуд капитал қиймати. Инвесторлар учун лозим бўладиган даромадлилик миқдорини аниқлагандан сўнг корхона ўзи ва инвесторлар фойдасини таъминлай оладиган даромадлилик даражасини баҳолаши лозим.

Янги жалб этилаётган капитал қиймати. Агар корхона учун шахсий капитал етарли бўлмаса, у ташқи манбалардан ўзининг қимматли қоғозлари эмиссияси ҳисобига капитални жалб қилиши мумкин. Фақат шуни назарда тутиш керакки, эмиссия лойиҳасининг даромадлилик даражаси мавжуд капиталга қараганда анча юқори бўлиши керак.

Хозирги замон иқтисодиётида инвестиция лойиҳаларининг асосини қимматли қоғозларни сотиш орқали капитални жалб этиш ҳисобланади. Аммо бундай манбадан пул ресурсларини олиш автоматик жараён эмаслигини ҳисобга олганда, бу ерда ўзилишлар пайдо бўлиши мумкин.

Молиялаштиришни ташкил этишда лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган инвестицияларни тўғри таксимлашга асосий эътиборни қаратиш керак. Инвестицияларни таксимлаш маълум вақт давомида ишларни амалга ошириш графиги асосида бажарилади.

Ишлаб чиқариш қувватларини яратишга қаратилган реал активларини инвестициялаш лойиҳасида молиялаштириш қўйидаги масалалар йиғиндисидан ташкил топади:

- лойиҳавий ишлар;
- майдонни тайёрлаш;
- бино ва иншоотларни қуриш;
- персонални ўқитиш, ускуналарни сотиб олиш ва монтажлаш;
- хом-ашё ва материалларни сотиб олиш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш.

Мана шу база асосида капиталга бўлган талаб ва лойиҳани амалга ошириш графиги аниқланади. Бунда айланма капиталга бўлган талаб ишлаб чиқаришни норматив асосида керакли нарсалар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Амалга оширилган ишларнинг натижаси ойлар бўйича

капиталга бўлган талабни акс эттирадиган жадвал ҳисобланади. Капиталга бўлган талабнинг таъминланиши хар бир манба бўйича кўрсатилади: шахсий воситалар (амортизация ва инвестицияланаётган фойда), акциялар, кредит.

Инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишида ташқи ёки ички молия манбаларининг қайси биридан фойдаланиши корхона учун рационал бўлишини ҳисобга олиш лозим. Шахсий капитални устириш манбалари сифатида акциялар, қарз мажбуриятлари, конвертация қилинадиган облигациялар бўлиши мумкин. Ташқи қарз капитални жалб этиш манбаларидан фойдаланилганда акционер капитални кенгайтириш заёмлар, облигацияларни чиқариши мумкин.

Хулоса

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш турли усуллар билан амалга оширилади: акциядорлик инвестициялаш; бюджетдан инвестициялаш; лизинг; қарз мажбуриятлари ҳисобидан банклар кредитлари, юридик ҳамда жисмоний шахслар мажбуриятлари эвазига молиялаштириш; ипотека (кўчмас мулкни гаровга қўйиш) асосида олиб борилади. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда соф дисконтланган даромад, даромаддорлик индекси, ички даромаддорлик меъёри, харажатларнинг қопланиш муддати кўрсаткичларидан фойдаланиш талаб этилади. Бунда жаҳон амалиётида қулланиладиган стандарт услубиёт кўрсаткичларидан, уларли ҳисоблаш усулларидал ҳамда уларни таққослаш услубидан фойдаланиш лозим. Ўзбекистон шароитида инвестиция ресурслари қийматини баҳолаш пайтидаги ҳисоб-китобларда банк фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси, валюта курслари, солиқ имтиёзлари, шунингдек, жадаллаштирилган амортизациядан фойдаланишни назарда тутиш лозим.

Таянч иборалар: инвестицион ресурслар қиймати, инвестицион ресурсларга бўлган умумий эҳтиёжни прогнозлаш усуллари, ички ва ташқи молиялаштириш манбалари, уларнинг ижобий жихатлари ва камчиликлари, молиявий леверидж эффиқти, капитал қиймати, қарзга олинган ресурслар қиймати.

Назорат саволлари

1. Инвестицион ресурсларни ташкил этиш турли стратегик йуналишларини аниқланг?
2. Инвестицион ресурсларга бўлган умумий талабни прогнозлаш усуллари қайсилар?
3. Инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари турлари қайсилар?
4. Инвестиция лойиҳаларини замонавий молиялаштириш усулларини аниқланг?
5. Инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари қайсилар?
6. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда соф дисконтланган даромад усули моҳиятини тушунтириб беринг?
7. Инвестиция қарорларини қабул қилишда қандай омилларни ҳисобга олишга тўғри келади?

8. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш қандай усуллар билан амалга оширилади?

9. Ишлаб турган корхонани харид қиймати қайси усуллар билан аниқланади?

10. Хусусий қарорларни қабул қилишда инвестиция ресурслари қийматини баҳолашнинг қайси усулларидан фойдаланиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар

1.Чернов В.А. Инвестиционная стратегия.М., “ЮНИТИ ДАНА”,2003.

2. Ложникова А.В. Инвестиционные механизмы в реальной экономике.- М.: МЗ-Пресс, 2001.

3. Мелкумов Я.С. Экономическая сценка эффективности инвестиции и финансирование инвестиционных проектов.- М.: ДИС, 1997.

4. Ендовицкий Д.А. Инвестиционный анализ в реальном секторе экономики: Учеб. пос./ Под ред. Проф. Л.Т. Гиляровской.-М.: Финан. и статис., 2003.

5. Артемова Л.В., Бор М.З. и др. Инвестиции и инновации.: Словарь-справочник от А до Я.- М.: «ДиС», 1998.

6. Крушвиц Л., Ковалева В.В. Инвестиционные расчеты: Учебник для вузов/ Пер. с нем. Под ред. В.В. Ковалева и З.А. Сабова.- СПб., М., Х.: Питер, 2001.

7. БОБ . ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ РИСК ВА ИШОНЧЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

7.1. Инвестицион рисклар ва уларнинг таснифи

7.2. Инвестицион рискларни баҳолаш усуллари

7.3. Инвестиция фаолиятида иқтисодий хавфсизлик масалалари

7.1. Инвестицион рисклар ва уларнинг таснифи

Инвестиция фаолиятининг ҳамма шакл ва турлари рисклар билан чамбарчас боғлиқ, айникса иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш вақтида унинг даражаси янада ортади. Риск ёки риск даражасининг ортиши усуб бораётган ноаниқлик, иқтисодий шароитларнинг тез ўзгариши каби холлар билан боғлиқ.

Инвестицион риск деганда инвестиция фаолиятининг ноаниқлик шароитида кўзда тутилмаган молиявий йуқотишлар (фойданинг пасайиши, капитал йуқотишлар ва шунга ўхшаш) пайдо булиш эҳтимолига айтилади.

Инвестицион рисклар турлари кўп, шунинг учун уларни қўйидаги асосий белгилари бўйича класификация қилиш мумкин:

1. *Намоён булиши соҳалари бўйича қўйидаги риск турларини ажратиш мумкин:*

- а) иқтисодий риск иқтисодий омиллар ўзгариши билан боғлиқ. Инвестиция фаолияти иқтисодий соҳаларда амалга оширилганлиги учун, иқтисодий рисклар даражаси юқори бўлади;
- б) сиёсий рисклар давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсий йуналишнинг ўзгариши ва инвестиция фаолияти олдида пайдо булаётган маъмурий чеклашлар билан боғлиқ;
- в) ижтимоий рисклар инвестиция килинаётган корхона ишчилари фаолияти билан боғлиқ;
- г) экологик рисклар экологик фалокат ва оғатларнинг инвестиция фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ;
- д) бошқа турдаги рисклар (уғрилик, рэкет, инвестиция шериклари ўртасидаги ёлғон ва хоказо).

2. *Инвестициялаши формалари бўйича қўйидаги рисклар мавжуд:*

- а) реал инвестициялар риски қурилаётган объектнинг нотўғри жойлашуви билан, қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бера олмаслик билан, инвестиция товарлари нархининг ошиши билан, малакасиз пудратчи ва бошқа омиллар билан боғлиқ;
- б) молиявий инвестициялаш билан боғлиқ рисклар инвестициялаш учун танланган молиявий воситаларнинг самарасизлиги, эмитентларнинг молиявий қийинчиликлари ва банкротлиги, инвестициялаш шартларининг ўзгариши каби омиллар билан боғлиқ.

3. *Пайдо булиши манбалари бўйича қўйидаги иккита асосий инвестицион риск турлари мавжуд:*

- a) систематик, мунтазам (ёки бозор) риск инвестиция фаолияти катнашчилари ва барча инвестициялаш турлари учун вужудга келиши мумкин. У мамлакат ривожланишининг иқтисодий цикл босқичлари алмашиши, инвестицион бозор конъюнктураси ўзгариши, инвестициялаш соҳасида солиқ қонунчилиги ўзгариши ва бошқа шу каби инвестор таъсир кўрсата олмайдиган омиллар билан боғлиқ;
- б) специфик риск аниқ инвестициялаш объектига ёки аниқ инвестор фаолиятига тегишли. У инвестициялаш объект – корхона малакасиз бошқаруви, инвестиция бозорининг сегментида ракобатнинг кучайиши, инвестицияланадиган ресурсларнинг норационал ишлатилиши билан боғлиқ.

Инвестицион рискларнинг мунтазам ва специфик турларга бўлиниши самарали инвестиция лойиҳасини ташкил қилиш назариясининг асосий шартшароити ҳисобланади.

Инвестиция ҳақидаги лойиҳа танланар ва улар бўйича қарор қабул қилинар экан, доимо содир бўлиши мумкин бўлган рисклар ҳамда бўлажак инвестициялар даромадлилиги аниқланади, таҳлил қилинади, баҳоланади ва ҳисобга олинади. Рискларни камайтириш тадбирлари кўрилади, уларга самарали таъсир кўрсатиш усувлари танланади, мониторинг воситасида назарда тутилган рискларни камайтириш йўллари белгиланади. Шуни назарда тутиш лозимки, фойдаланиш имконияти бўлган пул маблағлари турли манбалардан бирон-бир натижага эришиш йўлида турлича инвестицияланади.

Инвестицияларни молиялаштириш усувлари аниқ ва аниқ бўлмаган рисклар таркиби ва мажмуи билан фарқ қиласи. Улардан маҳорат билан фойдаланиш рискларни инвестиция ресурслари эгалари ўртасида диверсификациялашга имконият яратади.

Инвестициялар муайян маънода пулдан фойдаланиш усули, уларнинг фойда келтириш қобилиятини аниқлаш, шулар билан бирга инвестицияланиши рисклар билан боғлиқ манбаларга йўл очиқлигини тадқиқ этишдир. Кўрсатиб ўтилган нуқтаи назарлардан пулнинг даромад келтириш қобилияти уларнинг тушумлари манбалари ва уларни қўллаш йўналишлари билан боғлиқ. Инвестициялар қийматининг нақадар самара келтириш йўналишларини аниқлаш асосида улар манбаларининг ишончлилигини танлаб олиш, инвестициялаш билан боғлиқ аниқ ва ноаниқ рискларни ўлчаш билан боғлиқдир. Капиталнинг даромадлар келтириш имконияти улар келадиган манбалар ва улар ишлатиладиган йўналишлар билан боғлиқдир.

Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади. Ана шу белгиларга кўра, инвестициялар бошқа қўйилмалардан мазмунан фарқ қиласи. Булар барчасининг асосида капиталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади. Капиталнинг эса ҳаракат қилиш жараёнига жалб этилиши инвестицияларнинг

моҳиятини акс эттиради. Инвестициялаш жорий қийматни сақлаш, келгуси жамғармаларини таъминлаш мақсадида капиталлашувга қаратилади.

Глобаллашув, жаҳон бозорларида кескин рақобат ва омон қолиш учун кураш, чет эл капитали ва ишлаб чиқаришнинг кўчиши, халқаро рақобатнинг пайдо бўлиши ва миллатларо корпорацияларининг пайдо бўлиши табиий ва қайтмас жараёндир.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан, чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, фойдаланиш, уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлса, иқтисодий нуқтаи назардан, юқоридагилар билан бирга жуда кўп қўшимча аниқ ва аниқ бўлмаган рисклар билан боғлиқлиги аниқдир. Халқаро инвестиция муносабатлар йўлга қўйилиши учун ўз инвестицияларини қўйиш мумкин бўлган айrim мамлакатлар, корпорациялар, молия ва кредит институтлари, якка инвесторларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш зарур. Инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни барпо этишда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий фазифаси — уларнинг мақбул нисбатларини мувофиқлаштириш, ҳаммасига teng ҳуқуқий шароитлар ва ҳаётда амалга ошириш учун кафолатлар яратиб беришдан иборат. Бундаҳар бир ҳолда чет эл инвестициларини якка тартибда қабул қилиш, кафолатлар ва солиққа тортиш шартларини келишиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ғарб мамлакатларида солиқ имтиёзлари биринчи навбатда инвестицияларни ва илмий-техника фаолиятни, шунингдек, айrim тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришни рағбатлантириш учун жорий қилинади. Бутун мамлакат миқёсида, минтақа доирасида ва алоҳида фаолият соҳаларида инвестиция, илмий-техника фаолияти ва тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари энг барқарор ҳисобланади. Солиқ имтиёзлари, солиқ кредити (фойда солиғидан чегирма кўринишида); фойданинг солиққа тортиладиган суммасини камайтиришдан ташлама; солиқдан бутунлай озод қилиш ёки пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш; жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш шаклларида берилади.

Республиканинг солиққа тортиш тизимида хали имтиёзлар, ставкалар, солиққа тортиш обьектларида барқарорлик йўқ, асосий капиталнинг шакллантиришда К,ҚСни ҳисоблаш муаммолари мавжуд. Бу тизимда инвестицион солиқкредитининг турли шаклларидан фойдаланиш механизmlари яхши йўлга қўйилмаган. Республикада амалда бўлган амортизацияни ҳисоблаш механизми ишлаб чиқаришни техника билан қайта жихозлаш харажатларини рағбатлантирмайди, жадаллашган амортизацияга йўл бермайди, ишлаб чиқаришга инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирлар доирасини торайтиради.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришга инвестицияларни рағбатлантириш учун тадбиркорлик тузилмаларига жадаллашган амортизация усусларини қўллашда тўла эркинлик бериш талаб этилади. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш учун, бизнинг назаримизда, инвестиция бўйича солиқ кредитларининг турли шаклларидан кенгрок фойдаланишни йўлга қўйиши зарур. Энг муҳими — бозорга ўтиш босқичида инвестиция фаоллилигини

тартибга солиш хорижий шериклар ва миллий иқтисодиёт субъектларини ҳамкорлик манфаатлар ва лойихаларини амалга оширишга хизмат қилиши лозим.

Солиқларни тартибга солувчилик функциясидан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ўзидағи чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш мақсадда мувофиқдир. Инвестициялар бүйича солиқ кредитлари воситасида иқтисодиётнинг реал секторида нодавлат тузилмаларининг инвестиция фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш зарурдир.

Республикада амалда бўлган солиқ рағбатларини тўрт турга бўлиш мумкин: солиқ тўлашдан вақтинчалик озод қилиш; солиқ ставкасини камайтириш; солиққа тортиладиган базани торайтириш; солиқ мажбуриятини бажаришни кечикитириш (солиқ кредити). Қайд қилинган рағбатлар у ёки бу даражада чет эл инвестициялари иштирокидаги кенг доирадаги корхоналар учун тадбиқ этилади.

Лекин ҳозир амалда бўлган солиқ имтиёзлари турлари халқаро солиқ протекционизми (ҳомийлиги) тажрибаларини етарли даражада ҳисобга олмайди. Масалан, ИТТКИ ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш соҳасидаги инвестиция фаолияти солиқ кредитлари воситасида рағбатлантирилмайди. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш инвестицияларини кенгайтиришга, истеъмол инвестицияларини камайтиришга, хусусий сектор инвестицияларини жалб қилишга йўналтирилган имтиёзлар ва преференциялар доирасини кенгайтиришга тўғри келади. Умуман олганда солиқ имтиёзлари ва стимуллари капитал жамғарилишини рағбатлантириши ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олиши лозим. Ставкалар миқдорини пасайтириш, солиқ имтиёзлари ва кредитлари, тўловларини кечикитиришдан кенгроқ фойдаланиш, ҚҚС кўп маротаба ундиришни бартараф этиш керак. Солиққа тортиладиган фойдани камайтиришнинг реал механизми "икки томонлама камайиб борувчи қолдик" кўринишидаги жадаллашган амортизация усулини жорий қилиш ва ҳар бир аниқ ҳолатда хорижий инвесторларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чора-тадбиларини таъминлашдан иборат. Мамлакат қонунчилигидаги жадаллашган амортизацияни қўлашга ҳар қандай монеликни бартараф қилиш лозим²⁴.

Иқтисодиётларнинг глобаллашуви, байналминаллашуви ва бир-бирига кириб бориши, чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш ҳаётий заруратга айланиб бораётган ҳозирги шароитларда, инвестиция фаолиятини тартибга солиш, инвестиция капиталини бизнинг мамлакатимизга экспорт қиласидаган мамлакатларнинг амалдаги қонунларини, инвестиция муҳитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш талаб этилади. Ўз-ўзидан аёнки, ўз капиталини бизнинг иқтисодиётимиз билан боғлашга қарор

²⁴ Д.Ф. Фозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия нашриёти», 2003, 245 б.

қилган чет эллик инвесторларнинг потенциал, кўшимча рискларини ҳар томонлама баҳолаш талаб этилади.

7. 2. Инвестицион рискларни баҳолаш усуллари

Инвестицион рисклар кўзда тутилмаган молиявий йуқотишлар пайдо бўлиш эҳтимоли билан характерланганини учун, унинг даражасини баҳолашда инвестициялашдан кўзда тутилаётган даромаднинг ўртacha ёки ҳисоб миқдоридан четланиши аниқланади. Шунинг учун инвестицион рискларни баҳолаш кўзда тутилаётган даромадлар ва уларни йуқотиш эҳтимолини баҳолаш билан боғлиқ.

Инвестиция фаолиятида молиявий йуқотишларни баҳолаш жараёнида уларнинг абсолют ва нисбий кўрсатгичларидан фойдаланилади.

Инвестицион риск билан боғлиқ молиявий йуқотишларнинг абсолют миқдори инвестор учун нокулай шароитлар келтириб чикараган йуқотишлар йифиндисига teng. Молиявий йуқотишлар нисбий миқдори заарлар йифиндисининг асос килиб олинган кўрсатгич (кўзда тутилаётган инвестиция фойдаси, инвестициялангаётган капитал йифиндиси) нисбатига teng.

Рисклар хар бир инвестиция лойиҳаси бўйича турли усуллар ёрдамида ҳисобланади:

Ўртacha квадратик четланиши инвестицион рисклар даражасини баҳолашнинг кенг таркалган кўрсатгичи бўлиб, турли инвестициялардан кўзда тутилаётган даромаднинг тебранишини ҳисобга олишга имкон беради.

Вариация коэффициенти инвестиция лойиҳалари бўйича рисклар даражасини таккослашда ўртacha кутилаётган даромад кўрсатгичлари бир бири билан фарқ қилиши ва уларнинг орасидан вариация коэффициенти пастини танлаш кераклигини кўрсатади.

R – коэффициент (бета-коэффициент) бутун инвестицион бозор рисклар даражасига нисбатан индивидуал инвестиция лойиҳаси рискини баҳолаш имконини беради. Бу кўрсатгич асосан айрим қимматли қоғозларга инвестициялаш рискини таҳлил қилиш учун ишлатилади.

Рискларни баҳолаш эксперт усули юқорида келтирилган кўрсатгичлар хакида инвесторда керакли маълумот йўқлиги ёки етишмаслиги сабабли амалга оширилади. Бундай усул малакали мутахассислар ўртасида сурвнома ўтказиш ва натижаларни математик ишлаш асосида амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳалар бўйича рискларни баҳолаш натижалари уларни миқдор жиҳатдан баҳолаш имконини беради. Бунинг учун қўйидаги баҳолаш мезонлари ишлатилади:

1. *Рисксиз инвестициялар.* Чет эл тажрибасида уларга давлат облигациялари киради.

2. *Риск даражали инвестициялар.* Риск даражали инвестициялар мезони сифатида кўриб чиқилаётган инвестиция лойиҳа бўйича ҳисобланган соғ фойдани йуқотиш эҳтимоли кўрсатиш мумкин.

3. *Мураккаб даражали инвестициялар.* Мураккаб даражали инвестициялар мезони сифатида кўриб чиқилаётган инвестиция лойиҳаси бўйича нафақат фойдани, балки ҳисобланган ялпи даромад йифиндисини ҳам йуқотиш назарда тутилади.

4. Катастрофик даражали инвестициялар. Ушбу инвестициялар риски мезони сифатида инвесторнинг банкротлик натижасида активларни йуқотиш эҳтимоли келтирилади.

Мутахассисларнинг баҳолаши бўйича инвестициялашда молиявий йуқотишлар риски эҳтимоли қўйидагича:

- риск даражали инвестициялар учун - 0,1;
- мураккаб даражали инвестициялар учун – 0,01;
- катастрофик даражали инвестициялар учун – 0,001.

7.3. Инвестиция фаолиятида иқтисодий хавфсизлик масалалари

Бугунги кунда инвестицион жараёнга жалб этилган мутахассислар ва турли ташкилотлар шу нарсани ҳам назарда тутишлари лозимки, жаҳондаги инвестиция оқимлари, жумладан хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар оқими, биринчи навбатда самарали, тезкор ривожланиш йўлидаги ва бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларга йўналган бўлади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсишнинг янги стратегияси доирасида миллий иқтисодиётни эркинлаштириш амалга оширалаётган бир даврда чет эл инвесторларига берилаётган мавжуд имтиёзларни мос равишда қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириб туриш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, давлатнинг муҳим вазифасига кирадиган ва муҳим муаммо ҳисобланган - инвестиция фаолияти жараёнида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга катта эътибор қаратиш лозимдир. Бу муаммолар таркиби қўйидаги ички ва ташқи шарт-шароитлар билан боғлик жараёнларга мувофиқ ўзгариб туради. Ҳозирги кундаги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий вазияти унинг геополитик жойлашишига ҳам боғлиқ. «Иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси жамият замонавий ҳаётига бутунлай кириб келди ва кўплаб давлатларнинг ички ва ташқи сийматининг ажralmas қисмига айланди.

Бундай шароитда миллий ва давлат манфаатларимиз республикамиз мақсадларининг муҳим компонентлари бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчидан, давлат мустақил ривожланишини доимий ва ишончли таъминлаш;

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро мавқеининг ривожланишини, унинг жаҳон меҳнат тақсимотидаги, ишлаб чиқариш кооперациясидаги, жаҳон савдосидага халқаро молия ва банклар тизимидағи, стратегик муҳим капитал оқимларидағи, хизматларидаги ва товарлар бозоридаги тутган ўрнини аниқ белгилаб олиш;

Учинчидан, мамлакатнинг ўз-ўзини саклаши, химоя қилиш ва ривожлантиришидан иборат.

Бугунги кунда хавфсизлик кўпгина иқтисодий шарт-шароитларни талаб қиласи, жумладан:

-ривожланган истеъмол бозорини ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини яратиш;

- ички ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва ислоҳотларнинг ишончли ижтимоий асосини яратиш;

-иқтисодиёт билан мутаносиблашган етарли мудофаа салоҳияти ва бошқаларни таъминлай билиш.

Иқтисодий хавфсизликнинг зарурий компонентларидан бири-барқарор иқтисодий ўсишдир. Агар иқтисодиёт ривожланмаётган бўлса, унинг яшовчанлик қобилияти пасаяди, ички ва ташқи хавф-рискларга қаршилиги ва уларга мослашуви имкониятлари камайиб боради. *Барқарорлик ва хавфсизлик иқтисодиётнинг ягона тизими каби муҳим хусусиятларидан биридир.*

Шунинг учун миллий такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсишга таъсир: кўрсатадиган диспропорциялари миллий иқтисодий хавфсизликка ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Шундай килиб, иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятини ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ривожланиш ва миллий манбаатларни кафолатли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳолати сифатида қарааш зарур.

Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари орасида жаҳон хўжалигига интеграциялашув ва иқтисодий ўсиш алоҳида ажратиб кўрсатилади. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг республикамизда қўшма корхоналар экспорти ҳажмининг ошиш суръатлари хозирча - бир қанча суст, улуши умумий экспорт ҳажмининг 13-14% дан ошиқроғини ташкил этмоқда. Кўшма корхоналар импортининг умумий импорт ҳажмидаги улуши эса 30% дан кўпроқни ташкил этади.

Иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан бундай пропорция унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки мавжуд импорт ҳажми улушкининг экспорт ҳажми улушкидан деярли уч марта кўплиги умумий молиявий мувозанатни бузилишига ҳамда иқтисодий хавфсизликка тўғридан-тўғри рахна солишига олиб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бу жараёнга экспортни ривожлантириш хисобига инвестицион жараёнлари самарадорлигини ошириш зарур. Бу эса миллий иқтисодиётдаги чет эл капитали экспорт-импорт операциялари бўйича мувофиқлашган бўлиши иқтисодиётимиз мақсадларига мувофиқ келишидан далолат беради. Бунга нафақат протекционистик чеклаш услублари орқали балки, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш лойиҳаларининг объектив экспертизадан ўтқазиш ва бу лойиҳаларни миллий иқтисодиётимиз манбаатларига мос келиш даражасини аниқлаш орқали ҳам эришиш мумкин.

Хулоса

Инвестицион риск деганда инвестиция фаолиятининг ноаниқлик шароитида кўзда тутилмаган молиявий йуқотишлир (фойданинг пасайиши, капитал йуқотишлир ва шунга ўхшаш) пайдо булиш эҳтимолига айтилади. Инвестицион рисклар турлари қўп, шунинг учун уларни қўйидаги асосий белгилари бўйича класификация қилиш мумкин: 1. *Намоён булиш соҳалари бўйича.* 2. *Инвестициялаш формалари бўйича.* 3. *Пайдо булиш манбалари бўйича.* Инвестицияларни молиялаштириш усуллари аниқ ва аниқ бўлмаган рисклар таркиби ва мажмуи билан фарқ қиласди. Улардан маҳорат билан фойдаланиш рискларни инвестиция ресурслари эгалари ўртасида диверсификациялашга имконият яратади. Инвестиция фаолиятида молиявий йуқотишлирни баҳолаш жараёнида уларнинг абсолют ва нисбий кўрсатгичларидан фойдаланилади.

Инвестицион риск билан боғлиқ молиявий йуқотишиларнинг абсолют микдори инвестор учун нокулай шароитлар келтириб чикараган йуқотишилар йифиндисига тенг. Рисклар хар бир инвестиция лойиҳаси бўйича турли усуллар ёрдамида ҳисобланади: 1.*Ўртacha квадратик четланиш*. 2.*Вариация коэффициенти*. 3. *P – коэффициент (бета-коэффициент)*. 4. *Рискларни баҳолаш эксперт усули*.

Иқтисодий хавфсизликнинг зарурий компонентларидан бири-барқарор иқтисодий ўсишдир. Агар иқтисодиёт ривожланмаётган бўлса, унинг яшовчанлик қобилияти пасаяди, ички ва ташқи хавф-рискларга қаршилиги ва уларга мослашуви имкониятлари камайиб боради. Барқарорлик ва хавфсизлик иқтисодиётнинг ягона тизими каби муҳим хусусиятларидан биридир.

Таянч иборалар: инвестицион рисклар ва уларнинг классификацияси, инвестицион рискларни баҳолаш усуллари, ўртacha квадратик четланиш, вариация коэффициенти, р-коэффициент, эксперт усули.

Назорат саволлари

1. Инвестицион риск тушунчасига таъриф беринг?
2. Рискнинг асосий турлари кайсилар, уларнинг классификациясини беринг?
3. Инвестицион рискларни баҳолаш усулларини санаб утинг?
4. Лойиҳа рискини пасайтириш учун қандай чора-тадбирларни қўллаш лозим?
5. Ишлаб чиқаришга инвестицияларни рағбатлантириш учун қандай чора тадбирларни сизнинг қўллаш лозим?
6. Инвестицион лойиҳалар бўйича рискларни баҳолаш учун қандай мезонлари ишлатилади?
7. Инвестиция фаолияти жараёнида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш қандай аҳамиятга эга?
8. Вариация коэффициенти инвестиция лойиҳалари бўйича рисклар даражасини таққослашда нимани кўрсатади?
9. Мутахассисларнинг баҳолаши бўйича инвестициялашда молиявий йуқотишилар риски эҳтимоли қандай мезонларга эга?

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Чернов В.А. Инвестиционная стратегия: Учен. Пособие. Для вузов.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.
- 2.Бочаров В.В. Инвестиции: Инвестиционный портфель.- СПб. Питер, 2003.
- 3.Богатин Ю.В., Швандар В.А. Инвестиционный анализ: Учебное пособие для вузов.-М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
4. Бузова И.А., Маховикова Г.А. Коммерческая оценка инвестиции.- СПб.: Питер, 2003.

8.БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

8.1. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш тамойиллари 8.2. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш қўрсатгичлари

8.1. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш тамойиллари

Инвестицион қарорларни қабул қилиш жараёнида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш энг мураккаб босқич ҳисобланади. Ушбу баҳолаш хар томонлама ва объектив бажарилиши қўйилаётган капиталнинг қайтиб келиши муддати ва корхонанинг ривожланиш темпларини таъминлаб беради. Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш усулларида самарадорлик коэффициенти ва қайтиб келиш муддати қўрсатгичларидан фойдаланилади.

Ўртacha йиллик фойда суммаси

$$\text{Самарадорлик коэффициенти} = \frac{\text{Капитал қўйилмалар суммаси}}{\text{Капитал қўйилмалар суммаси}}$$

Реал инвестицияларни самарадорлигини баҳолашга қўйидаги методик ёндошувлар мавжуд.

Пул оқими қўрсатгичи асосида инвестицияланаётган капиталнинг қайтиб келишини баҳолаш тамойили. Бунда пул оқими соғ фойда ва амортизацион ажратмалар ҳисобига ташкил топади.

Инвестицияланаётган капитал ва пул оқимини хақиқий қийматга келтириши тамойили. Инвестициялаш жараёни маълум вақт мобайнида бир неча босқичлардан ўтиши сабабли, инвестицияланаётган суммалар хақиқий қийматга (хар бир кейинги босқичла дифференциялаш) келтирилиши лозим. Худди шундай пул оқими ҳам хақиқий қийматга келтирилиши лозим.

Турли инвестицион лойиҳалар учун пул оқимини дисконтлаш жараёнида *дисконт ставкасини танлаши баҳолашнинг* учинчи тамойили ҳисобланади.

Лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш учун инвестиция лойиҳаларини саралашда улар устуворликлари ва мезонларини танлаш жараёнларини мукаммаллаштириш талаб этилади.

Инвестиция лойиҳаларини атрофлича экспертиза қилиш ва таҳлил этиш чоғида республикадаги лойиҳа ташаббускори нуқтаи назаридан асосий капитални такрор яратиш билан боғлиқ инвестиция сарфлари ҳисобга олинади. Инвестиция лойиҳалари тендери ҳам ТИА, қурилишнинг смета ҳужжатлари ва смета қиймати асосида жами харажатлар мажмуини ҳисобга олади. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий ва молиявий таҳлили инвестициялар харажатларини ҳисобга олинади. Лойиҳа ташаббускори чет эллик ҳамкор бўлган ҳолларда ва аралаш тарзда молиялаштириш усулларидан фойдаланиш кўзда тутилганда молиялаштириш ички манбаларининг қийматини баҳолашни назарда тутиш мухимдир. Инвестиция

лойиҳалари тендерида ТИА, лойиҳада кўзда тутилган смета ҳужжатлари асосида барча сарфлар хисобга олинади. Асосий капитални оловчи (буюртмачи) нуқтаи назаридан иш бутунлай бошқача тусда бўлади, унга булар қўшилган қиймат солиғи хисобга олинган ҳолда тушади, бу инвестиция сарфларини оширади. Шу муносабат билан инвестиция қийматини саклаш ва капиталлашувни таъминлаш нуқтаи назаридан, шунингдек, сарфларнинг қопланиши нуқтаи назаридан қаралганда амалда лойиҳа кўрсаткичлари таъминланмайди. Буни инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг унинг қиймати ККС ставкаси миқдорида ошиши, лойиҳа кўрсаткичлари шунга мувофиқ тарзда пасайиши билан тушунтириш мумкин.

Шундай қилиб, комплекс экспертизада, лойиҳа қийматини баҳолашда, иқтисодий, молиявий ва бошқа таҳлилларда инвестиция фаолияти натижаларига ва қурилиш маҳсулотлари қийматига эгри соликлар солиш хисобга олинмайди, бу эса инвестициялар сарфларини кўпайтиради ва инвестицияларнинг капиталлашуви даражасини пасайтиради. Буларнинг ҳаммаси капитал қийматини баҳолаш, лойиҳалар экспертизасини ўтказиш ва саралаш, таҳлил қилишда инвестиция фаолиятини соликқа тортиш натижаларини хисобга олишни талаб қиласди.

Давлат инвестиция дастурларини тузишида моддий ва молия ресурсларини баланслаш масаласи эътибордан четда қолади. Ушбу инвестицияларнинг молиявий таъминоти дастурлари тузилмайди, ҳолбуки бу дастурларда инвестиция қарорларини қабул қилиш учун улардан ҳар бирининг қийматини баҳолаш мақсадларида турли ресурс манбалар нисбатларини аниқ-равshan белгилаш мумкин бўлар эди.

Давлат инвестиция дастурларини турли молиялаштириш манбалари тузилмалари билан баланслаштирилмаганлиги инвестицияларни амалда ўзлаштириш натижаларининг истиқбол кўрсаткичларидан фарқ қилишига олиб келади.

Инвестициялар хусусидаги қарорлар, давлат инвестиция дастурлари менежментини ташкил қилиш, уларни молиялаштириш манбалари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш моддий ресурслари билан боғлиқликда олиб борилиши керак. Давлат инвестициялар дастурлари менежменти ресурсларни жалб қилиш географиясидан келиб чиқсан ҳолда халқаро даражада амалга оширилиши лозим. Давлат даражасида инвестиция дастурларининг молиявий таъминлаш манбалари дастури ва уларни таъминлайдиган моддий ресурслар дастури тузилиши талаб этилади.

Таъкидлаб ўтилган нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича халқаро молия институтлари билан олиб борган иш тажрибалари дикқатга сазовордир. Банк халқаро молия институтлари билан аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қиласди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки инвестицияларнинг асосий оқими канали вазифасини бажариб, уларнинг тақсимоти ҳамда уларга хизмат кўрсатишда қатнашиб тижорат банки ҳамда тикланиш ва тараққиёт банки белгиларини мужассам этади. Банк учун лойиҳавий молиялаштириш

каби фаолият тури устувор ҳисобланади. Баҳолаш ва танлаб олишда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида экспорт потенциалини ўстиришга ва импорт ўрнини босишга ёрдам берадиган, ўзини оқладиган, экологик тоза лойиҳалар маъқул кўрилади. Бу банк тизимида чет эл кредитларини жалб қилиш ва фойдаланиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини саралаш бўйича қаттий ва самарали тизим яратилган.

Иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда Жаҳон банки, Евropa тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, KFW банки ҳамда бошқалар кредит линиялари бериш йўли билан ёрдам кўрсатади.

Лойиҳаларни таҳлил қилишда уларнинг барчаси ресурслардан фойдаланишнинг муқобил йўлларини таққослашга алоҳида аҳамият беради. Бундай усул қабул қилинадиган қарорларни асослаш имкониятларини яратиб, бу жараёнга аниқлик ва пухталик беради.

Кўриб чиқиладиган лойиҳаларнинг натижалари уларнинг миллий иқтисодиёт ривожланиши йўналишлари учун аҳа-мияти билан белгиланади. Муқобил вариантларни ҳисобга олиш жами лойиҳа цикли давомида, тармоқни ривожлантириш режасини тузишдан бошлаб лойиҳани белгилаш ва уни баҳолашга қадар, лойиҳалар таҳлилиниң энг муҳим томони ҳисобланади. Лойиҳа таҳлилиниң ўзагини сарфлар/ нафлар концепциясига таянадиган иқтисодий ва молиявий таҳлил ташкил қиласди.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки лойиҳаларни танлаб олишда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ва уни қайта ишлашга асосланган корхоналарга афзаллик беради. Таҳлил ва танловда баҳолашни ўтказишни ва инвестиция лойиҳаларини қиёслашни тезлаштиришга ёрдам берадиган турли амалий компьютер программалари воситаларидан фойдаланилади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган программали воситалар пакетлари орасида:

COMFAR;

PKOSPIN;

PROJECT EXPERT;

ТИА — ИНВЕСТ ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш жоизки, бу программали воситалар таҳлил ва баҳолаш жараёнларини тезлатиш имкониятини бериш билан бирга, ҳар бири ўзига хос қатор чекланишларга эгадир.

Ўзбекистонда кредит линияларини ўзлаштираётган халқаро молия институтлари лойиҳаларни танлаш, инвестиция қарорларини қабул қилишда ўз талабларини, кредит ресурсларини беришда ўз шартларини қўядилар. Бу халқаро молия институтлари фақат лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари ҳам иштирок этган ҳоллардагина ресурсларни бера оладилар. Қарздорнинг ўз капитали иштироки хиссаси 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Япония тараққиёт банки лойиҳаларни молиялаштиришда лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағларнинг энг кўпи билан фақат 40 фоизини тақдим қилиши мумкин, қолган 60 фоизини қарздор ўз капитали ёки хусусий банклар ссудаси ҳисобига қоплаши лозим. Бунда Япония тараққиёт банки маблағларни жалб қилиш

режасининг асосли эканлигини ва ижроси-нинг реаллигини жиддий равища да текширувдан ўтказади. Япония тараққиёт банки миллий иқтисодиётга фойдали, хусусий шахс томонидан амалга ошириш мураккаб бўлган, лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш билан шуғулланади. Япония тараққиёт банки давлат молия институти тарзида бевосита лойиҳанинг ўзини ҳамда қарз олувчининг фаолиятини таҳлил қиласи ва баҳолайди. Лойиҳаларнинг таҳлилини ўтказишда ва баҳолашда белгиланган иқтисодий сиёsat учун лойиҳанинг аҳамияти аниқланади (ёнлаш имкониятлари кенгаядими, аҳоли учун лойиҳа қандай қулайликлар яратади, лойиҳани молиялаштириш тизимига мос келиши, лойиҳа унинг тадбиқ этувчисига нима беради ва нима учун фақат шу лойиҳага маблағлар сафарбар этилади). Банк томонидан таҳлил олиб борилишида асосий эътибор лойиҳа тавсифига молиялаштириш кўламини, қурилиш харажатларини мос келишини текширади, қурилиш ташкилоти билан тузилган шартномадаги нархларга баҳо беради, лойиҳани тадбиқ этиш учун жалб қилинадиган капитал режасини таҳлил қиласи. Бунда асосий эътибор лойиҳа рентабеллигига, инвестицияларнинг қопланиш таҳлилига қаратилади. Банк берадиган кредитларини белгиланган фоиз ставкалари бўйича ажратиб боради. Натижада қарзни узиш муддати 10-15 йил бўлганда ҳам, инфляцияга қарамай, фоиз ставкаси ўзгармайди, бу эса ҳукумат иқтисодий сиёsatининг амалга ошишига далил бўла олади.

Жаҳон банки баҳоларига кўра Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар бўйича экспорт таркиби ўзгарувчан бўлган. Мамлакатлар бўйича экспорт таркиби барқарорлашмаганлиги сабабли, лойиҳаларнинг экспортбоп маҳсу-лот ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) қаратилиши ва аниқ мамлакатлар бозорига йўналтирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу муносабат билан, мамлакат экспортини ривожлантириш стратегияси масалаларини амалга оширишда, тадбиқ этиладиган лойиҳалар маҳсулотлари бозорларини теран маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганиш талаб қилинади. Лойиҳаларни баҳолаш, танловини ташкил этиш ва инвести-циялар бўйича қарорлар қабул қилиш масалаларини мамлакат экспортини кенгайтиришнинг узок муддатли стратегияси билан мувофиклаштириш талаб этилади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва амалга ошириш самарадорлигини кўтариш мақсадларида лойиҳа цикли ҳамда лойиҳа таҳлили бўйича жами ишлар мажмууни ягона давлат институти — Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт банки зиммасига юклатиш зарур.

Давлат инвестициялар дастурига факат ТИА ўтказилган, сметалари тасдиқланган, муқобил қарорлар асосида, молиялаштириш манбалари билан юз фоиз таъминланган, шу жумладан ташқи молиялаштириш манбалари билан аниқ таъминланиши белгиланган лойиҳаларни киритиш лозим. Лойиҳани танлаш тўғрисидаги қарор ҳар бир молиялаштириш манбаи қийматини алоҳида баҳолаш ва жами инвестиция капитали тузилмаси қийматининг нархини аниқлаш асосида қабул қилиниши талаб этилади. Инвестициялар хусусидаги қарорлар, давлат инвестиция дастурлари менежментини ташкил қилиш, уларни молиялаштириш ресурслари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижаларини келгусида солиққа тортилишини ҳисобга олиб амалга

оширилиши зарур. Шубҳасиз, инвестиция лойиҳаси остидаги моддий ресурслар менежменти программаси давлат миқёсида амалга оширилиши керак. Ресурслар қўйилиш танловининг муқобил усулидан фойдаланиш мазкур жараёнга аниқлик ва равшанлик киритади.

Давлат инвестиция дастурларига муқобил лойиҳаларгина киритилиши лозим. Лойиҳани танлаш ҳақидаги давлат қарори молиялаштиришнинг ҳар бир манбаи қийматини баҳолаш билан қўшиб амалга оширилиши талаб қилинади.

Давлат бюджет маблағлари ажратиладиган лимитлар асосида тақсимлашдан босқичма-босқич воз кечишга тўғри келади. Давлат бюджети маблағларидан катый мақсадли вазифалар бўйича, молия лизингини қўллашни кенгайтириш йўли билан фойдаланишга ўтиш учун ҳамма асослар бор. Бунда инвестицияларни молиялаштириш учун йўналтирилладиган худди шу давлат бюджети маблағлари молиялаштириш манбалари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

8. 2. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсатгичлари:

1. Соф келтирилган даромад. Инвестицион лойиҳа бўйича соф келтирилган даромад кўрсатгичи манфий ёки нолга teng бўлса, ушбу лойиҳа қабул қилинмаслиги керак, чунки у инвестор учун қуйилган капиталга қушимча даромад келтирмайди.

Мусбат ишорали кўрсатгич лойиҳа бўйича инвестор учун капитални кўпайтиришга имкон беради.

2. Даромадлилик индекси методик жихатдан «капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициентини» баҳолаш кўрсатгичига яқин. Аммо иқтисодий моҳият жихатдан ушбу кўрсатгич ундан фарқ қиласи, чунки инвестициялардан келаётган даромад сифатида соф фойда эмас, балки пул оқими кўрсатгичидан фойдаланилади.

Даромадлилик индекси таққослаш баҳолаш учун ишлатилади ва инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун ишлатилади.

Агар даромадлилик индекси миқдори бирдан «1» кичик ёки унга teng бўлса, ушбу лойиҳа қабул қилинмаслиги лозим, чунки у инвестор учун қушимча даромад келтирмайди. Бошқача килиб айтганда даромадлилик индекси кўрсатгичи бирдан «1» катта инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мумкин.

3. Қайтиб келиш муддати кўрсатгичи инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ўртасида энг кўп таркалганидир. Ушбу кўрсатгич хақиқий қийматга келтирилган инвестицион воситалар ва пул оқими суммаси асосланган пул оқимига асосланади. Ушбу кўрсатгичдан нафақат инвестициялар самарадорлигини баҳолашда, балки инвестицион рискларни ҳисоблашда ҳам фойдаланиш мумкин.

4. Даромадлилик ички нормаси ҳисоб механизми бўйича бутунлай янги кўрсатгич ҳисобланади. У аниқ инвестицион лойиҳа бўйича даромадлилик даражасини характерлайди ва дисконт ставкаси билан ифодаланади.

Даромадлилик ички нормаси кўрсатгичи таққослаш баҳолаш учун ишлатилади. Бунда ушбу кўрсатгич инвестицион лойиҳалар бўйича хисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсатгичлар бир бири билан ўзвий алоқада бўлғанлиги сабабли реинвестицияларни самарадорлигини баҳолашда улардан комплекс равишда фойдаланиш мумкин.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш натижалари корхона инвестицион портфелини ташкил этишда ишлатилиши мумкин.

Хулоса

Инвестицион қарорларни қабул қилиш жараёнида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш энг мураккаб босқич хисобланади. Ушбу баҳолаш хар томонлама ва объектив бажарилиши қуйилаётган капиталнинг қайтиб келиши муддати ва корхонанинг ривожланиш темпларини таъминлаб беради. Капитал кўйилмалар самарадорлигини баҳолаш усусларида самарадорлик коэффициенти ва қайтиб келиш муддати кўрсатгичларидан фойдаланилади. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган программали воситалар пакетлари орасида: COMFAR; PKOSPIN; PROJECT EXPERT; ТИА — ИНВЕСТ ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсатгичлари: 1. Соф келтирилган даромад. 2. Даромадлилик индекси. 3. Қайтиб келиш муддати кўрсатгичи. 4. Даромадлилик ички нормаси.

Таянч иборалар: инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш тамоиллари, самарадорлик коэффициенти, инвестицияларни самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувлар, пул оқими кўрсатгичи асосида инвестицион капитални қайтариб олишни баҳолаш, инвестицион капитал ва пул оқимининг суммасини хақиқий қийматга келтириш, дисконт ставкасини танлаш, соф келтирилган даромад, даромадлилик индекси, даромадлилик ички нормаси.

Назорат саволлари

1. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашга умумий ёндошувларни характерланг?
2. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усусларини санаб ўтинг ва уларни классификациясини келтиринг?
3. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсатгичлари кайсилар?
4. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган программали воситалар пакетлари айтиб беринг?
5. Инвестицион қарорларни қабул қилиш жараёнида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш қандай ўринга эга?
6. Иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш банклар томонидан қандай йўл билан ёрдам кўрсатилади?
7. Соф келтирилган даромад кўрсатгичи моҳиятини очиб беринг?

8. Даромадлилик индекси ва даромадлилик ички нормаси күрсатгичлари қандай ҳисобланади?
9. “Дюпон модели” түғрисида тушунча беринг?
10. Давлат инвестиция дастурларига қандай сифатларга эга лойиҳалар киритилиши мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Чернов В.А. Инвестиционная стратегия.М., “ЮНИТИ ДАНА”,2003.
2. Бочаров В.В. Инвестиционный менеджмент.- СПб.: Питер,2002.
- 3.Ложникова А.В. Инвестиционные механизмы в реальной экономике.- М.: МЗ-Пресс, 2001.
4. Крушвиц Л., Ковалева В.В. Инвестиционные расчеты: Учебник для вузов/ Пер. с нем. Под ред. В.В. Ковалева и З.А. Сабова.- СПб., М., Х.: Питер,2001.
5. Артемова Л.В., Бор М.З. и др. Инвестиции и инновации.: Словарь-справочник от А до Я.- М.: «ДиС», 1998.
6. И.А. Бланк. Инвестиционный менеджмент.- Киев, МП «ИТЕМ» ЛТД, 2001.

9. БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ ЖОРИЙ БОШҚАРИШ

9.1. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш календар режасини ишлаб чиқиши

9.2. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиши

9.3. Инвестиция дастурларини амалга ошириш мониторинг тизимини яратиш

9.1. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш календар режасини ишлаб чиқиши

Ташкил қилинган инвестицион лойиҳани амалга ошириш қўп жихатдан унинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилган жорий режасига боғлиқ. Бундай жорий режа қўйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилади:

- календар режанинг объект дифференциацияси тамойили;
 - календар режанинг вақтли дифференциацияси тамойили;
 - календар режанинг функционал дифференциацияси тамойили;
 - календар режанинг резервларни ташкил этиш тамойили;
 - жавобгарликни режалаштириш ва рискларни тақсимлаш тамойили;
 - календар режа бажарилишини доимий назоратини таъминлаш тамойили.
- Ушбу тамойилларнинг энг муҳимларини кўриб чикамиз.

Календар режани вақтли дифференциацияси тамойили бошланғич ва асосий хужжат ҳисобланадиган инвестиция лойиҳасини амалга ошириш йиллик графикини ишлаб чиқиши талаб қиласи, бу эса ўз навбатида жорий режалаштириш натижаларини ўзида акс эттиради. Ушбу график режалаштирилаётган календар йил давомида бажарилиши кўзда тутилаётган ишлар хажмини ўзида акс эттиради. Бир йил давомида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича бутун лойиҳанинг амалга ошириш йиллик графикини ишлаб чиқишида асосий иккита усулдан фойдаланилади – *уяли режалаштириши усули ва критик ёки мураккаб йўл усули*.

Уяли режалаштириш усули кургазмали бўйича амалга оширилаётган ишлар хақиқий хажмини, айриш ишларини амалга оширишдаги қийинчиликларни баҳолаш қийин

Критик ёки мураккаб йўл усули уяли усулага қараганда бир нечта устунликларга эга, яъни у ишларни амалга ошириш кетма-кетлигини ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайди, тусик ва чеклашларни ҳисобга олади, мураккаб жойларни аниқлайди, оптимизация усулларини қўллашга имкон беради, чекланишлар бўйича график моделини ясашга имкон беради. Аммо унинг асосий камчилиги сермехнатлигидадир.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича квартал ва ойлик режалар унинг белгиланган вақт интервалида бажарилиши лозим аниқ иш хажмини ўзида акс эттиради. Уларни ишлаб чиқишида инвестиция лойиҳасининг амалга ошириш йиллик графиги асос килиб олинади. Ишларнинг йиллик режаси график билан

биргаликда тақдим этилади ва тасдиқланади. Ишларнинг ойлик режаси кейинги квартал учун тўзилади.

Декада топшириқлари ишларни амалга ошириш ойлик режанинг кейинги детализация формасидир. Бизнинг тажрибамизда ушбу календар режа дифференциация формасидан камдан-кам фойдаланилади.

Календар режанинг функционал дифференциацияси тамойили уни алоҳида функционал қисмларга булишни кўзда тутади. Бу календар режани ишлаб чиқиш жараёнининг энг мураккаб қисми ҳисобланади. Инвестицион лойиҳани амалга ошириш календар режасининг функционал дифференциациясининг асосий формалари:

- лойиҳани амалга оширишга тайёрлаш;
- лойиҳа-конструктор ишлари;
- материал-техник таъминот;
- қурилиш-монтаж ишлари;
- лойиҳани эксплуатацияга киритиш;
- лойиҳа қувватларини эгаллаш.

Шартномани тайёрлаш режа моҳияти қўйидагича:

- а) режа моҳияти;
- б) шартнома лойиҳасини тўзиш шарт-шароитлари;
- в) шартнома тўзиш тамойилларини ташкил этиш;
- г) шартномани тўзиш стратегияси;
- д) шартнома тўзишда альтернатив таҳлил;
- е) шартнома ишларини бажариш графиги;
- ж) шартнома тўзиш жараёнлари;
- з) потенциал партнёрлар;
- и) зарур қарорлар.

Ушбу ишлар босқичини режалаштирганда ташқи омиллар таъсирида стратегик ўзгаришларни кўзда тутиш лозим.

Лойиҳа-конструктор ишлари календар режаси ишчи чertёжларни тайёрлаш, лойиҳа хужжатларини буюртмачига таҳлил ва тасдиқлаш, ишларнинг амалга ошиш муддати ва тўзилмасини белгилайди.

Календар режани ишлаб чиқиша материал-техник таъминот ускуна ва материалларни таъминлаш муддатларини белгилаб беради.

Курилиш-монтаж ишлари қўйидагиларни ўзида акс эттириши лозим: хар бир ишнинг тури ва босқичи бошланиш ва тугаган муддатларини, техника ва ишчи кучидан фойдаланиш динамикаси; материалларни ишлатиш динамикаси; инвестиция лойиҳаси йирик системалари текшириш ишларини.

Календар режалаштириш жараёнида инвестиция лойиҳасини эксплуатацияга киритиш қўйидагиларни талаб этади: персонални тайёрлаш, зарур хом-ашё ва материалларни сотиб олиш ва келтириш, технологик жараёнларни ишга туширишни режалаштириш.

Лойиҳа қувватларини эгаллаш функционал календар режалаштиришни тутатиб, инвестициялаш обьектини кўзда тутилган қувватларга чиқишини таъминлайди.

Календар режа резервини ташкил этиш тамойили айрим киритилган ишларнинг муддатининг бўзилиши ва уни инвестиция лойиҳаси қатнашчилари ўртасида тақсимлашдан иборат. Бунда вақтли резерв эҳтимоли бутун календар режа амалга ошиш вақтининг 10-12 % ташкил этиши лозим.

Жавобгарликни режалаштириш ва рискларни тақсимлаш тамойили ҳам буюртмачи (инвестор), ҳам пудратчи (ишларни бажарувчи) томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш реаллигини ҳисоблашга имкон беради. У шартномада белгиланган ишлар алоҳида босқичларида жавобгарликни ва рискларни буюртмачи ва пудратчи ўртасида тақсимланишини аниқлади. Жавобгарлик ва рискларни режалаштириш инвесторни катострофик рискдан химоя қилиш ва қушимча харажатларни камайтириш мақсадини ўз олдига қўяди.

Календар режада рискларни ташқи суғўрталаш чора-тадбирлари амалга оширилиши мумкин.

Календар режа бажарилишини доимий назоратини таъминлаш тамойили инвестицион лойиҳа амалга ошиши календар режаси ўз ичига назорат блокини олади. Календар режада бажарилиши лозим ишлар устидан назорат қўйидаги формаларда амалга оширилиши мумкин: календар режа ва аниқ хақиқий натижаларни таққослаш, критик ёки мураккаб йўлни аниқлаш ва баҳолаш, «прогресс интеграл эгри чизиқни» баҳолаш ва қуриш ва хоказо.

9.2. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиши

Инвестицион лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги унинг молиялаштириш режаси билан аниқланади. Инвестицияларни бошқариш тажрибасида бундай молиявий режа «инвестицион лойиҳани амалга ошириш бюджети» номини олган (ёки «бюджет»). Бюджет бу инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ, ўзида чиқим ва киримларни акс эттирган қисқа муддатга (1 йилга) мулжалланган жорий молиявий режадир.

Инвестицион лойиҳани амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиши қўйидаги икки масалани хал этишга қаратилган:

1. Календар режа алоҳида босқичларида инвестицион лойиҳани амалга ошириш бўйича харажатлар хажми ва структурасини аниқлаш.

2. Инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун мулжалланган молиялаштириш ҳисобидан ушбу харажатларни ёпиш учун инвестицион ресурсларни таъминлаш.

Бюджетни ишлаб чиқиши учун зарур шарт-шароитлар:

- а) инвестицион лойиҳани амалга ошириш календар режаси;
- б) алоҳида ишларни амалга ошириш, хом-ашё ва материалларни, ускуна ва механизmlарни сотиб олиш харажатлар сметаси;
- в) инвестицион лойиҳани молиялаштириш умумий стратегияси;
- г) лойиҳа бизнес-режасини ишлаб чиқиши босқичида инвестицион оқим графиги;
- д) жорий даврда инвесторнинг молиявий холати.

Инвестицион лойиҳани амалга оширишда инвестицион жараён босқичидан келиб чиқиб қўйидаги икки бюджет тури ишлаб чиқилиши мумкин:

1. Капитал бюджет қурилиш монтаж ишларини олиб бориш босқичида ишлаб чиқилади ва қўйидаги икки бўлимдан иборат бўлади:

а) капитал харажатлар, яъни узоқ муддатли активларни сотиб олишга кетган харажатлар;

б) инвестицион ресурслар (воситанинг кайтиши).

2. Жорий пул харажатлари ва даромадлари бюджети инвестициялаш обьекти эксплуатация босқичида ишлаб чиқилади. Ушбу бюджет ҳам икки бўлимдан иборат:

а) жорий харажатлар;

б) жорий фаолиятдан келадиган даромад.

Бундай бюджетни ишлаб чиқишидан мақсад инвестор учун инвестицион харажатларни қоплаш учун пул оқими суммасини аниқлашдан иборат. Бунда жорий хужжатлар доимий ва ўзгарувчанларга тақсимланади. Жорий даромад маҳсулотни сотиш ҳисобига ташкил этилади.

Капитал ва даврий бюджетларни тўзишда «*мослашувчан бюджет*» усулидан фойдаланиш мумкин. Унда капитал ёки жорий харажатлар аниқ белгиланган суммаларда эмас, балки фаолият кўрсатгичларига мос норматив харажатлар кўринишида олинади. Объект қурилиши билан бoggланган инвестицион цикл бўйича бундай кўрсатгич сифатида қурилиш-монтаж ишлари хажми олинади.

«*Мослашувчан бюджет*» усулидан фойдаланиш жараёнида харажатларнинг ҳамма турлари ўзгармас ва ўзгарувчанларга булинади. Бундай усулдан фойдаланишда инвестицион ресурслар маълум резерви кўзда тутилиши лозим, чунки капитал харажатлар хажми ўсиши эҳтимоли ҳам мавжуд бўлади. «*Мослашувчан бюджет*»ни ишлаб чиқиш молиявий оқимларни ўз вақтида корректировка қилиш ва жорий даврда инвестицион лойиҳани амалга ошириш самарали сиёсатидан фойдаланиш имконини беради.

9. 3. Инвестиция дастурларини амалга ошириш мониторинг тизимини яратиш

Инвестиция ишлаб чиқилган календар режа ва бюджет бўйича амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар доимий мониторингни талаб этади.

Инвестицион программаларни амалга ошириш мониторинг тизими - бу инвестиция бозорининг ўзгариб турувчи конъюнктураси шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш асосий жорий натижаларини доимий кўзатишни амалга ошириш механизмидир.

Корхона инвестицион программаларининг амалга ошириш мониторинг тизимини ишлаб чиқишида асосий мақсад – инвестицион лойиҳаларни календар режа ва бюджетдаги чекланишини ўз вақтида аниқлаш; ушбу чекланишларни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қилиш; инвестиция фаолияти йуналишларини нормаллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишидан иборат.

Мониторинг тизимини яратиш қўйидаги асосий тамойиллардан фойдаланишга асосланади:

1. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш хар бир йуналиши бўйича ахборот (ҳисобот) кўрсатгичлари тизимини яратиш жорий бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисботлар маълумотларига асосланади. Қушимча кўрсатгичларни киритиш зарурати пайдо бўлганда корхонада «бошқарув ҳисботи» тўзилади. Бундай ҳисбот жорий ҳисботни тулдиради ва самарали бошқарув эҳтиёжларига қаратилган бўлади.

2. Инвестицион лойиҳани амалга ошириш хар бир йуналиши бўйича умумлаштирилган аналитик кўрсатгичлар тизими ишлаб чиқиш корхона инвестиция фаолияти алоҳида йуналишлари мониторинг мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда яратилади ва шу мақсадда жалб этилаётган информатив (ҳисбот) кўрсатгичларига асосланади.

Ҳисбот база маълумотларини (информатив ва баҳолаш кўрсатгичлари) ташкил этиш даврийлигини белгилаш инвестицион программани амалга ошириш календар режа ва бюджет даврийлигидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Шундай даврийликни ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) жорий (оператив) сводка (декада ёки икки хафталик);
- б) ойлик ҳисбот;
- в) квартал ҳисбот.

Йиллик ҳисбот кўрсатгичлари инвестицион программаларни амалга ошириш жорий мониторинг обьекти ҳисбланмайди.

Юқорида келтирилган тамойиллар бўйича амалга оширилган ишлар инвестицион программани амалга ошириш мониторинг тугалланган ахборот блокини яратишга имкон беради.

Хақиқий натижаларни четланишини келтириб чикарган асосий сабаблар таҳлилида календар режа ёки бюджетдан «критик чекланишлар» қўзатилаётган кўрсатгичлар ажратилади. Бундай «критик четланиш» мезони сифатида декада (икки хафталик) даври мобайнида 20 ва ундан кўп фоиз чекланиш қабул килиниши мумкин; ойлик давр бўйича 15 ва ундан кўп фоиз ва квартал бўйича 10 ва ундан кўп фоиз қабул килиниши мумкин хар бир критик чекланиш бўйича уларни келтириб чиқарган сабаблар аниқланиши лозим.

Алоҳида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни резервларини ва нормалаштириш имкониятларини аниқлашда ушбу лойиҳани амалга оширишни нормаллаштириш бўйича буюртмачи ва пудратчи имкониятларини ўрганиш алоҳида функционал блоклари кўриб чиқилади.

Алоҳида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни календар режа ва бюджетни ўзгартириш бўйича таклифларни асослаш. Агар алоҳида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни нормаллаштириш имкониятлари чекланган бўлса ёки умуман бўлмаса, мониторингнинг якунловчи босқичи бўлиб жорий режалаштириш асосий хужжатлари – календар режа ва бюджетни корректировка қилиш бўйича таклифларни асослаш ҳисбланади. Айrim холларда инвестицион лойиҳа ёки программадан «чиқиш» таклифи ҳам асосланиши мумкин.

Инвестиция фаолияти мақсадлари реал инвестициялар портфели таркиби ўзгарганда ва шунингдек бошқа холларда ишлаб чиқилган инвестицион программани амалга ошириш мониторинг тизими корректировка килиниши лозим.

Хулоса

Ташкил қилинган инвестицион лойиҳани амалга ошириш кўп жихатдан унинг ўз вактида ва сифатли ишлаб чиқилган жорий режасига боғлиқ. Бундай жорий режа қўйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилади:

- календар режанинг объект дифференциацияси тамойили;
- календар режанинг вақтли дифференциацияси тамойили;
- календар режанинг функционал дифференциацияси тамойили;
- календар режанинг резервларни ташкил этиш тамойили;
- жавобгарликни режалаштириш ва рискларни тақсимлаш тамойили;
- календар режа бажарилишини доимий назоратини таъминлаш тамойили.

Инвестицион лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги унинг молиялаштириш режаси билан аниқланади. Инвестицияларни бошқариш тажрибасида бундай молиявий режа «инвестицион лойиҳани амалга ошириш бюджети» номини олган (ёки «бюджет»). Бюджет бу инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ, ўзида чиқим ва киримларни акс эттирган қисқа муддатли (1 йилга) мулжалланган жорий молиявий режадир.

Инвестиция ишлаб чиқилган календар режа ва бюджет бўйича амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар доимий мониторингни талаб этади.

Инвестицион программаларни амалга ошириш мониторинг тизими - бу инвестиция бозорининг ўзгариб турувчи конъюнктураси шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш асосий жорий натижаларини доимий қўзатишни амалга ошириш механизмидир.

Таянч иборалар: инвестицион лойиҳани амалга ошириш календар режаси ва уни ишлаб чиқиши тамойиллари. Календар режа вақтли дифференциация формалари. Календар режа функционал дифференциация формалари. Буюртмачи ва пудратчи ўртасида жавобгарлик ва рискларни тақсимлаш. Инвестицион лойиҳа бюджети ва унинг турлари, капитал бюджетни ишлаб чиқиши жихатлари. Инвестицион программаларни амалга ошириш мониторинг тизимини яратиш.

Назорат саволлари

1. Инвестицион лойиҳани амалга ошириш календар режасини ишлаб чиқиши тамойиллари моҳияти нимада?
2. Инвестицион лойиҳа бюджетини ишлаб чиқиши тартиби ва моҳияти кандай?
3. «Мослашувчан бюджет» усулини амалга ошириш моҳияти нимада?
4. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мониторинг тизимини характерланг?

5. Календар режанинг объект дифференциацияси тамойили мазмунини очиб беринг?
6. Жавобгарликни режалаштириш ва рискларни тақсимлаш тамойили мазмунини очиб беринг?
7. Инвестицион лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги унинг қандай режаси билан аниқланади?
8. Мониторинг тизимини яратиш қайси тамойиллардан фойдаланишга асосланади?
9. «Мослашувчан бюджет» усулининг мазмуни нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Серов В.М. Инвестиционный менеджмент: Учеб. пос.- М.: ИНФРА-М, 2000.
2. Инвестиционный менеджмент: Сборник научных трудов. – М., 2000.
3. Абрамов С.И. Инвестирование. М. 2000.
4. Гуртов В.К. Инвестиционные ресурсы. - М.: Экзамен, 2002.
5. Вахрин П.И. Инвестиции: (Практические задачи и аникные ситуации). Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К», 2003.
6. Чернов В.А. Инвестиционная стратегия.: Учеб. Пособие для вўзов-М: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

10. БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРДАН «ЧИҚИШ» ТАМОЙИЛЛАРИ

- 10.1. Инвестиция портфелини корректировка қилиш зарурати**
- 10.2. Инвестиция лойиҳаси ёки дастурларидан «чиқиш» түғрисида қарор қабул қилиш**
- 10.3. Айрим фонд воситаларини сотиш түғрисида қарор қабул қилиш**

10.1. Инвестиция портфелини корректировка қилиш зарурати

Инвестицион портфелни жорий бошқариш тизимиға уни мувофақиятли амалга ошириш ва жорий корректировкалаш чора тадбирлари киради. Хар бир инвестор капитал қўйилмаларни самарадорлигини баҳолаш ва ўз вақтида капитални реинвестициялаш йўллари билан ўзининг инвестицион позицияларини мустахкамлаб бориши лозим.

Инвестицион портфелни корректировкалаш қўйидаги сабаблар билан асосланади. Улардан биринчиси инвестицион бозорда янги янада самаралироқ объектларнинг пайдо бўлиши ёки янги капитал қўйилмалар воситалари вужудга келиши билан боғлиқ бўлади. Бундай шароитда инвестор албатта ўзининг инвестицион портфелининг самарадорлигини ошириш мақсадида реконструкция қилиш ёки қайта қуриб чиқишга интилади. Инвестицион портфел айрим ташкилий элементларининг самарадорлиги пасайиши инвестицион портфелни корректировкалаш иккинчи сабаби ҳисобланади. Бундай пайтда қўпгина айрим инвестицион лойиҳалардан «чиқиш» түғрисида қарор қабул қилишга тўғри келади. Инвестицион лойиҳалашдан чиқиш ёки инвестицион портфел фонд воситаларини сотиш түғрисидаги бошқарув қарорларини асослаш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бундай қарорларни қабул қилишнинг юқори жавобгарлиги қўпгина холларда нафақат кутилаётган даромад, балки қуйилган капиталнинг бир қисмини йуқотиш билан боғлиқ. Ушбу қарорларнинг мураккаблиги эса, улар инвестиция бозори жорий конъюнктураси, унинг кейинги ривожланиш истиқболлари чукур таҳлилига асосланишидадир.

Инвестицион лойиҳалардан «чиқиш» ва фонд воситаларини сотиш билан боғлиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш юқори жавобгарлиги ва мураккаблиги инвестицион менежерлар малакаси даражасига юқори талабларни қуяди.

10.2. Инвестиция лойиҳаси ёки дастурларидан «чиқиш» түғрисида қарор қабул қилиш

Корхона инвестиция фаолияти жараёнида инвестицион лойиҳа ёки программалардан чиқиш түғрисида қарор қабул қилиш мураккаб жараён ҳисобланади, чунки бу қарор реал инвестициялар лойиҳасини ташкил этишда самарадорлик мезони бўйича етарлича асосланмаган лойиҳаларни танлаш ёки

инвестиция бозорининг макроиқтисодий ёки тармоқ кўрсатгичларини прогнозлашда салмоқли хатоларга йўл қуйилганлиги билан асосланади.

Айрим инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги пасайишининг асосий сабаблари:

1. Объект қурилишининг чўзилиши инвестицияланаётган воситалар хажмининг ортикча харажатига олиб келади ва самарадорлик кўрсатгичларини пасайиб боришига асос бўлади.

2. Курилиш-монтаж ишларини бажариш қийматининг ўсиши амалга оширилаётган лойиҳа самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

3. Мехнатга хак тўлаш харажатларининг ошиши давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёsat билан боғлиқ бўлади.

4. Инвестициялаш обьекти ишга тушиш пайтида тармоқда рақобат даражасининг ошиши.

5. Жалб қилинаётган инвестицион ресурслар хажмининг ошиши шахсий воситалар, акционер капиталнинг етарлича ишлатилмаслигига олиб келади.

6. Пул бозори конъюнктураси ўзгариши билан боғлиқ фоиз ставкасининг ошиши.

7. Тармоқда иқтисодий фаолликнинг пасайиши.

8. Лойиҳани амалга ошириш учун ёлланган пудратчининг малакасизлиги кўпинча самарадорликнинг пасайишига олиб келади.

9. Солиқ тизимининг инвестиция фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида самарадорликнинг пасайиши кўзатилса, инвестицион лойиҳадан «чиқиши» эҳтимоли кўриб чиқилиши лозим.

Бундай қарорни қабул қилишда асосий мезон килиб инвестицион лойиҳа бўйича даромадлилик ички нормаси кўрсатгичи олинади, ундан ташқари:

1. Объектни ишга туширишга кадар инвестицион циклнинг давомийлигининг ошиши;

2. Лойиҳа бўйича инвестицияларнинг кайтиб келиш давомийлигининг ошиши;

3. Бизнес-режа белгиланган муддатда обьектнинг ишга тушиш муддати пасайиши;

4. Аввал ҳисобга олинмаган шароитлар натижасида корхона имиджининг тушиб кетиши.

Инвестицион лойиҳадан «чиқиши» бошқарув қарорларини моделлаштириш тизимида ушбу қарорлар асосий турлари қўйидагилар:

- қурилиш-монтаж ишларини бошлашга кадар лойиҳани амалга оширишни тухтатиш;
- қисман амалга оширилган лойиҳани тугалланмаган қурилиш обьекти сифатида сотиш;
- инвестицион обьектни эксплуатация қилиш вақтида сотиш.

10.3. Айрим фонд воситаларини сотиш түғрисида қарор қабул қилиш

Айрим фонд воситаларини сотиш түғрисида қарор қабул қилиш инвестицион портфел жорий бошқарувининг кенг тарқалган формаларидан биридир.

Бундай қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш хар кварталда хеч бўлмаганда бир марта амалга оширилади. Қимматли қоғозлар самарадорлигининг пасайишига турли омиллар таъсир кўрсатишини хисобга олган ҳолда, бундай бошқарув қарорларини моделлаштириш дифференциал характерга эга.

Ушбу қарор асосий мезони килиб жорий даромадлилик нормасининг кутилаётган миқдори олинади. Агар жорий даромадлилик нормаси миқдори қўйидаги талабга жавоб бермаса, сотиш түғрисидаги қарор қабул қилинади:

$$\text{НТД} > \text{ДП} + \text{Пр}$$

бу ерда, НТД – қимматли қоғоз тури бўйича кўзатилаётган жорий даромадлилик нормаси миқдори;

ДП – ўртача фоиз депозит ставкаси;

Пр – риск учун мулжалланган мукофот.

Реал инвестициялар ёки қимматли қоғозлар портфели реконструкциялаш түғрисидаги қарор билан биргаликда капитални реинвестициялаш формалари бўйича қарорларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар инвесторда янги реал инвестициялар лойиҳалари тайёр бўлса капитални реинвестициялаш керак бўлади; агар бундай лойиҳалар йўқ бўлса, портфелга янги самарали фонд воситалари жалб этилади; агар бундай қарорлар ҳам бўлмаса, озод булаётган капитални қисқа муддатли омонат сертификатларига реинвестициялаш лозим.

Хулоса

Инвестицион лойиҳалашдан чиқиши ёки инвестицион портфел фонд воситаларини сотиш түғрисидаги бошқарув қарорларини асослаш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бундай қарорларни қабул қилишнинг юқори жавобгарлиги кўпгина холларда нафақат кутилаётган даромад, балки қуйилган капиталнинг бир қисмини йуқотиш билан боғлиқ. Ушбу қарорларнинг мураккаблиги эса, улар инвестиция бозори жорий конъюнктураси, унинг кейинги ривожланиш истиқболлари чукур таҳлилига асосланишидадир. Инвестицион лойиҳалардан «чиқиши» ва фонд воситаларини сотиш билан боғлиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш юқори жавобгарлиги ва мураккаблиги инвестицион менежерлар малакаси даражасига юқори талабларни қуяди.

Айрим фонд воситаларини сотиш түғрисида қарор қабул қилиш инвестицион портфел жорий бошқарувининг кенг тарқалган формаларидан биридир.

Бундай қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш хар кварталда хеч бўлмаганда бир марта амалга оширилади. Қимматли қоғозлар самарадорлигининг пасайишига турли омиллар таъсир кўрсатишини хисобга

олган ҳолда, бундай бошқарув қарорларини моделлаштириш дифференциал характерга эга.

Таянч иборалар: инвестицион лойиҳалардан чиқиш ёки фонд воситаларини сотиш тўғрисида бошқарув қарорларини қабул қилиш моделларини ишлаб чиқиш, инвестицион лойиҳалардан «чиқиш» тамойиллари. Айрим фонд воситаларини сотиш мезонлари, капитални реинвестиция қилиш тўғрисида бошқарув қарорларини тайёрлаш.

Назорат саволлари

1. Инвестицион портфелни корректировкалашга зарурат қандай муҳим сабабалар билан тушунтирилади?
2. Айрим инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги пасайишининг асосий сабаблари қандай?
3. Инвестицион лойиҳадан «чиқиш» асосий тамойиллари ва мезонлари қандай?
4. Қимматли қоғозлар самарадорлигининг пасайишига қандай омиллар таъсир кўрсатиши мумкин?
5. Инвестицион лойиҳадан «чиқиш» қарорини қабул қилишда асосий мезон қилиб қайси кўрсатгич олинади?
6. Реинвестиция нима?
7. Инвестицион лойиҳа ёки программалардан «чиқиш» тўғрисидаги қарор қандай қабул қилинади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Инвестиционный менеджмент: Сборник научных трудов- М., 2000.
2. Серов В.М. Инвестиционный менеджмент: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М,2000.
3. Богатин Ю.В., Швандер В.А. Инвестиционный анализ:Ученое пособие для вузов.-М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
4. Крутик А.Б. Инвестиции и экономический рост предпринимательства: Учебное пособие - СПб.: Лань, 2000.
5. Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Ўзбекистан. Т. 2003.
6. Игошин Н.В. Инвестиции: Организация управления и финансирования:Учебник.-М.: ЮНИТИ.2000.

11. БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ БАҲОЛАШ ВА ПРОГНОЗЛАШ

11.1. Инвестиция бозори характеристикаси ва уни ўрганиш тамойиллари

11.2. Инвестиция бозори ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш ва прогнозлаш

11.3. Иқтисодиёт тармоқларининг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш

11.4. Регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш

11.5. Корхона инвестицион жозибадорлигини баҳолаш

11.1. Инвестиция бозори характеристикаси ва уни ўрганиш тамойиллари

Инвестиция фаолияти инвестицион бозор ривожланиш холатини баҳолаш ва прогнозлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Тор маънода, инвестицион бозор деганда инвестицион товарлар (курилиш материаллари ва асосий фондларнинг ишлаб чиқариш қисми) ва инвестицион хизматлар (курилиш-монтаж ишлари) бозори тушунилади. Чет эл тажрибасида инвестицион бозор инвестицияларнинг асосий турлари қимматли қоғозлар бўлгандиги сабабли фонд бозорига tenglashтирилади. Аммо инвестицион бозор тушунчаси кенг талқинга эга, яъни инвестицион бозор – бу ҳамма турдаги инвестициялаш обьектлари бозори ёки ўзининг таркибида тўғридан-тўғри капитал қўйилмалар бозори, хусусийлаштирилган обьектлар бозори, қучмас мулк бозори, реал инвестициялаш обьектлари бозори, фонд бозори, пул бозори каби алоҳида бозорлар йифиндисидир.

Тўғридан-тўғри капитал қўйилмалар бозори – янги қурилиш, кенгайиш, реконструкция, техник қайта жихозлаш турдаги капитал қўйилмалар кўринишидаги инвестициялаш бозори.

Хусусийлаштирилган обьектлар бозорида реал инвестициялаш предмети бўлиб аукцион, конкурсларда сотиладиган ва хусусийлаштирилган обьектлар чиқади.

Кучмас мулк бозори инвестицион бозор алоҳида мустақил элементидир.

Реал инвестициялаш турли обьектлари бозори коллекция предметларига, қимматли металл ва тошлар бозоридир.

Фонд бозори (ёки қимматли қоғозлар бозори) маълум ривожланишга эга.

Пул бозори инвестицион бозор элементи ҳисобланиб, бунда молиявий инвестициялаш обьекти бўлиб муддатли ва муддатсиз депозит қўйилмалар ҳисобланади.

Инвестицион бозорни бутунлай ва алоҳида унинг сегментлари холатини унинг қўйидаги элементлари характерлайди – талаб, таклиф, нарх ва ракобат. Ушбу элементлар нисбати доимий равишда ўзгариб туради. Инвестицион бозор фаоллик даражасини, талаб, таклиф, нарх ва ракобат ўртасидаги нисбатни аниқлашда бозор конъюнктурасини ўрганиш йўли билан аниқланади.

Бозор конъюнктураси бутун инвестицион бозорда ёки унинг алоҳида сегментлари тизимида талаб, таклиф, нарх ва рақобат даражалари ўртасидаги нисбатни аниқловчи намоён булиш формасидир.

Бутун инвестицион бозор ёки унинг алоҳида сегментлари учун қўйидаги туртта босқич характерлидир: конъюнктурунинг ўсиши, конъюнктура буми, конъюнктурунинг нимжонланиши ва конъюнктурунинг пасайиши.

Самарали инвестицион стратегияни ташкил этиш ва иқтисодий асосланган инвестицион қарорларни қабул қилиш учун инвестицион бозорини систематик равишда ўрганиш лозим. Инвестицион бозор конъюнктурасини ўрганиш қўйидаги уч босқичдан иборат:

1. Инвестиция фаолияти кўзда тутилаётган ёки амалга оширилаётган бозор сегментида инвестицион фаолликни жорий кўзатиб бориш.
2. Инвестицион бозор жорий конъюнктурасини таҳлил қилиш ва унинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ажратиш.
3. Инвестиция фаолияти стратегиясининг асосий йуналишларини танлаш ва инвестицион портфелни ташкил этиш учун инвестицион бозор конъюнктурасини прогнозлаш.

Инвестицион бозорни ўрганиш жараёни босқичлари:

- 1) инвестицион бозор ривожланиш макроиқтисодий кўрсатгичларини баҳолаш ва прогнозлаш босқичи;
 - 2) иқтисодиёт тармоқлари инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш босқичи;
 - 3) регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш босқичи;
 - 4) алоҳида корхона инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш босқичи;
- бундай инвестицион бозорни ўрганиш кетма-кетлиги унинг алоҳида сегментлари бўйича ва инвестиция фаолияти стратегияси ва самарали инвестицион портфелни ташкил этиш учун аниқ ахборотни олишга имкон беради.

11.2. Инвестиция бозори ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш ва прогнозлаш

Инвестицион бозор ривожланишининг макроиқтисодий кўрсатгичларини ўрганиш бозорни тадқиқ этиш биринчи мураккаб босқичи ҳисобланади ва кенг маънодаги ахборот, малакали ижро чиларни талаб этади. У ўз ичига қўйидаги босқичларни олади:

- 1) инвестицион бозор жорий конъюнктура холатини ва инвестицион иқлимини акс эттирувчи бирламчи кўзатилаётган кўрсатгичлар тизимини ташкил этиш;
- 2) инвестицион бозор жорий конъюнктурасини таҳлил этиш;
- 3) инвестицион бозор ривожланишига таъсир кўрсатувчи шароитлар ва омилларни истиқболдаги ўзгаришларини тадқиқ қилиш.

1. Бирламчи кўзатилаётган кўрсатгичлар тизимини ташкил этиш инвестицион бозор мониторинг тизимини яратиш жараёнида амалга оширилади. Бундай мониторинг тизими қўйидагича булимлар бўйича тўзилиши мумкин:

- а) бутун инвестицион бозор макроиқтисодий ривожланишини белгиловчи асосий кўрсатгичлар;
- б) капитал қўйилмалар бозори ривожланишининг асосий кўрсатгичлари;
- в) хусусийлаштириш обьектлари бозори ривожланишининг асосий кўрсатгичлари;
- г) кучмас мулк бозори ривожланишининг асосий кўрсатгичлари;
- д) фонд бозори ривожланишининг асосий кўрсатгичлари;
- е) пул бозори ривожланишининг асосий кўрсатгичлари;

2. Инвестицион бозор жорий конъюнктурасини таҳлил этиш бутун бозор ва унга кирувчи алоҳида бозорларни характерловчи, аналитик кўрсатгичлар тизимиға асосланади. Бундай аналитик кўрсатгичлар тизимини инвестор ўзининг инвестиция фаолияти мақсади ва йуналишидан келиб чиқиб аниқлайди. Инвестицион бозор мониторингига киритилган бошланғич кўрсатгичлар асосида динамика кўрсатгичлари, нисбат коэффициентлари, эластиклик коэффициентлари белгиланади.

Инвестицион бозор конъюнктурасини таҳлил этишда унинг бутун мамлакат иқтисодий ривожланиш фазалари билан боғлиқлигини ва унинг умумий динамикасини аниқлаш лозим бўлади. Иқтисодиёт у ёки бу давомийликдаги қўйидаги иқтисодий циклни ташкил этувчи туртта фазалардан ўтади: кризис, депрессия, жонланиш ва ўсиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон тажрибасида иқтисодиёт холати ва алоҳида унга мос ҳолда мамлакатлар инвестицион жозибадорлик даражасини характерловчи бир қатор индикаторлар (интеграл кўрсатгичлар) ишлаб чиқилган. Масалан «Euromoney» журнали миллий даромад кўрсатгичлари, ички ва ташки қарздорлик, қисқа муддатли ва узок муддатли инвестициялаш учун кредит ресурсларининг очиқлиги, инвестициялар иқтисодий самарадорлиги, сиёсий рисклар асосида хар ярим йилликда эксперталар томонидан ишлаб чиқилган инвестицион жозибадорлик рейтингини эълон қиласди.

АКШ иқтисодиёти холатини ва унинг инвестицион бозор конъюнктурасига таъсирини характерловчи индикаторлар ўртасида Доу-Жонс индекси биринчи ўринда туради. Ушбу индекснинг ўртача миқдори қўйидаги маҳсус индекслар асосида ташкил қилинади – саноат (30 та йирик саноат компаниялар акциялар курси асосида ҳисобланади), транспорт (20 та темир йўл, авиа ва автотранспорт компания акциялари курси динамикасини бирлаштирувчи) ва коммунал (15 коммунал компаниялар курс динамикасини акс эттирувчи). Ушбу индекс 1897 йилдан буён ҳисобланаб келади.

Ундан ташқари АКШда «Стандарт энд Пур» америка компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва 500 та компания акциялари харакатини акс эттирувчи индекс кенг ишлатилади. Буюк Британияда ушбу мақсадда «Рейтер» индекси, Германияда – «Франкфурт Альгемайнे цайтунг» индекси, Японияда – «Никкей» индекслари ишлатилади.

3. Инвестицион бозор ривожланишига таъсир этувчи омил ва шароитларнинг истиқболли ўзгаришларини тадқиқ қилиш ва ушбу ривожланиш прогнозини ишлаб чиқиш бозорни макроиқтисодий ўрганиш жараёнини якунлайди. Бундай тадқиқот ахборот базаси сифатида иқтисодиёт айрим

сохалари ва бутун Ўзбекистон ривожланиш давлат программалари асос қилиб олинади.

Инвестицион бозор ривожланишини макроиктисодий тадқиқот қилиш иқтисодиёт тармоқлари ва айрим регионлар инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш асос бўлиб қолади.

11.3. Иқтисодиёт тармоқларининг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш

Инвесторлар олдида турган асосий масала инвестициялаш обьекти сифатида энг яхши истиқболли ривожланиш ва инвестицияларнинг юқори самарадорлигини таъминловчи маълум тармоқ корхоналарини танлашдир. Бундай танлов асосида иқтисодиёт тармоқлари инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш ётади.

Иқтисодиёт тармоқлари инвестицион жозибадорлигини ўрганиш қўйидаги уч босқичдан иборат:

- 1) кўзатувчи учун ахборот кўрсатгичлар тизимини танлаш;
- 2) инвестицион жозибадорлик таҳлилини ўтказиш ва аналитик кўрсатгичлар тизимини яратиш;
- 3) иқтисодиёт айрим тармоқлари инвестицион жозибадорлигини прогнозлаш.

Тармоқлар инвестицион жозибадорлигини баҳолаш прогнозлаш жараёнида унинг хаётий циклини ҳисобга олиш зарур. Бозор назариясига асосан тармоқ хаётий цикли қўйидаги босқичлардан иборат:

1. «Пайдо булиш» босқичи.
2. «Ўсиш» босқичи.
3. «Кенгайиш» босқичи.
4. «Юксалиш босқичи.
2. «Инқироз» босқичи.

Хозирги замон шароитида айрим тармоқлар хаётий цикл босқичларининг алмашинуви иқтисодиётда амалга оширилаётган структур ўзгаришлар билан боғлиқ.

Тармоқлар инвестицион жозибадорлигини аниқловчи ривожланиш истиқболи мезонидан ташқари, ушбу баҳолаш даромадлилик ва риск кўрсатгичларини, хусусийлаштириш темплари, формалари, йуналишлари, маҳсулот экспорт салоҳияти, инфляцион химоя каби кўрсатгичлар ўзида мужассам этиши лозим.

11.4. Регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш

Хар бир инвестицион лойиҳа аниқ йуналишга эга бўлади ва уни энг қулай регионларда юқори самара билан амалга ошириш мумкин.

Шунинг учун корхона инвестиция фаолияти стратегиясини асослашда регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш алоҳида

ўрин тутади. Бундай сиёсатнинг асосий мақсади турли иқтисодий имкониятларни рационал ишлатиш, оптимал интеграция эффекти, территориал меҳнат таксимоти, ўзаро иқтисодий кооперация каби шароитларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида регионларнинг ривожланишини таъминлаш.

Регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш прогнозлаш тармоқ инвестицион жозибадорлигини аниқлаш каби амалга оширилади.

11.5. Корхона инвестицион жозибадорлигини баҳолаш

Инвестицион бозорни ўрганиш якуний босқичи бўлиб алоҳида корхоналар инвестицион жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳисобланади. Бундай баҳолаш инвестор томонидан капитал қўйилмаларнинг кенгайиш ва техник қайта жихозлаш мақсадга мувофиқлигини аниқлашда, альтернатив хусусийлаштириш объектларини сотиб олишда танлаш, компаниялар акцияларини сотиб олишда ўтказилади.

Корхона инвестицион жозибадорлигини баҳолаш унинг хаётый цикл босқичини аниқлашни талаб этади. Бозор назариясига асосан қўйидаги олти босқич ажратилади:

- 1) пайдо булиш;
- 2) болалик;
- 3) ёшлик;
- 4) етуклик;
- 5) қарилек.

Корхона хаётый цикли умумий даври 20-25 йилга teng.

Ўсиш босқичида турган корхоналар инвестицион жозибадор ҳисобланади, яъни бошланғич тўрт ривожланиш босқичларида.

Инвестицион жозибадорликни баҳолаш жараёнида корхона молиявий таҳлилининг асосий йуналишлари:

- 1) Активларнинг айланиш тезлигини таҳлил қилиш.
- 2) Капитал фойдалилигини таҳлил қилиш.
- 3) Молиявий мустахкамликни таҳлил қилиш.
- 4) Активларнинг ликвидлигини таҳлил қилиш.

1. Активларнинг айланиш тезлигини таҳлил қилишда фойдаланилаётган активлар айланиш даври корхона фаолияти ички шароитлари билан белгиланадиган, яъни маркетинг, ишлаб чиқариш, молиявий стратегия ва тактика самарадорлиги.

2. Капитал фойдалилиги қўйилаётган воситалардан фойдаланиш жараёнида юқори фойдани таъминлаш инвестициялаш бош мақсадларидан бири ҳисобланади. Хозирги шароитда корхона фойда кўрсатгичи маълум даражада ўзгариб турсада, таҳлил жараёнида уни ташкил этиш салоҳиятини аниқлаш мумкин бўлади.

3. Молиявий мустахкамлик инвестицион воситаларни ташкил этиш структураси билан боғлиқ инвестицион рискни баҳолашга ва жорий ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш манбалари оптималлигини аниқлашга имкон беради.

4. Активларнинг ликвидлиги. Ликвидликни баҳолаш корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўлов қодирлигини аниқлайди ёки бошқача килиб айтганда активлар ликвидлик холати қисқа муддатда инвестицион рисклар даражасини характерлайди.

Жаҳон тажрибаси молиявий таҳлил кўрсатгичлари кенг тизимини ишлаб чиқсан.

Активларнинг айланиш тезлиги таҳлил қилиш жараёнида қўйидаги кўрсатгичлар муҳим аҳамиятга эга:

- а) ҳамма фойдаланилаётган активлар айланиш коэффициенти;
- б) жорий активлар айланиш тезлиги коэффициенти;
- в) фойдаланилаётган активлар айланиш давомийлиги;
- г) жорий активлар айланиш давомийлиги.

Активлар айланиш тезлиги коэффициенти динамикада камайиши ёки уларнинг айланиш давомийлигининг ўсиши корхона ривожланишида салбий тенденциялар пайдо булаётганилан хабар беради, чунки жорий хўжалик фаолиятига қушимча инвестиция воситаларини зарурятини келтириб чиқаради.

Шунинг билан бирга молиявий холатни таҳлил қилиш схемаси мавжуд ва у «Дюпон» («Молиявий таҳлил Дюпон тизими») корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу усул баҳолаш ягона тизимида қўриб утилган кўрсатгичларни ўзаро боғлаш имконини беради. «Дюпон моделига» асосан фойдаланилаётган активлар фойдаси маҳсулотни сотишдан келадиган фойданинг активлар айланиш коэффициенти кўпайтмасига teng. Шундай килиб алоҳида корхоналар инвестицион жозибадорлигини баҳолаш учун маркетинг, ишлаб чиқариш, молиявий фаолият таҳлили, фойдани белгиловчи асосий омилларни ўрганиш ва уни кўпайтириш имкониятларини таҳлил қилиш заруратини талаб этади.

Хулоса

Инвестицион бозор – бу ҳамма турдаги инвестициялаш объектлари бозори ёки ўзининг таркибида тўғридан-тўғри капитал қўйилмалар бозори, хусусийлаштирилган объектлар бозори, кучмас мулк бозори, реал инвестициялаш объектлари бозори, фонд бозори, пул бозори каби алоҳида бозорлар йифиндисидир.

Бутун инвестицион бозор ёки унинг алоҳида сегментлари учун қўйидаги туртта босқич характерлидир: конъюнктуранинг ўсиши, конъюнктура буми, конъюнктуранинг нимжонланиши ва конъюнктуранинг пасайиши.

Самарали инвестицион стратегияни ташкил этиш ва иқтисодий асосланган инвестицион қарорларни қабул қилиш учун инвестицион бозорини систематик равишда ўрганиш лозим. Инвестицион бозор конъюнктурасини ўрганиш қўйидаги уч босқичдан иборат:

1. Инвестиция фаолияти қўзда тутилаётган ёки амалга оширилаётган бозор сегментида инвестицион фаолликни жорий кўзатиб бориш.

2. Инвестицион бозор жорий конъюнктурасини таҳлил қилиш ва унинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ажратиш.

3. Инвестиция фаолияти стратегиясининг асосий йуналишларини танлашва инвестицион портфелни ташкил этиш учун инвестицион бозор конъюнктурасини прогнозлаш.

Инвестицион бозор ривожланишининг макроиктисодий кўрсатгичларини ўрганиш бозорни тадқиқ этиш биринчи мураккаб босқичи ҳисобланади ва кенг маънодаги ахборот, малакали ижроиларни талаб этади. У ўз ичиға қўйидаги босқичларни олади:

- 1) инвестицион бозор жорий конъюнктура холатини ва инвестицион иқлимини акс эттирувчи бирламчи кўзатилаётган кўрсатгичлар тизимини ташкил этиш;
- 2) инвестицион бозор жорий конъюнктурасини тахлил этиш;
- 3) инвестицион бозор ривожланишига таъсир кўрсатувчи шароитлар ва омилларни истиқболдаги ўзгаришларини тадқиқ қилиш.

Таянч иборалар: инвестицион бозор тушунчаси ва унинг классификацияси. Инвестицион бозор алоҳида сегментлари характеристикаси. Инвестицион бозор конъюнктураси. Инвестицион бозор ривожланишининг макроиктисодий кўрсатгичларини ўрганиш тамойиллари. Иқтисодиёт тармоқларини инвестицион жозибадорлигини ўрганиш тамойиллари. Тармоқ хаётий цикли ва унинг босқичлари. Тармоқ инвестицион жозибадорлигини баҳолаш кўрсатгичлари. Регионларнинг инвестицион жозибадорлигини ўрганиш тамойиллари. Регион инвестицион жозибадорлигини баҳолаш кўрсатгичлари. Алоҳида корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ўрганиш тамойиллари. Корхонани молиявий тахлил Дюпон модели.

Назорат саволлари

1. Инвестицион бозор тушунчасига таъриф беринг ва унинг классификациясини келтиринг.
2. Инвестицион бозор ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсатгичлари кайсалар?
3. Корхона инвестицион жозибадорлик кўрсатгичларини аниқланг?
4. Иқтисодиёт тармоқларининг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш қандай амалга оширилади?
5. Инвестицион бозор конъюнктурасини ўрганиш қандай босқичлардан иборат?
6. Инвестиция фаолияти стратегиясининг асосий йуналишларини танлашва инвестицион портфелни ташкил этиш учун инвестицион бозор конъюнктурасини прогнозлаш қандай амалга оширилади?
7. Регионларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш қандай амалга оширилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Серов В.М. Инвестиционный менеджмент. М., 2000.
2. Гуртов В.К. Инвестиционные ресурсы.- М.: Экзамен, 2002.
3. Закарян И. Интернет как инструмент для финансовых инвестиций. / И. Филатов.- СПб: БХБ – Санкт-Петербург,2000.
4. Аркин В.И., Сластников А.Д. Стимулирование инвестиционных проектов с помощью механизма амортизации: №02/05.-М.,2002.
5. Кирин А.В., Бакатин Д.В. Регулирование иностранных инвестиций в экономически развитых странах.- М.: Изд-во МГУ,2001.
6. Абрамов С.И. Инвестирование.- М.: Центр экономики и маркетинга,2000.

12. БОБ. ЛИЗИНГ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛИ СИФАТИДА

12.1. Лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳияти

12.2. Лизингнинг мазмуни, асосий белгилари ва афзаликлари

12.1. Лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳияти

Ўзбекистон иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва тадбиркорликнинг ривожланиши асосий капитални янгилаш учун қўшимча молиявий ресурслар қидиришни, излаб топишни талаб қиласди. Умуман миллий иқтисодиёт ва, хусусан, янги шаклланаётган тадбиркорлик тузилмалари ички молиявий ресурсларининг чекланганлиги инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий манба ва усулларини излаш заруратини келтириб чиқаради. Шундай манба ва усуллар сифатида жаҳон амалиётида хорижий капиталнинг кўчиб юришига асосланган, қўшма корпоратив мулкчиликнинг яратилишини келтириш мумкин. Булар хорижий кредит линияларини, давлатлараро қарзларни жалб қилиш асосида лизинг муносабатларининг йўлга кўйилишини келтириш мумкин. Шунингдек, лизинг асосида янги технология ва асбоб-ускуналарни фойдаланиш учун олиб туриш амалиёти бунинг далилидир.

Лизинг фан-техника тараққиёти ҳамда хусусий, гурухий ва ижтимоий манфаатларни уйғун равишда бирга қўшиш талабларига тўла-тўқис жавоб беради. Молиявий қийинчиликлар шароитида лизинг тадбиркорларнинг энг янги технология ва замонавий асбоб-ускуналардан баҳраманд бўлишига имкон беради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда лизинг бизнеснинг алоҳида бир тури сифатида қаралади. У лизинг маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари учун, шунингдек, шу турдаги бизнес билан шуғулланаётган молиявий воситачилар учун ҳам муҳим бўлган бир қанча вазифаларни ҳал этади. Ички ва ташқи бозорлар учун қаттиқ рақобат шароитида асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятларинигина эмас, айни вақтда мазкур асбоб-ускуналар истеъмолчиларига қўйиладиган молиявий шартлар, шунингдек қўшимча хизматлар ҳам тобора ахамиятли бўлиб боради. Истеъмолчиларнинг бундай қўшимча талабларини қондиришда молиялаштиришнинг истиқболли усули бўлган лизинг тўла-тўқис хизмат қиласди. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг шу янги усулини яқин келажакда кенг жорий қилиш, шунингдек чет эл тажрибасидан тўғри фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда, лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳиятини чуқурроқ англаб олиш муҳим масаладир. Лизингнинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг табиатини, мазмунини ва замонавий бозор иқтисодиётида бажарадиган вазифаларини ҳар томонлама ўрганиш эса миллий иқтисодиётда уни кенг оммалаштириш ва ривожлантириш учун ҳуқукий, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Лизинг тадбиркорлика янги, тобора кучли қизиқтирувчи омилларни вужудга келтиради. У ташаббускорлик ва тадбиркорлик учун, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун кенг имкониятлар беради. Лизинг операциялари замонавий ишбилармонлик фаолиятига тобора фаол кириб бормоқда. Жаҳон амалиётида лизинг бизнесининг барқарорлиги кўп жиҳатдан банк сектори билан боғланмоқда. Масалан, Европа Ҳамжамияти мамлакатларида саксонинчи йиллар охирида йирик банкларнинг филиаллари ёки улар билан алоқадор бўлган молиявий воситачилар фаолиятнинг шу тури билан фаол шуғуллана бошлаганлар.

Хўш, лизинг нима? Унинг тадбиркорлар учун жозибадорлиги нималардан иборат. Уни Ўзбекистонда ривожлантириш имкониятлари ва истиқболи қандай?

"Лизинг" ибораси инглизча "lease"- феълидан келиб чиқсан бўлиб, мулкни вақтинча фойдаланишга бериш ёки топширишни билдиради. Баъзи манбаларда лизингни машина, ускуна, транспорт воситалари ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа кўчар мулкни узоқ муддатли ижарага олишни тушунмоқ керак, деб таъкидланади.

Бироқ, айни вақтда, улар аслида кредит тусида бўлган мазкур муносабатларнинг табиатини кўпинча эътиборга олмайди. Кўпгина муаллифлар лизингнинг ўзига хос функцияларини назардан қочирадилар, ҳолбуки бу функциялар ўз маъносига кўра лизингнинг моҳиятини ифодалайди. Маълумки, лизинг — одатдаги ижара эмас, балки унинг ўзига хос шакли бўлиб, лизингни кредитга яқинлаштириб қўяди. Унинг ижарадан фарқи шуки, унда қоида тариқасида, уч ва ундан кўпроқ субъект, асбоб-ускуна етказиб берувчилар, лизинг компаниялари ва фойдаланувчилар қатнашади.

Европа лизинг компаниялари Уюшмалари Федерациясининг таърифига кўра, лизинг деганда ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун асосий ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек бошқа товарларни ижарага олиш тушунилади. Айни вақтда лизинг битимиға кўра лизинг берувчи битим охиригача мулкчилик хуқуқини сақлаб қолади.

Иқтисодий адабиётларда "лизинг — шунчаки ижара тўғрисидаги кенгайтирилган шартнома" ёки "лизинг — ижара муносабатларининг алоҳида тури..." ёхуд "бутун ижара муддати давомида ижарачининг мулкчилик хуқуқи сақланиб қоладиган ижара шартномаси" деган фикрларнинг тарафдорлари бор. Бундай таърифларда аввало лизингнинг мақсади, ижарага берувчининг мулкчилик хуқуқи сақланиб қолиши таъкидланади, лизинг мол-мулкини кўлга киритувчи томон аниқланади, ижара муносабатлари қайд этилади. Шу билан бирга бу таърифларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг алоҳида усули бўлган лизингнинг иқтисодий табиати ва мазмуни акс этмайди. Мазкур таърифларда битимнинг ўзига ёки ижара муносабатларининг шаклига зўр берилади-ю, аммо унинг мазмуни моҳияти очиб берилмайди.

Мамлакатимиздаги ва хорижий адабиётларда лизингнинг бошқа таърифлари ҳам учрайди.

Айрим иқтисодчиларнинг ҳисоблашича, лизинг кўчар ва кўчмас техникаларни ижарачига сотиши имкониятини берадиган ҳамда уни ижарага олиш шартномасини кўзда тутадиган профессионал кредитнинг бир туридир.

Адабиётларда айрим муаллифлар лизингни узоқ муддатли ижара деб билиб ижарачининг ижарага олинган мол-мулкни опцион бўйича сотиб олиш мумкинлиги каби ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини таъкидлайдилар. Сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ёки бермайдиган, мол-мулкни ижарачи иҳтиёрига топшириш ҳуқуқини берадиган кредитлаш шакли деб ҳисоблайдиган таърифлар ҳам учрайди.

Лизингга берилган бу таърифларнинг муаллифлари ижарага бериш жараёнида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг тафовутларини айтиб ўтадилар, лизинг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини ундан фойдаланиш ҳуқуқидан фарқлайдилар, уни опцион асосида қўлга киритиш (сотиб олиш)нинг афзалликларини кўрсатишга интиладилар.

Айрим нашрларда лизинг ва ижара тушунчалари ўртасига тенглик белгиси қўйилади ва лизинг ер участкаси, бино, иншоот, асбоб-техникадан, одатда, рента шаклидаги тўлов эвазига фойдаланиш ёки уларни қарзга олиш ҳуқуқини бериш тарзидаги «шакл» деб таърифланади. Бу тарздаги таъриф, биринчидан, лизингнинг иқтисодий табиати, мазмуни, моҳиятини очиб бермайди. Иккинчидан, лизингнинг бу таърифида фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳақ тўлаш мажбурияти акс этади. Учинчидан, иқтисодий муносабатлар нуқтаи назаридан лизингнинг ёки лизинг муносабатларининг моҳияти баён этилмайди. Бизнинг назаримизда, лизингни тўғри талқин этиш, лизинг муносабатларининг моҳиятини белгилаш учун чет эл амалиётида лизингнинг пайдо бўлиши ва қарор топишга ундаган сабабларни чуқур билиб олиш керак. Лизинг ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида гуркираб ривожланиши бир нарса-ю, унинг ривожланаётган иқтисодиётга жорий этилишининг ноанъянавий усуслар билан манбаларни излаш зарурати тақозо этиши бошқа нарсадир. Иқтисодий адабиётларда лизингнинг шундай таърифлари учрайдики, унда ижара муносабатлари билан айни бир вақтда ресурсларни қарзга олиш манбанини жалб қилиш назарда тутилади. Лизингнинг бу таърифларида унинг мазмунига инвестициялаш учун қўшимча ресурс манбаларини излайдиган ижарачи нуқтаи назаридан бир томонлама ёндашилган. Аслида эса, лизингнинг иқтисодий табиати опционнинг вужудга келиши, қарз олиш муносабатлари пайдо бўлиши, қарор топиши ва ривожланиши заруратидан келиб чиқади.

Шундай қилиб олимлар ва мутахассислар лизингнинг моҳиятини таърифлаш хусусида ҳозирча бир фикрга келганлари йўқ. Шунинг натижасида назария ҳамда амалиётда лизингнинг мазмуни ва роли турлича талқин этилмоқда. Баъзи муаллифлар лизингни тадбиркорлик фаолиятини кре-дитлашнинг алоҳида ва ўзига хос усули деб ҳисоблайдилар, иккинчилари уни узоқ муддатли ижара ёки унинг бир шакли деб биладилар, учинчилари лизингни ишлаб чиқариш воситаларидан ёки ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш ва сотишнинг пардали усули деб ҳисоблайдилар, тўртингилари эса лизингни ўзгалар ҳисобидан фаолият юритиш деб, яъни ишонган кишининг

топширувига биноан ўзгалар мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш деб талқин қиласидилар. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, лизинг — муайян товарга бўлган мулкчилик хуқуқини учинчи шахс учун сотиб олиб, уни қисқа, ўрта ёки узоқ муддатли даврга ижарага берадиган ихтисослашган лизинг компанияси воситачилигида асосий фондларга капитал қўйилишини молиялаштиришнинг ўзига хос шаклидир. Лизингнинг бу таърифида, биринчидан, лизинг молиялаштирининг ўзига хос шакли деб таъкидланади. Иккинчидан воситачи учинчи шахс учун мулкчилик хуқуқини қўлга киритади деб, учинчидан ижара муносабатлари мавжуд, деб даъво қилинади. Бу таърифда лизинг катнашчиларининг функцияларини кўрсатишга ҳаракат қилинган, яъни мулкни қўлга киритишини молиялаштириш, мулкчилик хуқуқига эга бўлиш, ижарага топшириш эканлиги содир этилиши уринишлари кўрсатилади. Хукуқ нуқтаи назаридан олганда бу таъриф бирмунча даражада мантиқий бўлса ҳам, аммо учинчи шахс учун ижарага топшириш билан бирга мулкчилик хуқуқи ҳамиша ҳам қўлга киритилавермайди. Ижара муносабатлари вужудга келиши ва ижарачининг мулкчилик хуқуқининг қўлга киритиш вақти ҳар доим ҳам мос келмайди, фақат ижара муносабатлари, эгалик қилиш муносабатлари ва лизинг мол-мулкидан фойдаланиш муносабатларигина вақт жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши мумкин. Моҳияти жиҳатидан қарз олиш (кредит) муносабатлари ижара муносабатларидан олдин содир бўлади.

Бошқа манбаларда қайд этилишича лизинг — вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағларни инвестицияга йўналтиришга қаратилган алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолиятидан иборат бўлиб, бунда молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан бир шахс шартномада белгиланган мулкни муайян сотувчидан сотиб олиб уни ҳақ эвазига бошқа шахсга тадбиркорлик мақсадларида вақтинча фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини олади.

Афсуски, юқорида келтирилган барча таърифларда лизинг муносабатларининг у ёки бу жиҳатигина таъкидланади, аммо уларнинг биронтасида лизингнинг иқтисодий моҳиятини асил маънода ифодалайдиган белгилар ва функциялар ифодалаб берилмайди. Лизингнинг моҳиятига чуқур кириб бориб, унинг тўғри таърифини бериш учун лизингнинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қилиш, лизинг муносабатлари келиб чиқишидаги молиявий-иктисодий муҳитни ҳисобга олиш, шунингдек лизинг пайдо бўлган ва ривожланган мамлакатлардаги макроиктисодий вазиятни эътиборга олиш лозим. Лизингни таърифловчи муаллифларнинг билим доираси ва профессионал мақомини ҳам эътиборга олиш зарур. Жумладан хукуқшуносларнинг ўз ёндашуви бор, иқтисодчилар бошқача ёндашишлари мумкин. Молиячилар эса лизингни бутунлай бошқача таърифлашлари мумкин. Бундан ташқари лизингга лизинг муносабатларининг турли қатнашчилари (лизинг берувчилар, лизинг олувчилар ёки молиявий воситачилар) томошадан бўладиган қарашларни ҳисобга олиш керак.

Айрим иқтисодчилар, лизингни вақтинча бўш турган ёки жалб этилган молиявий маблағларни инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолиятининг бир тури деб таърифлайдилар. Бундай таърифлар муаллифлари ҳақиқатдан ҳам лизинг бизнеси тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури бўлган ривожланган иқтисодиётлардаги молиявий воситачиликнинг, шу жумладан

лизинг компанияларини ҳам даражаси юқори бўлган молиявий институтлар қудратли инфратузилмаси ривожланган шароитга асосланадилар. Лизинг компанияларининг бўш молиявий ресурсларини жалб этиш имкониятлари ва уларнинг салмоқли ўз капиталларининг борлиги билан изоҳланади. Лизинг институтлари эндиғина пайдо бўлаётган Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатда бозор муносабатларининг қонунчилик негизини шакллантириш билан бирга лизинг ҳам тадбиркорликнинг алоҳида турига айлангани йўқ. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, лизинг инвестицияларни молиялаштириш шакллари ёки усулларидан биридир, деб ҳисоблаётган муаллифларнинг фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин.

Баъзи бир иқтисодчилар лизингни профессионал кредит ёки қарзнинг бир хили деб ҳисоблайдилар. Муайян даражада, ҳақиқатдан ҳам шундай бўлади, чунки лизинг муносабатларининг асосини қарз олиш-бериш (кредитлаш) муносабатлари ташкил этади. Д. Ф. Фозибековнинг фикрича, лизинг муносабатлари қарз олиш-бериш асосида вужудга келадиган иқтисодий ва ҳукуқий муносабатларнинг яхлит тизими деб қабул қилинмоғи зарур. Лизинг ривожланишининг тарихидан маълумки, унинг пайдо бўлишига объектив шароитлар ва тегишли шартлар кўмаклашиб келган. Бу шарт-шароитлар, бир томондан, лизинг мулкини таклиф қилиш, иккинчи томондан, унга бўлган талабни шакллантириш, учинчи томондан эса лизинг муносабатларини амалга ошириш учун, бўш турган молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини берган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лизинг муносабатлари қатнашчиларининг ўзаро манфаатлари бир-бирига мос тушган тақдирдагина лизинг муносабатлари вужудга келган. Лизингни амалга ошириш имконияти биринчи галда пул шаклидаги капитал мавжудлигига боғлиқ, бунда баҳолаш, таққослаш ва чамалаш натижасида капитални лизинг битими билан боғлаш ҳақида қарор қабул қилинади. Лизинг муносабатлари тизими, аввало мулкнинг шаклини ўзгартирилишини, мулк етказиб берилишини молиялаштиришни, мулк ижарасини, эҳтимоли бўлган рискларни баҳолаш тартиботини, шартнома тузилишини ва лизинг тўловлари тўланиши хусусидаги муносабатлар аниқланишини кўзда тутади. Лизинг муносабатлари негизида лизинг мулкига бўлган талаб ва таклиф ётади. Кредит муносабатларида бўлгани каби, лизинг битимларининг тузилишини мажбурий шарти сифатида лизинг мулкини етказиб берувчилари, лизинг олувчилари (тадбиркорлар) ва лизинг компанияларининг манфаатлари мос келиши ёки бирлашуви ётади. Ана шундай шароитдагина тўла қимматга эга бўлган лизинг муносабатлари пайдо бўлиши мумкин. Лизинг муносабатлари тегишли муҳит яратилган тақдирдагина вужудга кела олади. Мазкур тегишли муҳит мол-мulkни лизингга бериш тўғрисидаги кўпдан-кўп таклифларни назарда тутади, мазкур мол-мulkка бўлган доимий талабни ва шундай муносабатлар келиб чиқишидан манфаатдор бўлган муайян инфратузилмада бўш турган молиявий ресурслар мавжудлигини, шунингдек тегишли инвестиция-молия механизмини қамраб олади. Иқтисодий-ҳукуқий муносабатлар мажмуи сифатида лизинг қарз олиш, олди-сотди, ижара, товар билан кредитлаш ёки инвестициялаш, мулкий кафолат, лизинг тўловларини амалга ошириш, лизинг мулкини суғурталаш, солиқлар тулаш, мулқдан фойдаланиш, лизинг мулкини

сотиб олиш, лизинг объектини етказиб бериш ва қабул қилиш, шунингдек, уни ишлатиш жараёнларидағи муносабатларни қамраб олади. Нихоят, лизинг муносабатлари қарз олиш, кредит муносабатлари, мулкчилик муносабатлари, ижара муносабатлари, мулкта эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хуқуқлари ва булар билан бир қаторда макон ва замонда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатлари йиғиндинисини акс эттиради. Шу муносабат билан кредит, яъни бир томондан қарз олиш ва иккинчи томондан инвестициялаш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар лизингнинг асосини, унинг иқтисодий табиатини белгилайди. Кредит муносабатлари лизинг муносабатлари негизини ташкил этади десак муболаға бўлмайди. Чунки, лизинг мулки таклифи мавжудлигидан ва лизинг кредити шаклида берилиши мумкин бўлган пул капитали мавжудлигидан қатъий назар, агар лизинг мулкига талаб бўлмаса, лизинг кредитига талаб ҳам бўлмас эди. Лизинг (кредит) муносабатлари заминида инвестиция муносабатлари келиб чиқади. Шундан кейин эса хуқуқий-мулкий муносабатлар, мулкчилик муносабатлари, эгалик қилиш муносабатлари, фойдаланиш муносабатлари, ижара муносабатлари ва улар асосида қайта тақсимлаш ва хуқуқий муносабатлар келиб чиқади.

Лизинг битими қатнашчилари ўртасидаги тақсимот муносабатлари, яъни кенг маънодаги молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит муносабатлари лизингнинг иқтисодий табиатини ташкил қиласди. Сўнгра, макон ва замонда тақсимот муносабатлари (кредит муносабатлари) негизида лизинг мол-мулкига мулкдорлик, эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари, лизингга асосланган ижара муносабатлари ҳамда хуқуқий муносабатлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, айрим иқтисодчилар лизингни узок муддатли ижара шакли деб ва инвестиция ресурсларини шакллантиришнинг қарз манбаларидан бири деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса, уни ижара деб ёки ижара тўғрисидаги кенгайтирилган шартнома деб билади. Учинчилари лизингни мулкий муносабатлар мажмуаси деб кўрсатади. Лизингни капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг маҳсус шакли деб ҳисоблайдиган таърифлар ҳам мавжуд. Шу билан бирга лизингни тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури деб тушунтирувчи фикрлар ҳам учраб туради.

Лизинг муносабатлари, ўзининг иқтисодий мазмунига кўра аввало қарз олиш муносабатларини, лизинг берувчи билан, мулк етказиб берувчи билан, давлат билан, миллий иқтисодиётнинг норезидентлари (хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, чет эл инвесторлари ва бошқалар) билан мулкий, хуқуқий, тақсимот ва бошқа уйғунлашган муносабатларини ифодалайди. Улар лизинг берувчилар, ҳамкорлар, муассислар ва бошқалар билан қўшма фаолият муносабатларини ифодалаши мумкин. Лизинг муносабатлари мулкнинг ўзгариб, ривожланиб боришини ва мулкнинг хусусийлашувини акс эттириши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лизинг муносабатлари, ўз мазмунига кўра макон ва замонда қарз олиш муносабатларини, яъни тақсимот муносабатларини, мулкий муносабатларини, лизинг объектига эгалик қилиш хуқуки ва ундан фойдаланиш хуқуқларини ифодалайди ва ўз навбатида қайта тақсимот

муносабатларини шакллантиради. Хуллас, **лизинг** алоҳида турдаги мулкий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуасини вужудга келтирадиган алоҳида кредит ва ижара муносабатлари воситасида капиталнинг пул ва буюм шаклида тақсимланиши соҳасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат. Лизинг миллий иқтисодиёт ва миллатлараро иқтисодиётлар доирасидаги ижара воситасида молиявий ресурсларни макон ва замонда тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлашдаги мулкий муносабатлар мажмуасидир.

Шакл жиҳатидан лизинг муносабатлари лизинг мол-мулкини тўлиқ ёки қисман қўлга киритилиши, кредит беришни янги хўжалик ходими-тадбиркор пайдо бўлганлигини акс эттиради. Моҳият эътибори жиҳатидан лизинг тадбиркорлик мулкий муносабатларини амалга ошириш услуби ва ташкил этиш шаклини акс эттиради-Бошқача қилиб айтганда лизинг воситасида ва шу борада вужудга келадиган муносабатлар воситасида кредит муносабатлари, мулкий муносабатлар ва тадбиркорлик фаолияти амалта оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади, деб белгиланган. Бу таъриф, бизнинг назаримизда унчалик тўғри эмас, чунки у лизингнинг иқтисодий табиати, моҳияти ва функцияларини очиб бермайди. Лизингнинг иқтисодий табиати ва мазмuni юзасидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, лизинг воситасида миллий ҳамда миллатлараро иқтисодиётларда тақсимот муносабатлари ва молиявий воситачилик; тадбиркорлик самарадорлигини оширишга қаратилган оқилона кредит муносабатлари; лизинг кредити воситасида фантехника тараққиёти ютукларини жадал жорий этишга қаратилган алоҳида ижара муносабатлари; мол-мулкни шакллалтиришга ва айни вақтда ундан фойдаланишни яхшилашга қаратилган мулкий муносабатлар; хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий капиталга инвестиция солиш усуллари; «ноу-хау» дан замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича байналминал капитал муносабатлари ва шу кабилар амалга оширилади.

12.2. Лизингнинг мазмuni, асосий белгилари ва афзалликлари

Иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндиси бўлмиш лизингнинг бу пул ва товар шаклида рўёбга чиқадиган молиявий, кредит муносабатларига асосланувчи муносабатлар йиғиндисидир. Лизинг корхоналарнинг асосий капиталига сафарбар этиладиган инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усули бўлиб, анъанавий банк кредити эвазига маблағ ажратиш ёки бевосита инвестицияларни молиялаштириш усулларига нисбатан аниқ равшан устунликларга эга.

Лизинг муносабатлари қуйидаги алоҳида белгиларга эга : ижара воситасида капиталга эга бўлиш; рисксиз капитал инвестицияларни амалга ошириш; ўзга мулкни самарали ёнлаш; лизинг объектини сотиш; мол-мулкка

манфаатли тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш; кам маблағ ёки маблағсиз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш; лизинг мулкидан самарали фойдаланиш; муайян замон ва маконда ҳамда иқтисод соҳиблари орасида ресурсларни тақсимлаш; рақобатда маневр қилиш, фаолиятнинг капитал сифимини пасайтириш; мулкдорлик ва лизинг мол - мулкидан фойдаланувчи ҳуқуқларини ажратиш.

Лизинг қўйидаги функцияларни бажаради: молиявий, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш, ситош, таъминлаш, инновация, инвестициялаш, тадбиркорлик, имтиёз яратиш, ижарага бериш ва олиш, сафарбар қилишлик, суғуртавий, такор ишлаб чиқариш ва бошқалар. Ўзбекистон қонунларига биноан, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган, истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулк мажмуалари, бинолар, иншоотлар, техникалар, транспорт воситалари, кўчар ва кўчмас мулк лизинг обьектлари бўлиши мумкин.²⁵

Лизингнинг бир қатор афзалликлари мавжуд, уларга тезкор лизингнинг соддалиги ва қулайлиги; лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг мол-мулки барвақт маънавий эскириш рискини ўtkазиш мумкинлиги; лизинг мол-мулкига мустақил хизмат кўrsatiш имкониятини олиш; қимматли қофозлар чиқариш ва жойлаштиришга нисбатан чиқимларнинг бирмунча пастроқ даражаси; лизинг иштирокчиларига солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш воситаси бўлмиш лизинг рақобат натижасида пайдо бўлган ва унинг муайян афзалликлари бўлган. Тадбиркорлик фаолияти учун инвестиция ресурсларини қидириб топиш ёки мулкни кўлга киритиш, унга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқини олишнинг бошқа усусларига мисбатан лизингнинг у ёки бу афзалликлари турли ҳуқуқий ва иқтисодий маконларда турлича намоён бўлади. Яъни лизинг мол-мулкидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш имкониятини олиш воситаси сифатида лизингдан кўриладиган манфаатлар ёки заарлар, унинг афзалликлари ёки камчиликлари иқтисодий, шу жумладан, ҳуқуқий, молия-кредит муносабатларининг даражаси билан белгиланади. Халқаро лизинг битимлари тузилганида бу битимларнинг куч-қуввати халқаро иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан, лизинг муносабатларида қатнашувчи тегишли мамлакатларнинг қонунчилиги билан белгиланади. Лизинг битимлари тузилмоғи учун тадбиркор томонидан мол-мулкни кўлга киритиш ёки унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олиш вариантларини таққослаш йўли билан, инвестициялашга оид тегишли қарорлар қабул қилинади, кўчар ёки кўчмас мулкни сотишга оид мустақил қарорлар ҳам унинг мулкдори (ишлаб чиқарувчиси, сотувчиси, ижарага берувчиси) томонидан қабул қилинади. Молиявий капитал эгаси ҳам, ўз навбатида, ресурсларни қўйиш ва диверсификация қилиш хусусида ўз қарорларини қабул қиласди. Айни вақтда, ҳар бир томон ўз қарорларини чамалаб кўради, ўзаро манфаатлар мос келган тақдирдагина ва келгусида манфаат кўришига кўзи етган ҳолатда лизинг битимини тузишга қарор қиласди. Хуллас, лизинг кўчар ва

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисидаги” қонуни, 1999 йил 14 апрель, З модда.

кўчмас мулкни кўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олишдаги анъанавий усуулларга нисбатан муқобил ёки асосий капиталга ресурсларни молиялашнинг муқобили эканлиги равshan бўлади.

Кейинги вақтларда хорижий иқтисодий адобиётларда лизинг бизнеснинг алоҳида тури деб талқин қилинмоқда. Баъзи муаллифлар лизинг бизнеси тўғрисида мулоҳаза юритиб Рим ҳуқуқининг мулкнинг мулкдори ва фойдаланувчиси тушунчаларини бир-биридан фарқлаш тўғрисидаги классик тамойилларга ишора қиласидар. Лизинг муносабатлари мол-мулкнинг қисмларини икки энг муҳим ваколатга бўлиш имкониятига асосланади. Уларнинг биринчиси мол-мулкдан фойдаланиш, яъни ундан даромад ёки бошқа манфаат олиш мақсадида фойдаланиш бўлса, иккинчиси шахснинг мулкчилик обьекти устидан ҳуқуқий ҳукмронлиги тарзидаги мулкчилик ҳуқуқинининг ўзидир. Лизингни ривожлантириш ва ундан фойдаланишнинг кўп асрлик тажрибасига кўра, бойлик пиравард натижада бевосита мулкка эгалик қилишдан иборат эмас, балки шу мол-мулкдан самарали фойдаланишдан иборатdir.

Баъзи таржима нашрларида лизинг ижарапи молиялаштириш деб ҳисобланади ва лизинг усулида молиялаштириш банкнинг техника ёки машиналарни сотиб олиб, уларни ўз мижозларига ижарага беришини назарда тутади деб, таъкидланади. Ҳақиқатда эса банк мулкчилик ҳуқуқини сотиб олмайди, балки молиялаштиради, тўғрироғи ижаракининг ижара муносабатлари воситасида ва лизинг шартномаларида қўрсатилган муддатларда мол-мулкни кўлга киритиш ниятида бўлғуси ҳуқуқини молиялаштиради. Бунга қўшимча равишда шуни ҳам таъкидлаш керакки, лизинг технологиялар ва техникалар сотиб олиш учун кредит беришнинг бир шаклидир.

Хуроса

